

Guliston $\frac{2}{2001}$





*Мирпўлат хoji
Мирсоатовнинг oта-онаси*



Оила даврасида

Бугун биз халқимизнинг кўр-қўдратига ва бунёдкорлик салоҳиятига сўғиниб, янги фатмият, янги иқтисодиёт, янги ҳаёт кўрмоқдамиз..

Ислом КАРИМОВ

Guliston

2

2001

mart-aprel

ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop
va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
*O'zbekiston Respublikasi
Madaniyat ishlari vazirligi*

Bosh muharrir –
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV,
Sa'dulla ABDULLAYEV,
Bahodir ABDURAHIMOV,
Bobur ALIMOV,
Oqilxon IBROHIMOV,
Otanazar MATYOQUBOV,
Mahkam MAHMUDOV
(bosh muharrir o'rinbosari),
Asqar MAHKAM,
Alisher MIRZAYEV,
Ma'pura NABIYEVA
(mas'ul kotib),
Yo'ldosh SULAYMON,
Muhsin QODIROV,
Tursunali QO'ZIYEV

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda

Shomat SAMATOV. Falsafa va yangicha tafakkur	2
Oysuluv QODIROVA. Sog'lom avlod mas'uliyati	4
Umid BOBOMATOV. Kelajak va intellektual mulk	5
Mahmud YO'LDOSHEV. "Tasviriy oyina" hayot ko'zgusi	6
Olim FAYZIEV. Navro'z sadosi	8
Narzulla FAYZIY. "Berib jon, men g'azalga jon bitibmen..." (She'rlar)	10
Qurbanniiz PANJIEV. Folbin aytimlari.	11
Mattqub QO'SHJONOV. XX asr rassom ko'zgasida! (O'zbekiston xalq rassomi Abdulhaq Abdullaev ijodi haqida o'ylar)	12
Tilab MAHMUDOV. Umr bezagi.	18
Xurshida YUNUSOVA. Barham topgan bo'htonlar	23
O'ktam HAKIMALI. Samimiyat malikasi (O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Svetlana Murodxo'jaeva ijodiga chizgilar)	24
Nodira AHMEDOVA. Ota, ona - hayot bog'bonlari	25
Sarvinov QODIROVA. Yangi sahnaviy kulgilar	26
Abdulhamid SULAYMON - Cho'LPON - Men sevgan azamatlar	30
Zulfiya YUNUSZODA. Sayohatnomalarda milliy istiqlol g'oyasi	32
A.ISOMIDDINOV. Rangin lahzalar.....	33
Dilnoza UMAROVA. Estetik ideal.....	34
Vahob RAHMONOV. Badiiyat mo'jizasi	35
Qudratillo OTAXONOV. Chiziqli tafakkur (hikoya)	36
Shoira ABDULLAEVA. Bilim va tarbiya jarayoni yaxlitligi	38
Mahmud RAHMATILLA MANG'ITIIY. Qo'qonda bir hofiz bor	39
Nodira ALIMOVA. Jadid maktablariga oid yangi ma'lumotlar	40
Jaloliddin MIRZO. Termizning ilk o'rta asrlar tarixidan	42
Iskandar HAYITOV. Endi milliy boyligimizga aylandi	44
Ma'murjon OTAJONOV. Uyatchanlik va tortinchoqlik	46
Qobil KO'BAEV. Saodat sohilini izlab	48
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy (Davomi)	50
Ma'pura NABIEVA. Ma'rifat kutubxona ostonasida	56
AVESTO. (Davomi)	58
Jumanazar BOZORBOEV. "O, Ayol sevgisi, Ayol sevgisi..."	62
Tohirjon YO'LDOSHEV. Uy sotiladi (hajviya)	63

Muqovaning birinchi sahifasida:
*O'zbekiston Badiiy Akademiyasi haqiqiy a'zosi
Ro'zi Choriyevning "Mirpo'lat portreti" asari.*

Muqovaning to'rtinchi sahifasida:
*O'zbekiston Respublikasi Davlat Bolalar kutubxonasi
direktori Fotima BUXAROVA.*

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида ижтимоий фанлар (шу жумладан фалсафа) олдида турган вазифаларни белгилаш борасида ўзига хос илмий дастурни яратиб берди. Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз янги давлат, янги жамият кураётган эканмиз, бу тизимда ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамларнинг онги ва тафаккури мутлақо янги маъно касб этиши шубҳасиз. Бинобарин, шахс билан давлат, инсон билан жамият муносабатлари батамом янги мазмун ва шакл топиши, янги хусусиятлар, янги тамойилларга асосланиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, буларнинг барчаси янги қадриятлар ва демократик принциплар моҳиятига, ўз турмуш ва тафаккур тарзимизга мос, биз барпо этишга интилаётган адолатли жамият талабларига жавоб берадиган муносабатлар бўлмоғи даркор.

Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки, ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашга бўлган ўз муносабати ва ўрнини, ўз бурчини ана шу асосда аниқлаб олиши зарур.

Ана шу тамойилларга таянган жамиятнинг ўзига хос ижтимоий шаклшамойили, унинг қиёфаси, ривожланиш йўллари, устувор хусусиятлари тўғрисидаги аниқ тасаввур, турли фикрлар, баҳс-мунозаралар орқалигина аён бўлишини эътироф этишимиз ва буни ўзимизга мезон қилиб олишимиз зарур.

Юқоридаги долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида Президентимиз оммавий ахборот воситалари олдидаги улкан вазифаларни ҳам белгилаб берди. «Бунинг учун эса, — деган эди И.А.Каримов, — оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндошувларга кенг йўл очиб бериши, жамиятимиздаги бугунги ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши лозим. Токи ҳар қайси инсон бу масалада ўз фикр ва қарашига эга бўлибгина қолмасдан, барпо этилаётган жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва бунёдкорига айлансин».

Юртбошимизнинг ана шу доно маслаҳатларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида «Гулистон» журнали ўзининг 2000 йилги 3-сонида файласуф олим Иброҳим Каримовнинг «Фалсафа ва тараққиёт» номли мақо-

ласини мунозара тариқасида чоп этиш билан хайрли ишга қўл урди. Биз мақолага хайрихоҳмиз.

Жамият тараққиётида ҳар бир халқнинг мустақилликка эришиши ва ўзининг эркин ҳамда озоқ давлатини яратиб, уни мустаҳкамлаши тарихий заруриятдир. Сабаби, мустақилликсиз жамиятнинг ривожланиши секинлашади ва охир-оқибатда боши берк кўчага кириб қолади. Бунинг эркин ифодасини ўтмишдаги тарихий тажриба ҳар томонлама исботлади.

Ўзбекистоннинг ҳақиқий мустақил тараққиёти ҳам янги дунёқараш, фалсафа фанининг янгилини йўлидаги ривожига катта таъсир кўрсатмоқда.

Фалсафанинг вазифаси дунёқарашнинг асосий принципларини шакллантириш, ўрганиш, таҳлил этишдир.

Маълумки, фалсафа энг қадимги фанлардан. Қарийб уч минг йиллик ривожланиш даврида унинг предмети, вазифаси, тузилиши ўзгарди. Бойиб борди. Қадимги Юнонистонда эраимиздан аввал VI-V асрларда у ягона фан сифатида вужудга келди. Ундан аста-секин бошқа илмлар ажралиб чиқа борди. Хусусан, илк ўрта асрда Шарқ, Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафа илмининг сўнгги эволюцияси учун буюк хизмат кўрсатдилар. Хусусан, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушдларнинг илмий-фалсафий мероси. Европада Ренессанс маданияти шаклланишида муҳим роль ўйнади. Европада сўнгги асрларда фалсафа илмида катта ютуқларга эришилди.

Марксизм фалсафаси XIX асрнинг охирларидаги табиатшунослик ҳамда ижтимоий тараққиёт ютуқларини, борлиқни, ижтимоий ҳаётни янги талқин этадиган концепция яратолмади. Собиқ СССРда зўравонлик билан барпо этилган социализмнинг қулаши, ягона мамлакат парчаланиб, унинг ўрнига мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, жумладан, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, бу тузумнинг сиёсий, мафкуравий, фалсафий асослари ҳам эскириб қолгани, тарихан ўзини оқлай олмаганлиги, инсониятнинг сўнгги тараққиёти талабларига жавоб беролмаганлигини тўла исботлади.

Эндиликда марксча-ленинча назария тарихий ўтмишга айланди. Бироқ фалсафа илми инсоннинг маънавий юксалиши учун хизмат этишда, ўз ривожланишида давом этади.

Фалсафий фикрнинг турли-туман

Фалсафа

ва

янги

тафаккур

«...оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндошувларга кенг йўл очиб бериши, жамиятимиздаги бугунги ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотиши лозим. Токи ҳар қайси инсон бу масалада ўз фикр ва қарашига эга бўлибгина қолмасдан, барпо этилаётган жамиятимизнинг фаол иштирокчиси ва бунёдкорига айлансин».
Исломи КАРИМОВ

йўналиш, шаклларда намоён бўлиши, унинг мунозараларда ривож топиши, фалсафанинг моҳиятидан келиб чиқади.

Маданият ривожининг муҳим меваси бўлмиш фалсафанинг ўзи маълум синфнинг, партиянинг манфаатини ҳимоя этиш, унинг бошқа синфларга қарши кураш қуроли эмас, балки инсоният камолоти, маънавий юксалиши ва ҳамдўстлигининг муҳим қуроли бўлмоғи зарур.

Инсон ҳар доим фалсафий илмларнинг марказида бўлиб келган ва ана шундай бўлмоғи керак. Унинг дунёқарашини шаклланиши, илмий, маънавий, ахлоқий, эстетик юксалуvinинг усуллари, воситалари, имкониятларини аниқлаш, ўрганиш фалсафада етакчи роль ўйнамоғи зарур. Чунки инсон ижтимоий ҳаётни, тарихни, маънавиятни вужудга келтирувчи фаол, ижодкор, яратувчи, реалликни узлуксиз янгиллаб турувчи кудратли кучдир.

«Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»да қайд этилганидек, инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу муаммоларни фалсафа илмисиз мутлақо ҳал қилиб бўлмайди. Шундай экан, дунёқараш, илмий-фалсафий, ижтимоий фикр ҳам узлуксиз янгиланиб, кенгайиб, чуқурлашиб боради.

Тарихий тажрибаларга таянган ҳолда масалага ёндашиладиган бўлса, бугунги кунда фалсафий билимларни тубдан янгиллаш асосида қуйидаги принциплар ётади:

— фалсафани инсоният тафаккури ривожини ҳақидаги ва инсоният тараққиёти учун хизмат қилувчи фан сифатида талқин этиш, партиявийлик, сиёсат сиқувидан озод этиш;

— фалсафанинг асосий фундаментал масалалари, қонун, категория, принциплари, таркибининг ҳозирги илмий тафаккур ютуғи, ижтимоий ривожланиш тенденциялари негизида юксалиши ҳақидаги фикрни олға суриш;

— фалсафани ўрганиш, ўқитишга бир хил ёндашишдан воз кечиш, унга ижодий қараш, ҳар бир халқнинг, минтақанинг маънавий бойликларини, хусусиятини назарга олган ҳолда ёндашиш. Шу боисдан Президентини

мизнинг қуйидаги фикрлари гоёта ибратлидир: «Дунё тан олган кўп улугъ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг гоёвий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлари билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»;

— фалсафани ўқитишни демократлаштириш ягона гоё тарғиботчилигидан қутултириб, уни турли миллий-маданий қадриятлар, таълимотлар билан бойитиш, қўламини кенгайтириш ҳамда гуманизмнинг умуминсоний маънавият ва тафаккурнинг ҳозирги ривожланиш йўлига олиб чиқиш зарурияти олға сурилади;

— эндиликда фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва тадқиқ этиш фикрлар хилма-хиллигига (плюрализм) ўтиш гоёсига асосланиши лозим. Бу йўл фалсафанинг қадимдан ривожланган тарихий йўлидир. У ҳар доим мунозарада, турли фикрлар тўқнашувидан янгиланиб борган, фалсафий тафаккурнинг турли қирраларини ечиш, чексиз, дунёнинг фалсафий тасаввури ва таҳлили учун хизмат қилган. Президентимиз таъкидлаганидек: «Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик, муҳокама қилайлик. Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин».

Бу принциплар ҳозир мустақиллик йўлида илдам одимлаётган Ўзбекистон Республикасида фалсафа фанини олдинги мафкура сиқувидан олиб чиқишда, унинг тараққиёт йўналишларини белгилашда, демак, бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафа доимо миллий ва умуминсоний маънавият, маърифат ва маданиятнинг гултожиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Шундай экан, тараққиётимиз дастурининг асосида маънавият ва маърифат, миллий онгни шакллантириш вазифалари етакчи мезон қилиб белгиланаётган ҳозирги шароитда кадрларнинг таълим ва маънавий тарбиясида фалсафа фанининг ўқитилишига биринчи даражали аҳамият берилмоғи даркор. Бу борада кейинги йилларда, асоссиз равишда

фалсафа фанининг ўқитилишига ажратилган соатларнинг кескин камайитириб юборилиши (140 соатдан 120 соатга, ундан 90 соатга, ҳозир эса 80 соатга) каби хатоликка барҳам бермоқ керак. Ўз навбатида барча олий ўқув юртлари, мутахассисликлари учун ягона давлат аттестацияси (имтиҳон) сифатида фақат фалсафа фани белгиланмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Бу ҳаёт талабидир.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да ҳам таъкидланганки, бизда таълим тизими дунёвий характерга эгадир. Шунинг учун ҳам «табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлар шаклланиши, кадрлар тайёрлаш тизимида оммалаштириш, ўрганиш ва фойдаланиш учун керакли илмий натижалар жамланиши»га эришиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу улкан муаммони фақатгина фалсафа фанининг ўрганилиши, фалсафанинг дунёқарашлик, методологик ва гносеологик функцияси орқалигина ҳал қилиш мумкин, холос. Бошқача йўл йўқ!

Кадрлар тайёрлашнинг миллий моделининг асосий таркибий қисмлари сифатида: 1) шахс; 2) давлат ва жамият; 3) узлуксиз таълим; 4) фан; 5) ишлаб чиқариш масалалари қўйилган экан, буларнинг барчаси аввало фалсафий муаммолар бўлса, ўз навбатида, уни ҳал қилинишини фалсафа илмисиз тасаввур этиб бўлмайди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» марказида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши, жамиятнинг маънавий янгиланиши, миллий гоё ва миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳам-жамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти қурилиши бош мақсад қилиб қўйилган экан, уни амалга оширишнинг назарияси ҳам, амалиёти ҳам фалсафа илмидир. Бас, шундай экан, аввало жаҳон маданияти, маънавияти, маърифати, тафаккури, ахлоқ-одобининг юраги бўлган фалсафа фани ўқитилишига эътиборни кучайтириш зарур. Чунки етук кадрлар тайёрлашда, уларнинг таълим ва маънавий тарбиясида фалсафа фанининг ўрни ва роли бекиёсдир.

ШомаТ САМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

СОҒЛОМ АВЛОД МАСЪУЛИЯТИ



Ёш авлод жамиятга оила орқали кириб келади. Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти шу жамиятдаги оилалар мустақамлигига боғлиқдир. Шунинг учун оила ва оилавий муносабатлар масаласи ҳамма асрларда ҳам даврнинг долзарб муаммоси бўлиб келган. Ватанимиз келажаги ва тараққиётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш соғлом авлодни вояга етказиш масаласига давлатимиз эътиборининг қаратилаётганлиги, янги асрнинг бошланиши «Оналар ва болалар йили» деб аталишининг боиси ҳам шу ҳисобланади. Шахснинг инсоний фазилати оилада шаклланади, қолаверса нозик психологик ҳолатлар болалар ички ҳиссиётлари ва руҳиятига катта таъсир ўтказиши.

Бола тарбиясига оиладаги психологик муҳитнинг таъсири каттадир, чунки оилавий муҳит қандай бўлса, болалар худди шу муҳит таъсирида ўсиб-улғаядилар.

Оила муҳити болага таъсир кўрсатиши билан биргаликда уни атрофдаги ҳаётга мослайди. Жамиятда эса тарбия фақат ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан, ижтимоий бурчи ҳамдир. Маълумки, шахснинг қадрияти унинг жамиятда тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жиҳатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади.

Ризоуддин ибн Фахриддиннинг «Оила» номли рисоласида «Бола тарбияси ёмон наят ва кўполлик билан эмас, балки сабр-тоқат, матонат, меҳрибонлик, шафқату сезгирлик, чидамлилик билан бўлиши керак. Бундан эса болани тизгинсиз ҳайвон каби ўз ҳолига қўйиш лозим, деган гап келиб чиқмайди. Балки уни қаттиқлик билан юмшоқлик ўртасида, адолат билан тарбия қилмоқ керак» деган фикрлар берилган.

Шунингдек, Абу Али ибн Сино тарбия жараёнида шахсий намуна бўлиш гоят катта аҳамиятга эга эканлигини қайта-қайта уқтириб ўтган: «Боланинг хулқини мўтадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга эса боланинг қаттиқ ғазабланишдан, кўр-

қиш, хафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади. Бола хоҳлаган, унга фойдали нарса топиб беришга ҳамда севмаган нарсасини кўздан узоклаштиришга доим тайёр бўлиб туриш керак. Бу ишнинг икки хил фойдаси бор. Бир томондан, боланинг руҳига фойда қилади, бола ёш чоғиданоқ хушхулқ бўлиб ўсади ва бора-бора бу хушхулқлик одат бўлиб қолади. Иккинчи томондан, боланинг танасига фойда қилади, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларига олиб келади. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли оздиради, ҳафсаласизлик нафсоний қувватни бўшаштириб, мижозни беғамликка мойил қилади. Хулқнинг мўтадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом бўлади». Бола балогат ёшига етгач, ота-она у билан муносабатда унда шаклланаётган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши муҳимдир. Баъзи ҳолларда ота-оналар боласи қуйи синфларда яхши ўқиганини ва қобил бўлганлигини айтиб, илк ўсмирлик ёшида (5-6-синфлар) ўзгартириб, ишга қовушмайдиган, кўрс ва гапкўтара олмайдиган бўлиб қолганидан нолийдилар. Гапшундаки, ўсмирлик даври (12-15 ёш) ривожланишдаги энг мураккаб давр бўлиб, ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда бола организмда мураккаб анатомик, физиологик ва руҳий ўзгаришлар рўй беради. Ўсмирлик ёшида бола бўйига тез ўсади. Суяклар мускуллардан тез ўсиши натижасида бола қаттиқ оғриқ сезади, томирлари тортишади, иситмайди. Шу боисдан кўп болалар асабий ва жаддор бўлиб қоладилар.

Ўсмир тарбиялаш шунинг учун қийинки, у ўзини кўп жиҳатдан мустақил ҳаракат қилишга қобилиятли деб ҳис қилади. Ўзига катталарнинг назоратини кераксиз ҳисоблаб, ундан қутулишга ҳаракат қилади. Шу боис ҳам ўсмирлар билан ота-оналар орасидаги келишмовчиликлар кўпинча шу даврда юз беради. Ўсмирлик даври бошланганда асаб тизими морфологик жиҳатдан шаклланиб бўлади. Асаб системасининг бундан кейинги ривожланиши

организмнинг ҳамма функциялари ус-тидан назоратнинг кучайишига ва такомиллашувига олиб келади. Бош мия қобигида кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг мувозанати бузилади. Бу эса хулқнинг бетайинлигини, ўсмирнинг жаддорлигини, кайфияти тез ўзгаришини, иш қобилияти гоҳо кўтарилиши, гоҳо пасайишини вужудга келтиради. Ўсмир ё жуда фаол бўлиб қолади ёки лоқайдлашиб, ишлашни ҳам, ўқишни ҳам хоҳламайди. Мана шу психологик ҳолатлар сабабли ўсмир жуда иззатталаб ва тез аччиқланадиган бўлади. Уларни катталар етарли ҳурмат қилмаслиги алам ва адоват ҳисларини вужудга келтиради.

Шунинг учун ўсмирлар билан муомалада ҳар бир ота-она, катталар, аввало боланинг ёш хусусиятини инобатга олиб, иложи борича у билан юмшоқ ва жиддий муносабатда бўлишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрларини сўрашлари, гапларига эътибор билан кулоқ солишлари керак.

Хулоса қилиб айтганда, ота-онанинг ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаслиги, ёш хусусиятларини инобатга олмаслиги, болаларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйиши, ота-оналик бурчини, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилмасликдир. Энг ачинарлиси, ўсмирлик даврида болаларнинг ёш хусусиятларининг инобатга олинмаслиги натижасида ота-она ва болалар ўртасида низолар чиқиши ва бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-онанинг ўз фарзанди тарбияси билан жиддий шуғулланиши, бунинг учун эса тарбия ишининг ўзига хос томонларини, қонуниятларини, боланинг психологик ва ёш хусусиятларини, яъни анатомик, физиологик ва руҳий ривожланиши қонуниятларини билишлари соғлом авлодни вояга етказиш соҳасида муваффақиятларга эришишнинг асосий омилларидир.

Ойсулув ҚОДИРОВА,
Республика «Оила» илмий-амалий
маркази аспиранти

Келажак ва интеллектуал мулк

XX асрнинг иккинчи ярмида содир бўлган илмий-техник инқилоб инсон тафаккурининг юксалиши ва унинг ютуқларини амалда жорий этилиши учун катта имкониятлар яратди. Фан ва техника ҳозирги замон моддий тараққиётининг белгилловчи кучига айланиб қолди. Фанда янги соҳаларнинг, янги ихтироларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жадал ривожланишнинг ҳам сабаби, ҳам оқибати бўлдики, бу, айниқса индустриал тараққий этган мамлакатларда яққол кўзга ташланди.

Ривожланиш суръати бўйича 30-йиллардаги капитализм 60-йиллардагидан кескин фарқ қилади. Агар жаҳон тараққиётининг биринчи босқичи — аграр, иккинчи босқичи — индустриал деб аталган бўлса, кейинги босқич — ахборот (информатика) номини олганлиги бежиз эмас. Турли хил давлат ва мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовутлар жаҳон бозорида етакчи ўринларни эгаллаш учун интилиш, шафқатсиз рақобат, фан ва техника ютуқларини жуда тез эгаллаш ва жорий этиш заруриятини келтириб чиқарди. Ақлий меҳнатнинг бунёдкорлик қудратини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтара оладиган ахборот (информация) энг қиммат товарга айланди.

Ҳозир ҳеч ким учун сир эмаски, яқин келажакда илмий салоҳият янада катта аҳамият касб этиб, белгилловчи кучга айланади. Бундай илмий салоҳиятни шакллантириш учун ҳозирдан оқ жамиятнинг умумий маърифий даражаси билан белгиланадиган интеллектуал қудратни ошириш лозим. Жамиятнинг умумий билим даражаси сифат жиҳатидан қанчалик юқори бўлса, фундаментал ва амалий фанни етук мутахассислар билан таъминлаш имконияти шунчалик ошади. Улар эса, шубҳасиз, Ўзбекистон тараққиётининг келажакини белгилайди.

Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодий ёти бозор муносабатларига ўтказишнинг биринчи босқичида банк тизимини шакллантириш, мулкни хусусийлаштириш, миллий валютани жорий қилиш ва унинг қувватини таъминлаш, sanoat ва қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор берди. Давлатимиз келажакини кўзлаб sanoatнинг авиация, автомобилсозлик каби соҳаларини ривожлантириш ва яратиш учун жуда катта маблағлар сарфланди.

Ҳозирги вақтда маориф тизимини ислоҳ қилиш, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш-

га катта эътибор қаратилган. Бу масаланинг ҳал этилиши катта миқдорда куч, маблағ ва вақт талаб қилади ҳамда техникавий асоснинг яратилишини, компьютерлаштиришни, кутубхоналарни фаннинг барча соҳалари бўйича етарли адабиётлар билан таъминлашни, «интернет» тизимини жорий этишни ва бошқа бир қатор муаммоларни ҳал этишни тақозо этади. Бунинг учун фуқароларнинг умумий билим даражасини кўтаришнинг ўзигина етарли бўлмаса керак.

Аввало, чексиз маълумотлар оқимини тезкор таҳлил қилиш, уларнинг ичидан Ўзбекистон sanoatида қўлланилиши мумкин бўлганларини ажратиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб беришга йўналтирилган, етук мутахассисларни ўзда мужассамлаштирган илмий-таҳлилий марказларни давлат ҳомийлигида ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Илмий муаммолар институти республика олимларининг илмий салоҳиятини қўллашни интенсификаштириш ҳақида махсус давлат дастурини ишлаб чиқиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда мутахассислар тайёрлашни давом эттириш билан бирга, чет элардан юқори малакали олимларни ўзимизда мутахассислар тайёрлаш учун жалб қилиш, бу олимларнинг тажрибаси ва билимидан фойдаланишни йўлга қўйиш — давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни тежаб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантириш имконини беради. Бу йўналишда АҚШ, Япония, Германия ва бошқа давлатларнинг тажрибасини ўрганиш фойдадан холи бўлмаса керак.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасини нафақат асбоб-ускуналар, машиналар, арзон иш кучи, хом ашё ва, ҳатто, юқори технологияларнинг мавжудлиги, балки фан билан машғул юқори интеллектуал, билимли, малакали олимлар, мутахассислар ҳам белгилайди. Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархи ва сифатига билим, ахборот, маълумотга эгалик қилиш сезиларли даражада ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳар бир фирманинг муваффақиятга эришувининг асосий шартини номатериал инвестициялар киритиш даражасининг юқори кўрсаткичи, яъни илмий ишланмалар, маркетинг, ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга қилинадиган сарф-харажатлардир.

Ривожланган мамлакатлар хўжалигининг таҳлили яқин йилларда (ушбу жараён бошланганлиги ҳаммага маълум) жаҳон бозорида энг харидорбop

товар ишлаб чиқариш маҳсулотлари эмас, балки гоёлар, илмий назариялар, гипотезалар ва перспектив ишланмалар бўлишини кўрсатмоқда. Масалан, охириги 30 йил ичида Нобель мукофотини 12 та шимолий Европа мамлакатларининг вакилларига берилиши бир томондан умуммаданий тараққиётдан далолат берса, иккинчи томондан ушбу давлатларнинг шу масалага бўлган муносабатини намоён этади.

1901 йилда швед мулкдор олими А. Нобель васиятига кўра таъсис этилган Нобель мукофоти ҳар йили халқаро тинчликни ўрнатиб, физика, химия, физиология, тиббиёт, адабиёт соҳаларида эришилган энг муҳим ютуқлар ва ихтиролар учун топширилади. 1969 йилдан бошлаб иқтисод фанлари соҳасида эришилган ютуқлар учун ҳам берила бошланди. Утун аср бошларида тақдирланган 600 кишининг ярмидан кўпига (56,6 фоиз) Европа қитъаси вакиллари эгалик қилишган. Мамлакатлар ўртасида энг кўп мартаба ушбу нуфузли мукофот АҚШ олимларига топширилган. Бунинг сабаби нимада? Физика фани соҳасида Нобель мукофоти билан тақдирланишга муяссар бўлган 53 АҚШ фуқаросидан 20 таси турли мамлакатлардан кўчиб келишган. (Чен Нинг Янг, А. Эйнштейн, А. Михельсон, С. Чандросекхар, И. Жавер, Чао Чен Тинд, Луи Альварес ва бошқалар). 53 физик олимдан камида 19 таси яҳудий миллатига мансубдирлар. Марказий Осиё вакилларидан адабиёт соҳасида Робиндранат Тагорма, яқинда ҳинд иқтисодчиси Курмар Шанкарга Нобель мукофотини олиш насиб этган.

XXI асрда жамиятнинг ривожланиши интеллектуал кучлар ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Келажак авлод олдинги авлодлар тажрибасидан оқилона фойдаланишга қодир бўлиши учун ижтимоийланиш босқичидан ўтиши лозим, яъни моддий ва маънавий неъматларни қайта ишлаш учун зарур бўлган билим, тажрибага эга бўлиб, ўтмишдаги маънавий ютуқлардан озиқланиши керак. Бунинг учун фан соҳасидаги ахборот тақчиллиги бартараф қилиниб, ҳар бир одамнинг моддий фаровонлигини билимнинг сифат даражаси, тажрибаси, ҳунари, уларни ҳар кунлик ҳаётда қўллаши мумкин бўлган шароит ташкил этиб борилиши керак.

Президентимизнинг барча саъй-ҳаракатлари халқимиз учун ана шундай шароитларни яратишга қаратилган.

Умид
БОБОМАТОВ

Юртимизнинг жамоли кундан-кунга ўзгариб бормоқда. Мана шу ижобий ўзгаришларни акс эттириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ташкил қилинган эди. Ташкилот олдида мустақиллик йилларида юртимизда юз берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар жараёнини кенг оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқнинг бунёдкорлик ишларини, одамлар онгидаги, руҳиятидаги ўзгаришларни намоён этиш вазифаси қўйилган эди. Маънавий-маърифий, сиёсий тарғиботдаги энг таъсирчан воситаларидан бири бўлмиш тасвирий тарғиботнинг ички таъсир моҳиятини тушуниб етиш, уни имкон қадар омилкорлик билан қўллаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Бугунги кунда бозор иқтисоди

тарғибот эзгу ният, яхши сўз ва бошқа тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрни оммага, кўпчиликка замонавий тасвирий усулларда етказиш бўлса, тарбиявий тарғибот ушбу фикрни тасвир ёрдамида таъсирчан етказишдир. Бу ўринда кўзда тутилган «ташқи» тасвирий тарғибот эса бино, иншоотдан ташқарида тасвир орқали олиб бориладиган тарғиботдир. Ҳозирги замон техникавий, ашёвий имкониятлар ташқи муҳитдан бу йўналишда кенг фойдаланишга шароит яратган. Шаҳар ва қишлоқларда бугунги кунда ташқи тасвирий тарғибот билан шуғулланган кишиларга бу имкониятлар маълум. Илгари анъана бўлиб қолган шаклан бир хил матога ёзилган шиорлар куёшнинг ҳарорати туфайли 2-3 ойда куйиб, кўримсиз ҳолатга келар, расмларнинг бўёқлари қуриб, хунук манзаралар ҳосил қилар эди. Ҳозирги ёзув маҳсулотларининг

янги паннога тушган эски ямоқдай бўлиб қолиши мумкин. Бу ўринда плакатнинг сиёсий йўналишлиги алоҳида ўрин тутди.

Демак, плакатда, умуман ташқи тасвирий тарғибот воситасида биринчи ўринда ҳисобга олинган уч ҳолат: жой, вақт ва аудитория (кимга қаратилганлиги) алоҳида ўрин тутди. Ҳар қандай гоё, яхши сўз плакатда умуман ҳар қандай ташқи тарғибот воситасида беназир тасвир воситасини топмоғи лозим. Акс ҳолда яхши сўз, яхши гоё, тўғри танланган вақт ва жой ҳам айни кўзланган натижани бермаслиги мумкин.

Ташқи тарғибот воситаси албатта кўрувчига ҳиссий таъсир кучига эга бўлиши лозим. Бу ўринда рассом, дизайнер, ташқи тасвирий тарғибот воситасининг ижодкори тасвирий тарғибот воситасининг кўриниш ва қурилиш хусусиятларини ҳам ёддан

«Тасвирий ойна» ҳаёт кўзуси

тасвирий тарғиботга ҳам жиддий таъсир қилмоқда. Замонавий тасвирий тарғибот маҳсулотлари юртимизга кириб келиб, бир томондан уларнинг техник сифатини оширган бўлса, иккинчи томондан шаклан Оврupo тасвирий тарғибот воситалари бўлиб қолган ҳолда мазмунан муҳитга юзаки мослашганлигидан ўз таъсир доира ва даражасини йўқотиб, шаҳар ва қишлоқларимизда баъзан ҳақиқатга мос келадиган ҳолда, баъзан эса ёшларимизга салбий таъсир кўрсатар тусда учрамоқда. Чунки, аслида бошқа муҳитга мослашиб тайёрланган ушбу ташқи тасвирий тарғибот воситалари кўп ҳолларда бевосита ўзгартирилмасдан бизнинг шароитга кўчирилмоқда.

Бир вақтлари ташқи тасвирий тарғибот воситаси бўлган шиорлар кейинчалик катта-катта стендларга алмаштирилди. Вақти келиб булар ҳам ўз ўрнини декоратив панноларга бўшатиб берди. Бундай паннолар кўп ҳолларда безак, ҳатто кўримсиз жойларни тўсиш учун ҳам ишлатилди. Бу зарурат атроф-муҳитни безаш эстетик талабларидан келиб чиққан эди.

Тасвирий маънавий-маърифий

ранги тез ўчмайди, сунъий қопламаларга техник воситаларда туширилган расмлар йиллаб иссиқ-совуқ ҳаво ўзгаришларига чидаб беради. Демак, улардан фойдаланиш ҳам бугунги кунда замонавий талабларни юзага келтиради.

Рухшуносларнинг айтишига қараганда, инсон ўз атрофидаги ҳаёт маълумотларининг 80 фоизини кўриш йўли билан олар экан. Эшитиш ва шунга ўхшаш инсоннинг бошқа хусусиятларини камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, тасвирий санъат, чизмачилик, графика, ҳайкалтарошлик, меъморлик, амалий санъат турлари, рақс санъати ва бошқалар бизга асосан кўриш қобилиятимиз орқали маълумот берувчи манбалардандир. Бу ўринда атрофдаги ҳажм, ранглар жилоси, шакл, мазмун, ранглар ўйинидан ҳосил бўладиган рамзий шакллар, ранг ва шакл мутаносиблиги, уларнинг ҳаракати кўзни ва дилни равшан қилади.

Албатта бунинг учун ижодкор томошабин, кўрувчининг маънавий мавқеини, тарғиб қилинаётган мавзунинг бугунги кунда эришилган ютуқлари ва сиёсий муҳитга мутаносиблигини ҳисобга олиши лозим. Акс ҳолда плакат умумий муҳитда

чиқармаслиги зарур.

Тарғиботнинг маънавий, маърифий ва, айниқса, мафкуравий даражаси катта ўрин тутди. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, ташқи тасвирий тарғибот воситаси ўз ўрнида публицистика билан чамбарчас боғлиқдир. Бадий безак орқали берилаётган маънавий-маърифий тарғибот эса бизнинг давлатимиз эришган бугунги кундаги ютуқлар, тарихий хотирамиз билан чамбарчас боғлиқ. Оммага ютуқларимизни, яқин келажакда ҳал қилинадиган режаларимизни етказар эканмиз, бу билан биз омманинг бунёдкорлик, ижодкорлик руҳиятини рағбатлантирамыз, уни меҳнат ғалабаларига чорлаймиз, иқтисод ва маънавият ютуқларига етаклаймиз. Бир сўз билан айтганда, ташқи тасвирий тарғибот бевосита давлат сиёсати миллий мафкура ва миллий гоё билан боғлиқдир.

Тасвирий тарғиботнинг таъсир кучи рассомлик санъатига боғлиқ бўлиб қолаверади. Шу боис рассомлар ўз ўрнида тарғиб қилинаётган соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олишлари лозим. Демак, бу ўринда томошабин — ёшлар, сотувчилар, харидорлар, оқсоқоллар, йўловчилар

ва ҳоказолар бўлар экан, уларнинг ҳар бирининг ижтимоий-сиёсий, руҳий, ёш ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олиниши шарт.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларини қандай ва қаерга жойлаштириш ўта муҳимдир. Тарғибот воситаси қанчалик гўзал, жозибадор, пурмаъно бўлмасин у ноқулай, кимсасиз, кўпчиликнинг назарини жалб қилмайдиган жойга ўрнатилса, юқорида кўрсатилган ўзига жалб қилувчи хусусиятларини турган жойида анча йўқотади.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларини жойлаштиришда муҳитнинг умумий архитектуравий ҳолати, яъни, айтайлик, қадимий обидалар жойлашган муҳитга замонавий чорқирра шит (чеп) конструкцияларни шунчаки ўрнатиб бўлмайди. Демак, қадимий обидалар бор жойда паннолар, осиладиган чеплар атрофмуҳитга мослаб ясалган бўлмоғи лозим. Шундагина уни кўрувчининг зеҳни чалғимади. Қадимий гумбазлар муҳитида замонавий чорқирра катта, бесўнақай чеплар томошачининг жигига тегиши, унга хуш кайфият бағишлашдан кўра асабини бузиши мумкин. Демак, эзгу ниятлар билан тайёрланган гўзал ташқи тасвирий тарғибот воситаси, ундаги донолар бисотидан олинган маърифий-маънавий сўз ўз ўқувчисини, кўрувчисини айнан ноқулай жойга қўйилганлиги учун топмаслиги мумкин. Топганда ҳам таъсири заиф бўлиши турган гап. Шунинг учун нотекис, ўнқир-чўнқир, қулаб-нураб турган деворлар, ёни четан деворлар билан ўралган манзара гўзал ташқи тасвирий тарғибот воситаси осиладиган жой бўлмаслиги зарур.

Шундай экан, ташқи тасвирий тарғибот воситаларини жойлаштиришда улар ўрнатиладиган муҳитнинг санитария ҳолати, эстетик дид берувчи манзара танланиши лозим.

Бу ўринда пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» мажмуасининг жойлаштирилиши ва у жойларнинг алоҳида ободонлаштирилиши дид билан бажарилди ва халқимиз руҳига ёқиб тушди.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларининг омилкорлигини оширишдаги асосий йўналишлардан яна бири уларнинг шаклан ранг-баранглигида. Бир хилда, бир турда тез-тез қайтарилган, сал ўзгартирилиб такрорланган тасвирий тарғибот воситаси одамларни жалб этмайди.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларимиз бугунги очик, рангдор, бў-

ёқлари тоза, тасвир жиҳатидан олганда кўп ҳолларда бенуқсон деса бўлади. Аммо, мазмун ва саводхонлик жиҳатидан қараганимизда ундай дея олмаймиз. Ҳамон ташқи тасвирий тарғибот воситаларида мазмунан бизнинг урф-одат, маънавий қарашларимизга унчалик тўғри келмайдиган шиор ва чақириқлар учраб қолади, ташқи тасвирий тарғибот воситаларимизда имло хатолари кўп учрайди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда яна бир катта тўсиқ бор. Бу ҳам бўлса аҳолининг ёш жиҳатидан юқори қатламнинг жорий қилинаётган ўзбек имлосини билмаслигида.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларининг таъсирини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, шиор, плакат, панно турли хилдаги графика, фото кўргазмалар ҳаёт ва ҳаётдаги ҳодисаларни ўз вақтида, тезкорлик билан акс эттира олса, ҳаёт талабларига ҳамоҳанг қадам ташласагина аҳолининг кенг қатламларига, умуман олганда, оммага таъсир доираси кучли бўлар экан. Акс ҳолда улар таъсирчанлик кучини йўқотар ёки умуман таъсирсиз бўлиб қолаверар экан.

Ташқи тасвирий тарғибот воситаларини аҳоли зич, гавжум жойларга жойлаштиришда мавзуларнинг чалқаш ва аралаш бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Шу билан бирга шаҳар, туман ёки қишлоқнинг умумий (асосий) майдонини безаш алоҳида муҳокама талаб қилади.

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва унинг вилоят, туман бўлимлари ходимлари ташқи тасвирий тарғибот воситалари ва уларни аҳоли зич яшайдиган жойларга ўрнатиш, таъсирчанлигини ошириш масаласида маълум ютуқларга эришмоқда. Уйлаймизки, жаҳонда тараққий қилган мамлакатларда қўлланилаётган ташқи тасвирий тарғибот воситаларининг, замонавий тарғибот турлари юртимизга кириб келиши янада тезлашади ва шу билан бирга улар юртимиз, аҳолимиз, ватандошларимизнинг асрий маънавий бойликларига мос ҳолда ишлатилади.

Махмуд ЙЎЛДОШЕВ,

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг бошқарув раиси муовини, руҳшунослик фанлари номзоди

Косибчилик санъати

Республикамиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бу муҳим соҳага сифат ва кўлам жиҳатдан янгидан-янги ўзгаришларни олиб келмоқда.

Таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар 1998 йил 29 августдаги Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»га асосланмоқда. Ёшларни янгича руҳда тарбиялаш масаласи миллий ўзликни англашни ўстириш, ватанпарварлик, ўз Ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий, маданий-тарихий аъналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросини ҳурмат қилишга қаратилган.

Ўқувчиларни меҳнатга жалб этиш, касб-хунарларни эгаллаш жараёнларини ташкил этишда маънавий мерос ва қадриятларимиз муҳим аҳамият касб этади.

Миллий, моддий қадриятларимиз ҳисобланмиш пичоқчилик, кўнчилик, кулолчилик, нағалчилик, рихтагарлик, чилангарлик, ҳалчилик, темирчилик, сангтарошлик, тунукасозлик сингари халқ хунарандчилигининг оммавий турларини ёшларга ўргатиш ва касб-хунарни эгаллаш бўйича педагог кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан қадимий хунарандчилик соҳаларидан ҳисобланган косибчилик хунарини кўрадиган бўлсак, косибчилик ошланган теридан зарурий пойфазаларни ишлаб чиқарувчи кенг бир соҳадир.

Косиблар, асосан, териларни андозалар бўйича ўлчаб турли хил маҳси, тоштовон этик, кучай этик, пўттойи этик, ковсар ва нўғай ковуш, паттойи ковуш, чармдастак ковуш, чориқ ва шунга ўхшаш пойфазаларни тикканлар.

Дўконларда ишловчи шогирдлар аксарият устанинг ўз фарзанди ёки қариндошларидан иборат бўлган.

Косибчиликда турли-туман меҳнат қуроллари аррача, теша, омбир, таёқча, қолип, бигиз, буранда, дупоя, газон, белча, кўва сингари асбоблар ишлатилган.

Кўпминг йиллик қадриятларимиздан ҳисобланган халқ хунарандчилиги, жумладан, косибчилик соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, халқимизнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда, ёшларимизнинг эстетик диди ва фаросатини юксалтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Назар АШУРОВ,

К. Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

Наврӯз

садоси



Олим ФАЙЗИЕВ

Наврӯз она халқимизнинг тарбия мактаби сифатида топган маънавий бойликларидан биридир.

Асосан деҳқончилик ва касб-хунарлар байрами сифатида пайдо бўлган Наврӯз меҳнаткаш халқнинг ўзи билан биргаликда замондан-замонга, авлодлардан-авлодларга ўтиб сайқалланиб, бойиб, тўлишиб, гўзаллашиб борган.

Меҳнаткаш халқ бир диндан иккинчисига зўрлаб киритилган қиргинлик ва вайроналик келтирувчи қанчадан-қанча чет эл босқинчиларининг тарихий фожеаларига гирифтор бўлган бўлса-да, бироқ аждод-авлодларга маънавий мерос бўлган Наврӯзни ўз тарихий қадрияти, мулки сифатида асраб қолдирган.

Наврӯз ва Баҳор тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Табиатнинг сўлим баҳор фасли инсон қалбига ажиб қувонч нашъаларини олиб киради. Маълумки, Туркистон ўлкаси қадимдан бебаҳо ўсимликлар дунёсига бой бўлган. Шарқ алломаларининг бизгача етиб келган маълумотларида жамики табиат ато этган ўсимликларнинг хусусиятлари баён этилган. Улар қолдирган табобат ҳақидаги битиклар ҳанузгача ўз кадр-қимматини йўқотмаганига амин бўламиз. Юсуфий ўзининг «Илож аламроз» («Касалликлар давоси») рисоласида ёзади:

*Эй, бош оғриғидан чекувчи алам
Харакат қилмагин, дам олгин ҳар дам.
Гулхайри, бинафша, буғдой кепагин,
Қайнатиб, сувига оёқ сол бир дам.*

*Бошинг сафро билан оғриси,
жадал —
Кашнич суви ила суркагин сандал
Норанж шарбатидан ичгину, овқат —
Арпа суви, мошу угра ҳар маҳал.*

Эй сен, шақиқадан, чекувчи азоб
Давонинг юзидан кўтаргил ниқоб.
Заъфарон афъюнни елим билан туй,
Гулобда хамир қил, суркагил шу тоб!*

Наврӯзнинг энг ноёб ўсимликлари инсонга маънавий куч-қудрат бағишлашидан ташқари уни жисмоний заифликдан халос этиши ҳамдир. Биз бугун мана шу қадимий анъаналарга қайтар эканмиз, авлодларимиз қолдириб кетган бу маънавий хазинадан тўла бахраманд бўлиш пайти етди деб ўйлаймиз.

«Фавойид ал-инсон» («Инсонларга фойдалар») китобида келтирилган «Лола» шеърида бу ўсимликнинг бир неча касалликка даво эканлиги ҳақида гап боради:

*Гулзор ичра моҳир шифокор,
Бу ҳикмат гулининг эшит, неси бор:
Кўзларда юз берса кўз оғриқ, яра
Уни тузатмоққа доридир сара,
Бадан терилари қуруқшаб агар
Ёрилса ё тушса-фойда келтирар.
Кўзнинг қувватига кўшади қувват
Кўз нури кўпаяр, кўрмайди заҳмат.
Ўликка гўёки берганидек жон
Уруғи пес дардин қилади пинҳон
Совуқдан оёқ-қўл кафти ёрилса,
Тузатар қайнатиб унда ювилса.*

*«Наъматак» шеърида у куйидагича таърифлайди:
Ёсуманга ўхшар наъматак иши,
Ёғида ҳам шундай бордир ўхшаши.*

* Шақиқа — бош ярмининг оғриши.

*Тўсиқ бўлса танда очади ҳар дам
Бир ичимни бўлар уни уч дирам,
Фасод бўлган хилтни қувади тандан
Қувиб чиқар қурти бўлса бадандан,
Яхши даво бўлар оғриси томоқ,
Ёсумандан ортиқ қуввати бироқ.
Шанғилласа қулоқ ё оғриси тиш,
Кучсиз бўлса юрак, кетар бу ташвиш.*

*Райҳон ҳақида муаллиф ёзади:
Ич кетса уруғи уни йўқотар.
Қабз қилар, кучи қовурса ортар.
Шарбат қилиб ичса яхши наф қилар
Ичак ярасин ҳам бартараф қилар.
Қуруқ-иссиқ бўлар унинг мижози,
Юрак учун ўзи дорилар сози.
Бавосил дардига яхши нафи бор,
Иссиқ дардлар учун зараридир ёр.*

Шарқ табобатида мумиё қадимдан қўлланиб келинади. Уни одамлар кўпроқ синган суяк давоси деб билишади. «Фавойид-ал-инсон» муаллифи «Мумиё» номли шеърида бу ноёб дориворнинг биз учун тир бўлган турфа хислатлари ҳақида куйидаги сатрларни битган:

*Мумиёдан барҳам топади, чириш,
Ўлик тандан кетар ҳатто бу ташвиш.
Сиҳат топар жигар, яна ошқозон,
Бир қийротча табиб бергани замон.
Бир ичимни уни ярим мисқолдир,
Танга қувват, юрак эса хушвақтдир.
Оғир бўлса тил-у, оғриси қулоқ,
Бир қийротдан даво топади мутлоқ.
Тан оғриси ёки синса бир аъзо.
Ёки фалаж бўлса, еткизар даво.
Юз фалажи бўлсин ёки хафақон.
Меъда ели бўлса топади дармон...*

Бундан ташқари муаллиф шивит, арпа, ялпиз, седана, нилуфар, тоғ суңбули ҳақида ёниқ мисралар бит-



ган. Мавлоно Навоий пистанинг инсон саломатлиги учун нақадар фойдали эканлигини Ибн Сино даража-сида айтиб бера олган.

*Писта тозалайди жигар ичини,
Ёнғоқдан кам деб бил аммо кучини.
Ҳарорат захрини кесади ҳар чоқ
Меъда учун яхши овқат у, бироқ,
Хўллик оширади ейилса ҳар он,
Овқат егач, еса қўзғатар зиён.
Қусишу ич кетиш, чанқоқ қолдирар,
Ивитиб сўнг сувин ичилса агар.*

Хуллас, Наврўзга ҳамроҳ бўлиб келадиган табиатнинг буюк неъматлари инсон қалбига ёруғлик бахш эт-

ган бўлса, яна бир томони унинг инсон кўзига нур, юрагига софлик, белига қувват ҳам бағишлашидир.

Наврўз айёмида умрбоқий кўшиқлар куйланади. Масалан, алла кўшиқлари халқ ижодининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади.

Халқимизнинг болажонлиги ҳақида кўп ва ҳўб гапириш мумкин. Аслида ҳам ўзбек хонадонларида фарзанд туғилиши энг улуғ кун сифатида нишонланади. Фарзанд туғилиши биланоқ хонадон соҳибаларининг кувончлари, ташвишлари бошланади ва улар алла кўшиқларига жўр бўлиб кетади.

*Алла менинг гулим-о,
Гулга қўнган булбулим-о,
Алла-ё, алла.*

*Алла айтарман, ўзингга-ё,
Уйқулар келсин кўзингга-ё,
Алла-ё, алла.*

*Алла жоним, отингдан-эй,
Нур ёғилсин муртингдан-эй,
Алла-ё, алла.*

*Алла жоним, ором ол-эй,
Кўзинг юмиб, ухлай қол-эй,
Алла-ё, алла.*

*Алла, сени ялқасин-о,
Паноҳида сақласин-о,
Алла-ё, алла.*





Нарзулла ФАЙЗИЙ

Бериб жон, мен ғазалга жон
Килиб бу йўлда жон қурбон,
Битибмен, битибмен.

Этиб барбод ҳаётим ишқ йўлига,
Тополмасдин самар, гирён битибмен.

Ғаму андух ўти тўйдирди жондин,
Бу ўтга дил бўлиб бирён, битибмен.

Қадди сарву, қоши ёю, қаро кўз,
Ширинсўз мадҳини бийрон битибмен.

Қилолмай лоларуҳ ёдин фаромуш,
Мисоли Мажнуни даврон битибмен.

Узолмасдин кўнгилсиздин кўнгилни,
Иложсиз, ноилож, ҳайрон битибмен.

Раҳм солса Худо зора дилига —
Келар инсофга деб, комрон битибмен.

Гўзал Ургутнинг янада гўзал Испанзасига сафар қилган ходимимиз Нуриддинжон Акбаров дафтар-дафтар шеър билан қайтди. Шеърлар муаллифи — шоир Нарзулла ФАЙЗИЙ. Шоир 1938 йил Ургут туманининг Испанза қишлоғида таваллуд топган. 1962 йил Самарқанд Давлат дорлуфунунининг ўзбек тили ва адабиёти куллийтини битирган. Мактабда ўқитувчи, туман ва вилоят газеталарида ходим бўлиб ишлаган. Бугун «Ургут садоси» газетасида бўлим мудирининг сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Н. Файзийнинг «Ой юзинг армон менга» (1997), «Садоқат» (2000) шеърлар мажмуаси чоп этилган. Ҳар икки мажмуа ҳам мумтоз шеърятимиз йўлида яратилган ижод намуналаридан иборат.

Биз қуйида шоир шеърларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Бериб жон, мен ғазалга жон битибмен...»

Бериб файзу тароватлар ғазалга —
Этиб Файзий ўзим пинҳон, битибмен.

Қаро кўзум, қаро кўзинг қароси
беқарор этди,
Қаро кўзинг қаро айлаб дилим,
хўб ифтихор этди.

Қилиб лутфу қарамларким, қачон сен
ёрилиг этдинг,
Ҳаётимга иниб мазмун, сариг юзум
анор этди.

Қаро осмон ҳавас бирлан боқиб
шодмонлигимга кўр,
Қаро абрини чок айлаб, бағир-юзин
бахор этди.

Қараб гулчеҳра осмонга кўнгулдан бир
фикр ўтди,
Булутни йиртиб осмон ўзлигини
барқарор этди.

Нужумлар сирлашиб бир-бири бирла,
яйрашар мамнун,
Қилиб рашқ ёрима ой юлди юзин
доғдор этди.

Мурувват бирла эй махваш, кўнгил
мулким сарафроз эт,
Демай ҳаргиз «вафосиз ёр экан,
ҳадсиз озор этди».

Бўлиб мисли сабо тонгда боғимни
сайр этар бўлсанг,
Қўлингга эркини тутмоқни Файзинг
ихтиёр этди.

Хувайдо ғазалига мухаммас

Отиб қаҳру ғазаб ўқин беҳад бағрим
яро қилдинг,
Садоқат масканин таркин этиб кўкка
ҳаво қилдинг,
Қилиб шодлиқлари барбод ғарибу
ғамзадо қилдинг,
Не қилдим сенга мен, ёрим,
жамолингдин жудо қилдинг,
Бошимга гард ғамини чун чароғи
осиё қилдинг.



Сумалак, сумалак, сумалак
Яхши кунлардан дарак.
Кўнглим жилоларидан
Рангин олди камалак.

Баҳор кўрки, жамоли
Ҳайратларга инди-ей.
Илҳом сеҳри — париси
Файратларга минди-ей.

Элнинг ризқи, юрт ризқи
Қозонлардан тошсин-ей.
Йўлга чиққан карвонинг
Довонлардан ошсин-ей.

Сумалак, сумалак, сумалак
Яхши кунлардан дарак.
Кўнглим жилоларидан
Рангин олди камалак.

Деб эрдим жисм аро жоним
сени-қоши камонимни,
Йўлингда бахшида айлаб
хаётим-жовидонимни,
Ёритмоқ истамай неча қорайган субху
шомимни,
Ҳамиша куйдириб шамъи фироқинг
бирла жонимни,
Мени парвонани хокистаримни зери
по қилдинг.

Бу кун ташлашга ор айла кўзимга
кўзларинг қирин,
Суриштирмоқ бўлибдурсан бетин
тирноқларим қирин,
Бўзимдан ор этиб, истаб неча хил
кимхобу заррин,
Жудолик айлаб эркаксан аё,
лайливашим Ширин,
Не деб аввал ўзингга мен ғарибни
ошно қилдинг.

Садоқатдин йироқ пасткаш рақибим
эркалаб, сийлаб,
Неча қаҳринг ўқи борки барини
кўксима жойлаб,
Ковоғингдан ёғиб қорлар юзинг
кўрганда йил, ойлаб,
Нигоро бори ғам бирла фақирни
нотавон айлаб,
Алифдек қоматимни ломалиф янглиғ
дуто қилдинг.

Ажаб йўқ кўрмаган бўлса бу хил
золимни ҳеч бир кўз,
Зулмкорликларинг айлаб бутун олам
аро кўз-кўз,
Машаққат домига ташлаб мени
пажмурдани шаб-рўз,
Фироқинг осмонидан солиб бир барқи
оламсўз,
Вужудум хирмоним ўртаб адо қилдинг,
адо қилдинг.

Дақиқа ичра ҳал бўлган эди йўқим
билан борим,
Кўзим кўзингга тушган чоқ этиб қўйган
эдинг корим,
Ўзингга кунданам ойдин оуракдаги
сир-асрорим,
Ўшал рўзе, «Билармусан мени»
деб айдинг, эй ёрим,
«Бале» дедим, сени суйдим,
балога мубтало қилдинг.

Тақабурлик матосидан тутиб
юз-кўзинга парда,
Алик олмай саломимга қилиб юз қаҳру
минг зарда,
Ҳақорат тошини отиб бу кун Файзийга
ҳар ерда,
Аё, дилбар, Хувайдодек балокашни
эшиқларда,
Солиб қўйдинг асиру бенаво,
зору гадо қилдинг.



Фолбин айтимлари

Маънавий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш ишлари бугунги кунда долзарб бўлиб қолди. Хусусан, ўзбек халқ миллий қўшиқчилиги аънаналарини тадқиқ этиш масаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу соҳада илмий иш қиладиган ёш олим ва тадқиқотчилар олдига каттагина масъулият юклайди.

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган Сурхондарё миллий мусиқа ижодиётини ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ўзбек халқининг маданий-маънавий ва руҳий салоҳиятининг юксалишида муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан 1997-2000 йилларда Сурхон воҳасининг барча туман ва қишлоқлари бўйлаб мусиқий фольклор экспедицияси уюштирилиб, халқнинг урф-одати, аънаналари, маросимлари, турмуш тарзи, меҳнат фаолияти билан боғлиқ 500 га яқин, турли жанрга хос қўшиқлар аҳолининг, асосан, кекса авлод вакиллари томонидан тингланди ва магнит тасмасига ёзиб олинди.

Сурхондарёда уларни илмий таҳлил қилгач, диний, меҳнат, оилавий мавзусидаги мавсум-маросим қўшиқлари, ялла, лапар, термалар, қўшиқ-айтимлар ва турли халқ чолғу куйлари кенг тарқалганлигига гувоҳ бўлдим.

Экспедиция жараёнида диққатимизни ўзига тортган, эндиликда ерлик аҳолининг турмуш тарзида кам учрайдиган диний — ибодат маросими билан боғлиқ фолбин айтимларининг мавжудлиги тадқиқотимиз учун янгилик бўлди. Бу каби айтимлар воҳанинг Бойсун, Ангор, Қизирик туманларида яшовчи аҳоли томонидан тингланди ва магнит тасмасига ёзиб олинди. Фолбин айтимларининг ижрочилари асосан аёллардир. Бу айтимлар устоз-шогирд аънанаси асосида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган оғзаки ижоднинг маҳсули ҳисобланади.

Фолбин ижрочилар фолдаги сўзларни даф (чилдирма) чалиб, аниқ ритмик ўлчовда куйлайдилар. Фол очишда эса тасбех, кўзгу, оқ сурп, бир коса сув, рўмол каби нарсалардан фойдаландилар. Аён бўладиган маълумотлар эса фақатгина бирор нарса асосида кўзга кўринади. Ерлик аҳолининг айрим кекса авлод вакиллари, ёзма манбалар, фолбинлар билан суҳбат, уларнинг ишини кузатиш натижаларидан шундай хулоса қилиндики, фолбинлик қадимдан «касб» деб қаралган.

Фол сўзининг сўзлашувдаги маъноси ҳам «тақдир», «бин» эса кўрмоқ де-

ган маънони англатади. Фол очадиган кишининг авлодида, зотида, аждодида кимдир шу касб билан (фол очиш, томоқ босиш, чироқ ёқиш, кушночлик қилиш, кинна солиш ва ҳоказо) шуғулланган бўлиши керак. Ўшандагина ўша авлод вакиллари у ёки бу вақилига мерос бўлиб ўтади. Меросга эғалик қилиш ҳам осон кечмайди, ўша кишининг соғлиғига маълум жиҳатдан зиён етиши мумкин. Масалан, хушдан кетиш, тилсиз бўлиш, кечалари алаҳсираш, кўрқиш, кўзига ҳар хил нарсаларнинг кўриниши, кўп туш кўриш, қон босимининг кўтарилиши ёки пасайиши, иситмалаш ва ҳоказо. Бу касалликдан қутилишнинг бирдан-бир йўли шу мерос (касб)ни олишдир. Мисол учун, Сурхондарё вилояти Ангор туманида яшовчи Авлиёқулова Дилбарнинг фолбинликини ўзига касб қилиб олишининг асосий сабабларидан бири — 20 ёшларида тандирда нон ёпаётиб хушини йўқотиб, йиқилиб қолади. Кечаси тушига шу касбни кўлга олиши кераклиги аён бўлиб, «Агар шу касбни олмасанг биз сени қўймаймиз, олиб кетамиз, ота-бобонгни касбини қил» деган кўрқинчли, ваҳимали гаплар айтилади. Фол очишда даф чалиб, айтилиши керак бўлган гапларни куй-оҳанг орқали ижро этиб, айтиб беради. Дилбар опанинг момолари ҳам даф чалиб, фолбинлик қилган. Ерлик аҳоли унга ишонч билдириб Ола фолчи деб ном қўйган. Худди шундай, Ойпаро момонинг фикрича, у кишининг авлодида катта мулла ўтган, Фолбин айтимларини айтиш ўша кишилардан ота касб бўлиб қолган. Мерос олишда табиийки, қўл берувчи устоз (ёки пир)нинг таклифи катта аҳамиятга эга. Чунки, фолбин устознинг қўлини олишда маълум бир риёзат босқичларини босиб ўтиши лозимдир.

Фол айтим ижрочилари фол очишдан олдин ўз пирлари ҳақида дуо қиладилар ва фол очишга рухсат сўрайди. Пирларидан рухсат олганларидан сўнг фол очади. Пирга сизиниш мусулмон шариатида гуноҳдир. Фол айтимларининг куй-оҳанги, асосан, мотам маросимида айтилаётган йўқловларнинг куй-оҳангига яқинроқ бўлиб, фақат ортиқча овозлар йўқ.

Хуллас, бу каби маросимлар тарихий тажрибалар жараёнида шундай шакланиб келган учун шу кунгача яшаб келган.

Курбонийез
ПАНЖИЕВ

XX аср рассом кўзгусида!



Портрет, юқорида қайд қилганимдек, анча ибтидоий эди. Навоий ўз ёшига нисбатан улуғ кўринарди. Беллари хийла букилган ва букри, бўйни чўзик, ёноклари бўртик, кўзлари хиёл қисик, ҳасса таяниб туриши ҳам ортиқча таъкидлангандек эди. Хуллас, санъатнинг гўзаллик қонуниятлари талабидан қарайдиган бўлсангиз анчагина номувофиқликлар сезилиб туради. Бироқ бу номувофиқликлардан қатъи назар расм Алишер Навоийнинг асл қиёфаси ҳақида тасаввур берадиган ягона ва бебаҳо ҳужжат экани шубҳа уйғотмайди.

Бу катта папкада Абдулҳақ Абдуллаевнинг Навоий портретини яратишдаги қарийб ўттиз йил давом этган ижодий меҳнат ва изланишларини тасдиқлайдиган манбалар йиғилган. Бу ерда улуғ шоирни ҳар хил ҳолатда кўрсатадиган эскизлар бор. Улардан бир қисми қалам билан яратилган илк чизгилари. Бирида (1965 й.) шоир чапқўлини чаккасига тираб, ўй суриб турган бўлса, бошқа бирида (1966) шоирга илҳом келиб қолган чоғи, турган жойида, қўлида қалам ва қоғоз, ёзишга шай ҳолда ўйга берилган, яна бошқа бирида узоқларга назар ташлаб ниманидир ўзига аниқлаб олмоқчи бўлган одам қиёфасида турибди.

Бўёқ билан ишланган расмларнинг хиллари анчагина бор. Бирида қирқ

ёшлар чамасидаги тим қора соқол, қора мўйлаб, тўла очиқ катта кўзларини узоқ-узоқларга тиккан ҳолда кўринади. Расм 60-йилларнинг бошларида чизилган бўлиб, 1968 йилда танловга қўйилди ва «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1968 йил февраль сонларидан бирида эълон қилинади.

Ўша йиллар кўрғазмага қўйилган бошқа бир нусхада Алишер Навоий ҳали навқирон йигит, тим қора соқол, қўлида қоғоз, шеър ўқиб турибди. Расмларнинг яна бирида шоир ўша ёшларда, эғнида шоҳона зарҳал чакмон, жиддий ва ўйчан кўринади. Бу портрет илк бор «Ўзбекистон маданияти» газетасида 1969 йили 9 февраль куни чоп этилади.

Алишер Навоий портретини яратишда Абдулҳақ Абдуллаев ижодига хос қизиқ бир ҳол кўзга ташланади. Рассом улғайган сари Навоий ҳам улғая боради. Бу ҳолни назарда тутиб менинг папка титишимга маҳлиё бўлиб ўтирган рассомга бироз ҳордиқ чиқариш мақсадида ҳазиллашдим:

— Навоий билан баробар ўсибсизда, — дедим.

Абдулҳақ Абдуллаев маза қилиб хохолаб шўх кулди. Анча толиққан рассом юзидаги томирлар қонга тўлишиб, кўзлари нурлангандек бўлди.

— Қойил, шуни сезибсиз, — жавоб қилди у менга ҳайратланган оҳангда.

Бир неча дақиқалик ҳордиқ чиқаришдан кейин яна папка тита бошладим. Бу иш ҳам ўзига хос мароқ бағишлайди одамга.

Мана, 1972 йилда чизилган шоир портрети. Расм орқасида ўн биринчи портрет «Образ Навоий» деган сўзлар ёзилган. Бу пайтларда Абдулҳақ Абдуллаевнинг ёши ҳам элликларга яқинлашиб қолган эди. Расмга разм солсангиз шоирнинг ёши ҳам элликлардан ўтган кўринади. Бошида салла, устида тўғри ёқали, икки четига нақшли қайма берилган чакмон, соқол-мўйлабига хийла оқ ора-лаб улгурган, нигоҳ ўша-ўша — ўткир, ўйчан, узоқ-узоқларга назар ташлаган...

1977 йил. Рассом камолот ёшида! У яна Алишер Навоийга мурожаат қилади. Портретда Алишер Навоий ҳам давлат арбоби сифатида, ҳам шоир сифатида камолотга эришган пайтлар. Уст-бошда олдинги портретдан унча ҳам фарқ қилмайди. Навоий образида ва унинг атрофидаги манзаралар бироз ўзгача. У икки қўлини кўксига қўйиб сипо турибди. Боши хиёл эгик, орқа томонда шаҳар манзараси, ён томонда қалъа буржлари.

Навбатдаги портрет 1988 йилга мансуб. Назаримда иш тугай деб қолганда кимдир рассомни иш устида фотога олган. Абдулҳақ Абдуллаев ёши янада улғайган — элликдан ошган. Навоий эса одатдагидан улуғроқ. Бу ерда у Навоийга

(Давоми. Боши ўтган сонда)



янгича шакл багишлайди. Портрет шоирнинг бутун бўйича тасвирланган. Одатдагидек унинг бошида салла, устида силлиқ матодан тикилган чакмон. Чакмоннинг калта енгидан чиқиб турган икки кўл кўкси узра ҳасса устига жойланган. Юз-кўз тасвири олдинги портретдан фарқ қилмайди.

Ёзилиш вақти кўрсатилмаган бошқа бир портрет бор. Ундаги яратилган образга қараганда муаллиф шоирликдан кўра Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги қиёфасига кўпроқ эътибор беради. Юз-кўз, соқол-мўйлаб ўша-ўша. Назар ҳам ўша. Кўллар олдинги портретдагидек йиғилиб кўкси узра ҳасса устига қўйилган. Бироқ бу ерда кўллар, хиёл ингичка бармоқлар аниқроқ кўзга ташланади, устида шохона либос — шарқона шакллар билан тайёрланган кийим. Навоийнинг давлат арбоби экани бу ерда яна ҳам қатъийроқ таъкидланган.

Эскизлар, нусхалар йиғимидан иборат папкани кўздан кечириб ҳам охираб қолди. Одатим бўйича дераза томон назар ташладим. Осмон-

да кезиб юрган булут парчаларига ботаётган қуёш нури тушиб хийла қизарган эди.


— Тезда шом ҳам бўлди, кетишим керак, — дедим. Дедим-у, хаёлимда эскизлардан олган таассуротим бир шаклга келиб қолганини ҳис қилдим. Ўйладим.

Рассом Алишер Навоий образини яратишда унинг улуғлигига муносиб ўзининг қарийб ярим умрини сарф қилибди. Чексиз меҳнат қилиб, ўз муддаосига эришибди ҳам!

Абдулҳақ Абдуллаевнинг ижод кўлами жуда кенг. У XX асрда илм-фан, адабиёт ва санъат тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган сиймоларнинг асосий қисмини ўз ижодининг манбаи деб билган. Юқорида баҳоли қудрат таҳлилга олинган портретлардан ташқари ўнлаб сиймоларнинг портретларини яратганига гувоҳимиз. Булар ичида Фанлар Академиясининг биринчи президенти Т.Қори Ниёзий, кейинги президентлардан Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, элга катта хизматлари сингган академиклар Иброҳим Мўминов, Ёлқин Тўрақулов, Иброҳим

Ҳамробоевлар бор. Ёзувчилардан Абдулла Қаҳҳор, Шухрат, Собир Абдулла, Комил Яшин, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Туроб Тўла, Ҳамид Олимжон рассом эътиборига тушади. Марҳум ёзувчиларнинг жонли қиёфасини бугун биз рассом полотноларида кўриб, эслаш шарафига муяссармиз. Унинг полотнолари орасида Саид Аҳмад, Эркин Воҳидовларнинг расмларини ҳам кўрамиз. Истеъдодли санъаткорлардан Сора Эшонтўраева, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоевалар ҳам рассом эътиборидан четда қолган эмас. Бу асарларнинг ҳар бири қанчадан-қанча ўй ва изланишлар, уйқусиз тунлар, бедор кунлар — оғир меҳнат эвазига яратилгани сир эмас. Шу меҳнат туфайли XX аср ўзбек маданияти тараққиёти асрлар оша ўзини кўз-кўз қилиб туришига ишончимиз комил.

Кетишга тараддудландим. Абдулҳақ Абдуллаев ҳали ёпилмаган, эскизлар-нусхалар папкасига назар ташлади-да, менинг бу ҳаракатимдан норозидек папкадаги бир-бирига ёпишиб қолган эски газета



хақ Абдуллаев
ажаблангандек қиёфада.
— Эндигина шом
тушаяпти, вақт унча
кечмас, — қўшиб қўйди
у.

Мен дўстимни тушунар
эдим. Унга вақт ажратиб,
ижод сирлари ҳақида
фикрлашадиган одамлар
кўп эмас. Фикр олишув,
керак бўлса баҳс қилиб,
унинг ичида йиғилиб
ётган ижод дардларига
шерик бўладиган одамга
мушток эди у.

Яна келишни ваъда
қилдим. У ҳам яшил
чакмонини елкасига
илиб, номигами, ё за-
рурат юзасиданми иш-
латадиган ҳассасини қў-
лига олди-да, кўча томон
йўл бошлади. Дарвоза
ташқарисида ҳам суҳба-
тимиз тугай бермасди.

Нихоят хайрлашдик. Шу
пайт Ойбек акани эсладим. Меҳмон
ким бўлишидан қатъи назар, кат-
тами, кичикми, кўчагача кузатиб,
қўлларини кўксига қўйиб хайрлашиб
қоларди. Абдулҳақ Абдуллаевнинг
юз-кўзларида меҳмоннинг кетиб бо-
раётганидан унча рози эмаслигини
билдирадиган маъюслик белгилари
кўзга ташланарди.

х х х

Ижодкорлар борки, улар бутун бор
вақтини фақат ўзи эгаллаб олган
ижод турига бағишлайдилар.
Ижодкорлар борки, улар ўз касб-
корини кенг тушунадилар, фақат
ижод билангина банд бўлмасдан
ижод сирлари ҳақида ҳам чуқур ўй-
лайдилар, фикр юритадилар, ўзи
яратган ижод маҳсулини, баъзан
бошқаларнинг бадиий изланишлари-
ни ҳам таҳлил қиладилар, ақл ўл-
човига соладилар, мантиқ тарозиси-
да тортиб кўрадилар. Шу йўсинда
улар биринчи тоифадаги ижодкор-
ларга нисбатан икки-уч баробар
масъулиятни ўз бўйнига оладилар.
Абдулҳақ Абдуллаев шу хилдаги
ижодкорлардан. Шу йўл билан бо-
риб рассом ўзига хос санъат наму-
наларидан ташқари келажак авлод-
ларга ижод сирларини бағишлаган
ақлий мерос қолдиришга ҳам му-
ваффақ бўлади.

Шу маънода Абдулҳақ Абдуллаев
қарийб ярим аср давомида узлуксиз

равишда матбуот саҳифаларида
мақолалар, суҳбатлар, фикр-мулоҳа-
залар эълон қилиб келаяптики, улар-
ни жамулжам қилиб тадқиқот қилиш
санъатшунослик олдида турган
муҳим вазифалардан биридир.

Абдулҳақ Абдуллаев буни ҳам
етарли ҳисобламайди. У доим мак-
табу олий ўқув юртларида, ишлаб
чиқаришу илмий муассасаларда
ижод муаммолари, хусусан, гўзаллик
масалаларига доир учрашувлар,
маърузалар қилади. Бу ишни у шун-
чаки тадбир сифатида эмас, балки
ички эҳтиёж, санъаткорнинг халқ
олдидаги бурчи сифатида бажа-
ради. Бундан ўзи маънавий озук
олади, завқ ва шавқдан тўлиб-то-
шади. Шунга лойиқ унда нотиклик
қобилияти ҳам бор. Сўз устида
ишлаш, аудиторияни ўзига жалб
қилиш, эшитувчини мафтун қилиш
йўлларини излайди. Айтиш керакки,
рассом шу йўсинда нотикликини ҳам
санъат даражасига кўтара олган.

Одатда нутқлар мазмунан, ҳатто
шаклан шу даражада мукаммал
бўлар эканки, Абдулҳақ Абдуллаевни
кам биладиган баъзи бировлар
рассом шу даражада етук нотик
эканлигига шубҳаланиб ҳам қоли-
шаркан. Айрим ҳолларда маърузани
бирор ёзувчи ёзиб берган бўлса ке-
рак, деган шубҳага боришаркан.
Баъзи ҳужжатларга қараганда, рас-
сом хорижий элларда маърузалар
қилиб, ўзбек маданияти обрўйига
обрў қўшган пайтлар ҳам бўлган. Но-
тиклик ҳақиқий зиёлининг бош хис-
латларидан бири бўлиши керак,
деб ҳисоблайди рассом.

Нотикликка интилиш рассом шах-
сиятида янги-янги хислатларни
яратди. У дунёга машҳур илм-фан,
адабиёт ва санъатнинг атоқли намо-
ёндаларининг ҳаёт ва ижод ҳақидаги
доно фикрларини йиғадиган бўлди.
Рассом йиққан бундай сўзлар жа-
мулжам қилинадиган бўлса, бир ри-
сола сифатида нашр қилишга
арзигулик бўлур эди. Шу боисдан
унинг қаламига мансуб барча мақола
ва интервьюлар доим донишманд-
ларнинг фикрлари билан да-
лилланган бўлади. Абдулҳақ Абдул-
лаевга тегишли бу хислатни умум-
лаштириб айтадиган бўлсак шундай
фикр келиб чиқади: у моҳир
санъаткор, шу билан баробар ўз со-
ҳаси илмини ҳам чуқур эгаллаган
мутафаккир! 1994 йили чоп этилган
«Гўзалликка чанқоқлик» номли ки-
тоби фикримизнинг исботидир.

парчаларига ишора қилиб:

— Мана буларни кўрмадингиз-ку,
— деб қолди. Бу сарғайиб қолган қо-
ғозларни кўздан кечирдим. Улар-
нинг бирида машҳур рассом Чингиз
Аҳмаровнинг сўзлари бор экан:

«Абдулҳақ — ҳақиқий санъаткор.
Унинг 75 йиллиги ўзбек тасвирий
санъатининг балоғат тўйидир. Биз
ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида
ёнма-ён туриб ижод қилдик. Бир
миллий муҳит, бир миллий ифтихор
туйғулари билан яшадик. Агар мен
кўпроқ ўз мавзуларимни халқимиз
маънавиятидан излаган бўлсам,
Абдулҳақ ўз халқига жаҳон, рус ва
Европа маданиятининг энг нодир
жавоҳирларини олиб кирди.

Тарихан унчалик тараққий этмаган
портретни Абдулҳақ маданиятнинг
ажралмас бир қисмига айлантирди.
Абдулҳақ чизган портретлар жаҳон-
даги машҳур портретчи мусаввир-
лар асарлари қаторидан муносиб
ўрин олади. Агар Италия учун Ти-
циан, Нидерландия учун Рембрандт,
Россия учун Репин ва Крамской қан-
чалик хизмат қилган бўлсалар
Абдулҳақ Ўзбекистон тасвирий
санъатида шундай ўрин эгаллайди.
Унинг портретлари орқали ўзбек
халқи маънавий юксалиш солнома-
сини тасаввур этиш мумкин...»

Портфелимини йиғиштира
бошладим.

— Кетмоқчимисиз? — деди Абдул-



Китоб рус тилида наш қилинган бўлиб, унда Абдулҳақ Абдуллаевнинг ҳаёт йўли, ижодий эволюцияси акс этган. Ижодга қўйилган илк қадамлар, ёшлиқданоқ унда пайдо бўлган тинимсиз изланишлар, ижодкорга хос бўлган ўз ишидан қаноатланмасдан тортган изтироблар, унинг руҳини кўтарадиган муваффақиятлар, олқишлар, айрим ҳолларда дуч келган қийинчиликлар бу китобнинг мазмунини ташкил қилади. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, китобнинг бош мавзуси рассом эстетикаси. Республикамизда тасвирий санъат сирлари хусусида сезиларли бирор иш қилинмаётган пайтда бу асарнинг пайдо бўлиши айни муддаодир.

«Гўзалликка чанқоқлик»нинг бошқа бир муҳим томони бор. Рассом қўлига қалам олиб, «китоб битишим керак» деган йўсинда иш кўрган эмас. У рассомнинг ўз санъати жонкуяри сифатида вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган фикр-мулоҳазалари, ҳар хил жойларда қилган маърузалар мажмуасидан иборатдир. Муаллиф умр бўйи қилинган шу ишларини йиғиб маълум бир тартибга солган, китоб шаклига келтирган. Бу жиҳати билан асар катта амалий аҳамият касб этади. Умуман, ҳам тасвирий санъатда, ҳам назарий муаммоларга назар ташлаб мақола ва китоблар эълон қилиб, бадий тараққиётга сезиларли ҳисса қўшиш ўзбек маданияти тарихида кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

Бу ҳолнинг сирини нимада экан? Нега Абдулҳақ Абдуллаев ҳаётнинг айш-ишратларидан, кўнгилхушлик-

ларидан воз кечиб ўзини «ижод машаққатлари» тўрига ўраб олди экан?

Бунга жавобни мазкур китоб саҳифаларидан излаб кўриш керакка ўхшайди. У ёзади:

«Одам менинг кўнглимда чексиз эҳтирослар уйғотади. Мен ҳаёлан уни айбдор қиламан, ёмон кўраман, шу оннинг ўзида севаман, унга таъзим бажо келтираман.

Мен уни аёвсиз таҳлил ва тадқиқ қиламан, ҳаёлан унга саволлар бераман; ақл борми сенда, ички оламинг қандай, кимсан ўзинг?! Нима билан бандсан, ҳаётингни беҳуда ўтказаяётганинг йўқми?!

Бу китобнинг бошқа бир фазилати ҳам бор. Китобга рассомнинг анчагина ишлари — оддий, номаълум шахслардан тортиб турли шаклда ижро қилинган автопортретлар, адабиёт ва санъатнинг йирик арбобларининг портретларигача киритилган. Кейинги пайтларда рўй бераётган моддий қийинчиликлар туфайли рассомларнинг альбомлари, нусха тўпламлари нашр қилинмаяпти. Шундай бир пайтда ярми рассом асарларидан иборат катта бир китобнинг нашр қилиниши маданиятимиз тарихидаги сезиларли воқеадир.

«Гўзалликка чанқоқлик» ҳақидаги фикрларимни қуйидаги жумлалар билан умумлаштиришни лозим кўраман: китоб амалиётдан кўра назарийетга яқин. Бунгача узоқ-узоқлардан буён тараққий этиб келаяётган маданият тарихимизда тасвирий санъат, хусусан, портрет жанрининг ўта заифлиги ва шу аснода

бу жанрнинг назариясига тегишли тафаккурнинг ўта заифлигини ҳисобга олганда бу китоб портретшунослик соҳасида яратилган биринчи йирик иш, илк бор яратилган назарий рисоалар тўплами сифатида қадрлидир.

х х х

Абдулҳақ Абдуллаев бутун борлигини ҳам руҳан, ҳам жисмонан санъатга, фақат санъатга бағишлаган инсон. У ҳаётнинг турли-туман муаммолари билан қизиқади. Улар ҳақида истаган одам билан баҳсга киришишдан ҳам қочмайди. Бироқ ҳар гал бу баҳслар санъат муаммолари, гўзаллик тушунчалари хусусидаги фикрлар билан якунланаверади. Бирор кимса билан маишат қилиш, ҳатто ўтириб бир пиёла чой ичиш учун учрашишни ният қилмайди, унинг учун санъат ҳақида фикрлашув муҳимроқ. Адабиёт, санъат арбобларининг портретларини чизган пайтларда ҳам қўли мўйқаламда бўлса, сўзлари ҳаётдаги эзгуликни улуғлаш, ноинсоний хислатларни ёмонлаш хусусида боради. Шу боис кейинги пайтларда бир воқеани тез-тез эслаб туради: рассом таклифи билан Эркин Воҳидов биринчи гал келганида:

— Мен расмимни чиздириш учун эмас, сиз билан суҳбатлашиш иштиёқида келдим, — деган экан.

Ҳа, мана шу суҳбатлар, фикр олишувлар унинг ҳаёт ўлчови. Шу фикр олишувлар унинг учун чойхона ёки ресторандаги маишат, мана шу фикр олишувлар унинг учун болачақа, қариндош-уруғ!

Суҳбатлардан бирида бир воқеани

эслайди.

— Қариндошлардан менга энг яқини туғишган опам. Баъзан келиб, «Сен мени кўришга боравермайсан, мен келиб сени кўриб кетишга мажбурман, қандай одамсан ўзи» деб таъна қилиб кетаркан. Рассом бу ҳақда гап юритар экан, ўзини ҳеч ҳам айбли ҳисобламайди. Яқин қариндошини ёки яқин бир дўстни бориб кўришдан кўра мўйқалам юритиш ёхуд тафаккурга берилишни афзал кўради. Булар ҳаммаси камчиликми ё фазилат?! Ҳукм чиқариш ўқувчим ихтиёрига ҳавола!

Инсон қалби мураккаб экани сир эмас. Мураккаб қалб эгаларининг ҳар хиллиги ҳам сир эмас. Улар ичида истеъдодлар ҳам кам эмас. Улар ҳам ҳар хил. Бирор мўъжиза рўй бериб «Абдулҳақ Абдуллаев рассомлар уюшмасига раис қилиб сайланибди» деган хабар тарқалиб қолса, бунга уни билган яқинларидан бирор кимса ишонмаган бўлар эди. Шунингдек Абдулҳақ Абдуллаев унвону мукофотларга ҳам бепарво. У бирор асарини на мукофот ёхуд унвон учун яратган эмас. Агар шундай бўлмаса барча мукофоту унвонларга эга бўла туриб «Навоий» портрети устидаги ишни бугунгача давом қилдирган бўлармиди?! Бу жиҳатдан унинг тушунчаси аниқ: мансаб, мукофот, унвонлар истеъдоднинг қобилигини кемириб, уни жонсарак қилиб қўядиган каламушлардир!

Истеъдодини хор қиладиганлар ёхуд ўзини ноёб истеъдод эгалари деб атовчилар хусусидаги аёвсиз фикрларини у ҳеч қачон яширмайди, балки ошкор айта олади, ҳатто матбуот саҳифаларида эълон қилишдан ҳам қайтмайди. Абдулҳақ Абдуллаев ўзининг 70 йиллик тўйи муносабати билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган (1988 йил 23 декабрь) мақоласида қуйидагиларни ёзган эди:

«... Шундай аламли воқеаларнинг гувоҳи бўлдимки, илҳом париларига садоқат билан хизмат қилишдан жуда йироқ кимсалар ҳам бор экан. Улар муқаддас санъат остонасига «қора юрак, нопок виждон, пасткаш ишқибозлик» асирлигида қадам қўядилар.

Беихтиёр ўйлаб қоласан: бундай одамлар ўзларининг тийиқсиз, ўзбошимчалиги, илоҳи борича юлиб қолиш инстинктлари билан жамиятга қандай наф келтира оладилар?

Дарвоқе, инсон ҳақида, унинг

хислатлари-ю, иллатлари ҳақида қайси ўлчов билан мулоҳаза юритиш лозим. Шубҳасиз, бу ўринда бир хил жавоб бўлиши мумкин эмас.

Бадиий жамоаларда бу ҳол асосан рағбатлантиришдек нозик масалада кўзга ташланади. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар ва артистлар орасида шундай одамлар борки, уларни бу ишга муносиблари кишини чуқур ўйга толдиради.

Ижодда ҳам, маънавиятда ҳам тобора баркамолликка эришиш йўллариини излаш ўрнига улар лаёқатларига алоқаси бўлмаган нарсалар ҳақида ўйлайдилар. Эҳтимол улар ўзларини бетакрор истеъдод, фавқуллодда ҳодиса деб билсалар керак. Бундайларни иззат-икромга ташналиги кишини ҳайрон қолдиради. Кўра олмаслик иллоти уларни ҳаммиша безовта қилиб, ҳамма жойда ва барча нарсада шахсий қизиқишларини кўриқлашга мажбур этади».

Кескин йўналишда айтилган фикрлар узок йиллар ҳукмронлик қилган тоталитар мафқурани таназзулга юз тутган даврида эълон қилинган. Ундаги кескин оҳанг шу давр талаби билан боғлиқ, албатта. Бугун, республикаимиз мустақилликка эришгандан кейин манзара хийла ўзгарди. Бироқ ижодкорларга нисбатан айтилган бу фикрдан келиб чиқадиган хулосалар ўз аҳамиятини бугун ҳам сақлайди. Кейин ҳам сақлаб қолади.

Ўзидан ўзи камчилик излаш, ўзидан ўзи қаноатланмасликни ошкор айта олиш, ҳатто баъзи ўринлар ўзига нисбатан ҳақоратдек бўлиб кўринадиган кескин баҳо беришлар кўзга ташланади. Бирор кимса унинг шахсияти юзасидан ҳақоратомуз фикр билдириб қолса ундан хафа бўлмайди, балки бу ҳолнинг сабаблари хусусида теран ўйлаб олади.

Москвада ўқиб юрган пайтларида рассом талабалардан бири унга «сен тўнқасан» деган экан.

— Ҳа, бу гапда жон бор эди. Мен кўпроқ ўзим билан ўзим банд бўлиб талабаларга кўшилавормасдим, уларнинг ўйин-қулги, энгил-елпи вақт ўтказишидан ўзимни олиб қочаверардим. Шу боисдан мен бу баҳони ўзимга нисбатан ҳақорат деб билмадим.

Ўз шахсиятига нисбатан кескин танқидий муносабатда бўлиш унинг балоғат ёшига етган чоғларида ҳам кўзга ташланади. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг

1991 йил 2 август сонисида у ёзади:

«Баъзан менга шундай туюладики, энг ярамас бу мен, ҳамманинг олдида айбдор бу мен...»

Бундан олдин «Совет Ўзбекистони санъати» журналида у ёзган эди:

«... Мени ўз ички дунём кўпинча асир қилиб, ҳар хил ҳолатга солади, баъзан ўз оловида ёндирса, баъзан кулдиради ҳам. Гўё руҳимда яна битта аксим бор, у менга тинчлик бермайди, ҳаммиша қаёққадир етаклайди, қутилмаган саволлар беради».

Абдулҳақ Абдуллаев шу даражада ўзига нисбатан аёвсиз танқидий муносабатда бўладики, айрим ҳолларда у ўзини қилиқлари билан одамзот кўзига ёмон кўринадиган ҳайвонлар номи билан аташдан ҳам қайтмайди. Бир мақоласида ўзини сакбачча дейишдан ҳам тортинмайди.

Хўш, ўзига нисбатан шу даражада аёвсиз танқидий муносабатда бўлишининг сабаби нимада экан? Нега у ўзига нисбатан ҳақоратомуз сўзларни аёвсиз ишлатаверади?!

Бизнинг назаримизда бунинг сабаблари шунда бўлса керакки, ўзининг камчилигини ўзи сезган, ҳис қилган одамгина бошқаларнинг камчилигини сеза олади ва ҳис қила олади. Ўзини доим арши аълода деб биладиган, бекаму кўст «мукамал инсонман» деб ҳисоблайдиган кимсалар бошқаларнинг камчилигини ҳис қилган тақдирда ҳам уларга нисбатан танқидий муносабат билдиришдан маҳрумдирлар. Худди шу хилдаги одамлар жамият тараққиётига, унинг ҳаёт йўлида рўй бераётган яхши-ёмон ҳодисаларга бепарводирлар. Худди шу йўсинда жамият ҳаётида учраб турадиган лоқайдлар ва безбет «ёлғончилар армияси» пайдо бўладики, уларнинг борлиги очик душманларни борлигидан ҳам хатарлидир.

Юқорида тилга олинган «Совет Ўзбекистони санъати» журнали муҳаррирининг саволларига жавоб тарзида ёзади:

«Қизиги шундаки, ақлу ҳуши жойида бўлган икки оёқли махлук, умр савдосида энгилроқ йўлни қидириб, баъзан уялиб қолишидан ёки кўрққандан ёки муҳтожликдан ёлғонни кўмакка чақирар экан. Ўйлашимча, ёлғончилик балосига ўзини қурбон қилганлар — табиати энгил, савияси паст, иродаси ожиз, бети қаттиқ, андишасизлар. Қаллоб-

ни қароқчидан фарқи шундаки, қароқчи ишни битказгандан кейин сизни хангу манг қилса, қаллоб бентингизга қараб жонингизни суғуриб олади».

Шуни ҳам айтиш керакки, бу тоифа одамларнинг яна бошқа хили бор. Улар туғма талантлар бўлса ажаб эмас, чунки ёлгонни ўзларининг маккорлик табиатиға жуда усталик билан хизмат қилдиришда Мефистофелдан сира қолишмайди. Менимча, улар жирканч ёлгоннинг бирон маротаба бетига синчиклаб қарашмаган бўлсалар ҳам, лекин уни тасбеҳ қилиб, умр йўлбошчиси қилиб олишган. Шу сабабли ундайларнинг босган қадами эгри, туриши эгри, юриши эгри, виждони эгри. Салтиков-Шчедриннинг айтишига қараганда, улар ўлим ёстиғига етганларида ҳам ёлгон гапириб жон беришар экан».

Бу хилдаги жамият ҳаётида учраб турадиган кам-кўстликларга баралла ўз номи билан баҳо беришни зиёли сергаклиги деб аташни лозим кўрадим. Шу хилдаги сергак хислатларга эга бўлган зиёлилар тарихимизда доим бўлган. Шу ўринда мен кўп бирга бўлиб, кўп йиллар давомида кузатган Абдулла Қаҳҳорни эслашни лозим кўрадим. Юқоридаги жумлаларни қайд қила туриб, ҳаётда учраб турадиган камчилик ва нуқсонлар ҳақида катта-кичик йиғилишларда ва матбуот саҳифаларида ўзига хос қуюнчаклик, дард билан айтган фикрлари бугун ҳам эсимда. Назаримда ёзувчилар, умуман, зиёлилар орасида Абдулла Қаҳҳор қай даражада жанговар масалаларни кўтариб ҳаёт тозалиги ва тараққиёти хусусида ёниб-қуйиб фикр юритган бўлса, энди ўйлаб кўрсам, Абдулҳақ Абдуллаев ҳам шу хилда ёниб-қуйиб ҳаётнинг салбий томонларига кескин фикр билдирган арбоблардан экан.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётни фақат салбий нуқтаи назардан баҳолаган ёзувчи эмас эди. Худди шу фикрни Абдулҳақ Абдуллаев ҳақида ҳам айтиш мумкин. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1988 йил 23 декабрь сонидagi «Ҳақиқат ва маънавий ҳалокат» мақоласини шундай тугатган эди:

«Бахтимизга олам фақат қора доғлардан иборат эмас. Хўш, шу қора доғларга кимларни қарши қўя оламиз? Ким борлиқдан романтик ҳайратга тушса, ким кўпроқ фойда учун эмас, гўзаллик учун яшаса, ким қал-

бан гўзаллар ва заколар туғилишига ташна бўлса, ўшаларни қарши қўямиз. Улар санъатнинг ҳаётбахш нафасини бунёд этувчи, унинг ҳар қатра насимиға сезгирлик билан садо қайтарувчи инсонлардир. Улар юксак дидли ва ҳақиқий санъатни сезиш қобилияти кучли кишилардир. Ундай сохталикни инкор этувчи ва истеъдодсизларнинг тазйиқидан нафратланувчи жамиятнинг олтин бўлақларидир. Ва ниҳоят, булар истеъдоднинг ҳалокатини ўз умидлари ҳалокати, қалбларининг вайронлиги деб билувчилардир».

Абдулҳақ Абдуллаевнинг ижоди ва шахсияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни тугатгандай бўлдим. Охириги жумлага нуқта қўйдим. Бироқ сездимки, у ҳақда яна нималардир дейишим керак. Яна бир гал у билан суҳбат қуриб, у яшаётган муҳитга бир назар ташлаш истаги туғилди.

х х х

Яна ўқувчимга таниш бўлган Аваз Ўтар кўчасидаги ўша уй. Одатдагидек у мени хушхол бир кайфиятда кутиб олди. Ўша тор хона. Суҳбат орасида бу хоналарга бир назар ташладим. Деворда қизил рангли фломастер билан ёзилган қоғозга кўзим тушди. Ўқиб беришни илтимос қилдим. Улуғ Бальзакнинг сўзларини рассом ўзига хос кўтаринки оҳангда ўқий кетди: «Буюк рассом, камолотга эришган шоирлар ҳеч қачон буюртма кутмайдилар, ўз ишларидан моддий муқофотни назарда тутмайдилар ҳам. Улар ижод қилаверадилар. Бугун ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам».

Бу сўзларни эшитдим Абдулҳақ Абдуллаевнинг мен кўрган манбалардан ўрганилган саксон йиллик ҳаёти кўз олдидан ўтди. Унинг устахонасида ёзилган кўпгина портретларни биламан. Улар ҳар хил одамлар — каттаси ҳам бор, кичиги ҳам бор, мансабдори ҳам бор, умрида бирон маротаба мансаб курсисига ўтирмаганлари ҳам бор. Ва аниқ биламанки, кўп машаққатлар билан, чексиз изланишлар билан дунёга келган бу асарлардан рассом на рағбат кутган, на бирор моддий манфаат.

Шу онда яшин тезлигида бир воқеа ҳаёлимдан ўтди.

Қиш кунлари эди. Адашмасам 1999 йилнинг декабрь ойи кунларидан бири эди. Бадиий Академия раҳбарлари кўргазмалар залида

унинг бир неча асарларини қўйиб, оддийгина тантана билан 80 йиллигини нишонладилар. Одатда бундай тантаналарда ҳаёда топшириш маросими ҳам бўлади. Абдулҳақ Абдуллаевга ўшанда яккаю ягона битта тўн кийгазишди. Қарангки, ўша тўнни ҳам ўз уйигача олиб кетолмади. Ўзи ҳурмат қилган дўстларининг бирининг елкасига ташлади. Орада қизиқ «можаро» ҳам рўй берди. Дўсти тўнни елкадан олиб рассомни қўлига тутқазмоқчи бўлади, рассом эса уни яна дўстининг елкасига илади.

Шу воқеанинг ўзиёқ улуғ Бальзак бир вақтлар айтиб кетган юқоридаги сўзлар ҳаммадан кўра Абдулҳақ Абдуллаевга тегишли эканлигини англадим.

Деворда ёзилган Бальзак сўзларининг давоми билан қизиқдим. Рассом яна кўтаринки руҳда қуйидаги сўзларни ўқиди: «Ижод одамни ҳолдан тойдирадиган иш. Ундан кўрқадилар ҳам, уни севадилар ҳам. Кучли ва қудратли шахсларгина ижод билан шуғулланадилар. Ва кучқудратини охиригача шунга сарф қиладилар».

Умуман, Абдулҳақ Абдуллаевнинг уйини — у истиқомат қиладиган жойини мен уйдан кўра музейларга ўхшатган бўлардим. Уйнинг деворлари фақат портрет билан тўлиб-тошган эмас, унда маълум бир тартиб билан жойлаштирилган бурчақларни кўрасиз. Бу бурчақлар мавзу жиҳатидан ҳар хил. Масалан, «Она» бурчагида она ҳақида қандай маънодор фикрларни ўқиган ёки эшитган бўлса ҳар хил рангдаги фломастер билан ёзилган сўзларга кўзингиз тушади. Уларнинг марказида, албатта, ўзининг сўзлари ҳам туради. Бошқа бир жойда «Ватан» бурчагини кўрасиз. Яна бир жойда ҳажвия, юмор бурчагига кўзингиз тушади. Бу бурчақларнинг ҳар бирида оламолам фикрлар, мушоҳадалар борки, уларнинг ҳаммасини изоҳлаб чиқиш мушкул.

XX аср илм-фан, адабиёт ва санъат, умуман маданиятга тегишли йирик-йирик арбобларни берди. Абдулҳақ Абдуллаев шу хилдаги арбоблардан биридир. Йиллар ўтар, асрлар ўтар, Абдулҳақ Абдуллаев яратган асарлар ўзбек маданиятининг бебаҳо дурдоналари сифатида доим халқ эътиборида бўлажагига шубҳа йўқ!



Дунёда ҳар хил одамлар бор-да! Кимдир ярқираган машина ёнида оғзида тутун бурқситиб атрофга аланг-жаланг қарашни, кимдир икки-уч қаватли иморат кўтариб, «камтарона» ҳовли тўйига шаҳарнинг ярмини таклиф этишни, кимдир неварга тўйига ўн-ўн икки карнайчини чақириб, бутун маҳалла-кўйни оёққа тургазишни, кимдир туппа-тузук яшаб турган ҳовли-жойини теп-текис қилиб, қайтадан тиллақош ғиштлардан сарой тиклашни, кимдир топган-тутганини қўшқўллаб «эгасига» топшириб, фарзандини олий маълумотли қилишни, кимдир бор бисотидан айрилиб нопок фарзандини ахлоқ тузатиш масканларига қадам ранжида қилишидан асраб қолишни, кимдир... кимдир... кимдир...

Бу азалий ва абадий дунёда одамларнинг феъл-атвори ҳам, амаллари ҳам бир-бирига ўхшамас экан.

Ана шундай турфа инсонлар табиати ҳақида қанчалик кўп ўйларга бормайин, 40 йилдан зиёд дўсту биродар ва ака-укадек яқин бўлиб кетган бир инсонни бот-бот ҳаёлимдан ўтказаман. Уни кимларгадир ўхшатгим келади — ўхшатолмайман, уни ўзимча тафтиш қилгим келади — қилолмайман, узоқ йиллардан буён у ҳақда ёзгим келади — ёзолмайман. Ёзсам сўзларим нурсиз, жумлалар жонсиз, бошқаларда ишончдан кўра гумон уйғотиб қўяётгандай бўламан. Ҳар гал кўлимга ручка олсам унинг сиёҳи қуриб қолади, қанчадан-қанча оқ қоғозлар 40 йил ичида сарғайиб-сарғайиб тўзиб кетди.

Ҳарқалай, бандасининг эмас, Оллоҳнинг айтгани бўлар экан.

Яқинда бу инсон ва унинг оиласи ҳаётида шахсий уй-музей очилиши муносабати билан шундай бир ажойиб дақиқалар юз бердики, энди барча андишаларни четга суриб, у ҳақда қалам тебратиш вақти-соати келганини ҳис қилдим. Ҳар нарсанинг ҳечидан кўра кечи яхши деганларидай виждон ва имоним олдидаги мажбуриятимни адо этишга аҳд қилдим.

Гап Тошкенти азимда истиқомат қилувчи Мирпўлат хожи Мирсоат ўғли устида бораётир.

Мирпўлат ака билан 1956 йили танишиб, шу-шу қадрдон бўлиб кетганмиз. Мирпўлат ака энди тиш дўхтири касбини эгаллаб, «Ишчилар шаҳарчаси»даги поликлиникада ишлаб юрган пайтлар эди. Баъзан ўйлаб қоламан: яхшиямки, тишим оғриб қолган экан. Бўлмаса у киши билан бир умр учрашмаган, учрашсак-да бунчалик қадрдон бўлиб кетмасмидик. Ўқтин-ўқтин безовта қилган тиш оғриғи туфайли мен Мирпўлат аканинг иш жараёнида ўзини тутиши, одамларга муомаласини кузатиб ўтирардим. Чамамда одамлар унинг олдидан тишини олдириб, оғриқдан қутилгани, асаблар қақшаши тўхтаганидан эмас, аллақандай илик самимият тафтидан юрак-бағри эриб кетардилар.

Ҳар бир беморни очиқ чехра, илтифот билан кутиб олиши, доимо уларни беш-ўн дақиқа йўлақда ўтириб эс-хушини йиғиб олгандан кейин кузатиб қўйиши, беморлар ва танишлар билан камгаплигию ваъдалашган вақтидан икки-уч дақиқа эрта келиб кутиб ўтириши, ёзу киш, эртаю кеч ўзини бир хил кайфиятда тутиб юриши, маълум даражада, «ичимдан топ» қабилида ҳар ким билан очилиб-сочилиб кетмаслиги, айна пайтда, ҳар бир инсонга бир хилдаги ҳурматни қанда қилмай, беморларнинг ёшига, кўнглига қараб муомала қилиши менда бу кишига нисбатан қизиқишини тобора кучайтирарди. Бу қизиқиш ҳар гал кучайиб руҳий бир ҳаққиришга айланар, баъзан туманли ҳадикка ўхшаш мураккаб кечинмалар уйғотарди. Қанчалик кўп

Умр бедаги

Тилаб МАҲМУДОВ

учрашиб, Мирпўлат ака ва унинг оиласини яқиндан билганимдан кейин унинг доимо қовоқларини уюб туриши, ҳар кимга ва ҳар қачон тишининг оқини кўрсатиб муомала қилмаслиги унинг нозик таъбли табиатининг ифодаси, жимлигида чуқурликни, сипо мулоқотида чин самимиятни туйдим.

Худди шундай сертакаллуф илтифот унинг барча оила аъзоларига, олтита ўғлига ҳам ўтган. Куш уясида кўрганини қилади, деганлари шу бўлса керак.

Дўстона муносабатларимизнинг оилавий борди-келдига айланиб кетишига бир мисол келтирай. Қизик учрашув туфайли орамиздаги қадрдонлик ака-ука муносабатларига ўхшаш яқинлик касб этди.

Бир куни Мирпўлат ака уйига таклиф этиб қолдилар. Биз эру хотин Мирпўлат ака уйига яқинлашиб қолганимизда бирдан менинг ёнимда нотаниш хонадонга бошлаб бораяпсан деган маънода ийманиб келаётган турмуш ўртоғим йўл бағирлаб югуриб қолди. Дарвоза олдида меҳмонларга пешвоз чиққан Мирпўлат аканинг ёнидаги аёл ҳам биз томон чопди. Биз йўлнинг икки четида Мирпўлат ака билан бир-биримизга ҳайрон қараб турардик. Муаттар кеннойи билан Дилбархон кўришиб, кучоқлашиб, қийқиришиб қолишди. Кейинчалик билсак, улар мактабдош дугоналар бўлиб, эртароқ турмушга чиқиб кетган Муаттархон дугоналарини аллақачон йўқотиб қўйган экан. Тасодифан топишган икки дугона самимияти кейинчалик бизнинг дўстона муносабатимизга ойдайдасурухон бўлиб хизмат қила бошлади.

... 1959 йил 18 ноябрь куни Мирпўлат аканинг отаси вафот этдилар. Орадан бироз вақт ўтгач, йиллик маросимдан аввал Мирпўлат ака отасининг портретини ишлатмоқчи эканини, иложи бўлса икки-учта рассом билан уни таништириб қўйишимни илтимос қилди. Ундан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Юсуф Елизаров, Зокир Иноғомовлардан қай бири билан танишиш учун хоҳиши борлигини сўраганимда «Қайси бири портрет соҳасида энг зўри?» деди. Мен Абдулҳақ Абдуллаев ўз умри ва санъатини фақат портретга бағишлаганини, бу рассом фақат тирик одамга қараб расм ишлашини, фотодан ишлашни ёқтирмастлигини айтдим.

Вазифам уларни таништириш бўлди. Мирпўлат ака рассомни қандай қилиб кўндирди — бу ёғи менга қоронғу. Мирсоат отанинг йиллик маросимида дарвозадан ичкарига кирган ҳар бир ёшу мўйсафиднинг кўзи уларга тикилиб турган отанинг жонли қиёфасига тушар, ҳатто Мирсоат отанинг айрим кекса биродарлари кўзига ёш қалқиб чиққанини кўрганман. Бир йил аввал оламдан ўтган Мирсоат ота ҳовлига кириб келаётганларни гўё тирик одамдай кутиб олаётгандай туюларди.

Мирпўлат аканинг отаси портрети туфайли бу икки ажойиб инсонлар ўртасида камдан-кам учрайдиган чинакам дўстлик меҳр-оқибати пайдо бўлди. Шундан сўнг Абдулҳақ Абдуллаев Мирпўлат аканинг 40,50,60 йилликларида бир-биридан нозик ва нафис портретларини ишлади, Муаттар кеннойи ва бешта ўғилларининг расмлари яратилди.

40 йилдан ошиб бораётган дўстлик, Абдулҳақ Абдуллаевдай инжиқ ва мураккаб табиатли шахс билан дўстлашиб юришининг ўзи бўлмаслигини, Мирпўлат акадаги дўстликка садоқат, меҳр-шафқат ва чинакам инсоний фазилатларнинг сўнмаслигини ўйлаганимда яна бир бор Мирпўлат акадаги тоғдай юрак, ипакдай

майин феълу атворга қойил қоламан.

Умрини санъат, эстетика ва фалсафага бағишлаган, турмуш икир-чикирлари, зиддият ва сўқмоқларини унчалик кўнглига яқин олмайдиган, доимо тафаккур ва хаёл оламида яккаю ёлғиз яшайдиган Абдулҳақ Абдуллаевнинг ўзига хос оғир табиати ҳам бор. Кўнглига яқин одамга кечаси соат 2-3 ларда кўнгирак қилиши, кўнглига ботмаган одам билан бир дақиқа ҳам гаплашмаслиги, соддаликка йўғрилган ниятларини бажо келтириш учун муҳтож бўлган одамларга тинчлик бермаслиги ҳам бор. Ҳар қандай вазиятда ҳам Мирпўлат ака ва унинг ўғиллари Абдулҳақ аканинг иссиқ-совуғидан, ҳол-жонидан хабардор.

Мирпўлат ака мискин кўнгиллари овлашни қанчалик ўзи учун табиий бир эҳтиёж деб билса, фарзандларини ҳам шунга ўргатган. Булар учун мулоқотда бўлган инсоннинг кўнглини олишдек улуғ хизмат ва ҳикмат йўқ.

Бир воқеа ёдимга тушади. Абдулҳақ ака Беруний майдонида яқин онкология илмий-тадқиқот институтида операция бўлди ва бир ой оғир дард чекди. Мен қачон бормайин шу институт этагидаги Хувайдо маҳалласида яшайдиган Мирпўлат ака ё касалхонага кириб келаётган, ё Абдулҳақ ака тепасида турган, ё институтдан чиқиб кетаётган бўларди. Ҳар куни бирикми марта бемордан хабар оларди, десам муболага бўлмас.

Уруғ-аймоғи кўп, кўни-кўшни ва ёру биродарлари орасида тез-тез бўлиб турадиган барча катта-кичик маросимларга айтилган Мирпўлат ака ҳаммасига вақт ажратади, барчанинг кўнглини олади. Яна ишхона, оила, турмуш икир-чикирлари. Шунга қарамай бир ғариб кўнглини шод этмакни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Бу одамнинг шунақа ажиб фазилати ва одатларини кузатиб юриб ўйлаб қоламан. Бунинг бирон сир-синуоти борми? Қаердан пайдо бўлган бунақа одамгарчилигу инсонийлик?

Бундай фазилатларнинг илдизи бўлса керак, деган хаёл билан юрардим.

— Мирпўлат ака, сиз ҳақингизда гапларни ўзим биланман, 1932 йили 1 августда туғилгансиз, тиш дўхтирисиз. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Тиббиёт аълочиси» нишондорисиз, олтита ўғлингиз бор: Миразиз, Мирҳасан, Мирҳусан, Мираъзам, Миразим, Мирвоҳид. Уларнинг қобил фарзандлар экани, эл-юрт дуосини олиб ишлаб юрганларидан хабардорман. Раҳматли отангиз ҳақида билишни истардим.

— Отам Мираҳмедов Мирсоат Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида туғилган, кўйчи бой бўлганлар. Қўйлар асосан Қозогистон чўлларида, Актюбинск яйловларида боқилган. Қўқонга кўчиб бориб, эски ёғбозор маҳалласидан уй-жой қилиб, 13 йил патент билан кўй сотиб юрганлар. Шўролар ҳукумат тепасига келгач, бойларнинг молу мулки тортиб олинган. Шунда отамни қақриб «Ё кўйларни ҳаммасини ҳукуматга топширасан, ё Сибирга сургун бўласан» дейишган. Отам 28735 та кўйни биттама-битта санаб ҳукуматга топширган ва «оқ қоғоз» кўлига теккач, омон қолган.

Бор бисотидан айрилган отам Тошкентга қайтиб келади. Заводда ишчи бўлиб ишлай бошлайди. Ҳозирги Бобур боғининг атрофидан ҳовли-жой сотиб олади. Оққўрғон райпотребсоюзида экспедитор бўлиб ишлайди ва шу ердан пенсияга чиқадилар.

1941-45 йиллари отам брон туфайли заводда ишлаб



юрганларида, оғир кунлар эмасмиди, қариндошларимизнинг етим болаларидан бир нечасини уйимизга олиб келганлар. Улар орасида қизлар ҳам бор эди. Шу болаларни ҳам биздан кам кўрмайин вояга етказдилар, уйли-жойли қилдилар, қизларни турмушга узатдилар.

Катта оила эдик. Онамларнинг дадалари ва оналари ҳам биз билан дадам қарамоғида туришарди. Уларни ҳам умрининг охиригача кўнгилларига қараб юрдилар, вақти-соати етганда барча расм-русумларни бажо келтириб дафн этдилар.

Отамнинг ҳовлиси кичик, аммо кўнгли кенг эди. Уруш бошланиши билан катта тоғам оиласи билан бизникига кўчиб келди. Ҳадемай урушга кетди. Тоғамнинг хотини икки ўғил билан дадам қарамоғида қолди. Тоғам урушдалигида аёллари вафот этди. Кеннойимнинг оталари Дўмбрободда турар эдилар. Отам уларни чақириб, «Қизингиз вафот этди, буёғи қандоқ бўлади, ўликни опкетасизларми?» деб сўрадилар. Шунда кеннойимнинг оталари «Жон Мирсоат, мен кўмолмайман, ўзингиз кўмасиз» деб илтижо қилганлари эсимда.

Маросим ўтказиш эмас, кун ўтказиш амримахол бўлган йиллар дадам кеннойимнинг жамики маросимларини ўтказганлар.

Отам кўли очик, раҳмдил, меҳмондўст бўлганлар. Қўқон, Фарғона, Андижон, Наманган, Сурхондарёдан жуда кўп ошна-оғайнилари келарди. Битта катта меҳмонхонамиз бўларди. Бир неча кунлаб меҳмон кутардик. Қўйлар, асосан, Қозоғистонда боқилгани учун жуда кўп қозоқ биродарлари келишарди. Мен шу меҳмонларга чой ташиб, овқат ташиб, ўрин солиб, ўрин йиғиб хизмат қилардим. Отам мени ёлғиз ўғил деб эркалатмас, ҳовли-жойдаги ҳамма юмушга жалб қилар, айниқса, одамларга муомалада хушёр бўлишни тайинларди. Эсимни таниганимдан бери уйга келадиган меҳмонларни кутишни, одамгарчиликни, самимийликни, поклик-ҳалолликни аввало отамдан, кейин Фарғона одамларидан ўрганганман.

Отамдан кейин отамнинг танишлари изи йўқолиб

кетмасин деб Фарғона водийсига тез-тез бориб келадиган бўлдим. Одамгарчилик, меҳмондорчилик Фарғона халқида кучли-да! Водий одамлари ажойиб, «Бу меҳмон қаердан, ким ўзи, қаерда ишлайди, бизга фойдаси тегадими-йўқми» дейишмайди. Олижаноб табиатли одамлар, ҳамма меҳмонни бирдек кутишади.

Ҳа, олижаноб табиатли одамлар халқимиз орасида жуда кўп. Мирпўлат аканинг ўзи шулар жумласидан. Унинг тўғрисўзлиги, бир сўзлиги, ваъдага вафодор ва дўстларга садоқатини барча яқинлари билади. Унинг каттакон оилани бирлаштира олиш ва самимият тафти билан илтиш салоҳиятига қойилман.

Бу оилада қизиқ бир одат шаклланган. Бу ўзига хос мажлис-маслаҳат йиғини. 42 йилдан буён ҳар чоршанба Мирпўлат ака уйида барча оила аъзолари тўпланади. Унда гап асосан инсоф, диёнат, ишонч, бурч, чин инсоний фазилат, ҳаром-харишнинг фарқига бориш хусусида гап бўлади. Ҳафтада бир марта бўладиган учрашув — дийдор учрашуви, маслаҳат учрашуви, режалар учрашуви, мақсадлар учрашуви, эртанги кун вазифалари учрашуви. Шунинг учун Мирпўлат ака хонадонида ўтадиган маросимларда ур-йиқит, олди-қочди, тартибсизлик ё ноқулайлик бўлмайди. Ҳаммаси олдиндан илтиш чизилган режа асосида силлиқ, сипо ва гўзал бажарилади. Ҳар бир меҳмонни кутиб олишдан тортиб эртароқ ўрнидан турган одамгача, ҳамма хушёр мезбонлар диққатида. Узоқни яқин қиладиган, меҳмоннинг кўнглини олувчи шу хонадоннинг ўзидан чиққан алоҳида-алоҳида хизмат қилувчилар сергак туришади. Бундай тартибли ва инсон таъбини яйратиб юборадиган мулозаматларда сунъийлик ёки хўжақўрсинлик йўқ, ҳаммаси табиий, ҳаммаси чин кўнгилдан.

Мирпўлат ака билан бир бор мулоқотда бўлган одам унинг ҳамма нарсани, муомала ва муносабатни қанчалик нозик дид билан олиб боришига гувоҳ бўлади.

Мирпўлат аканинг фарзандлар тарбияси хусусидаги фикрини билмоқчи бўлдим.

— Бола тарбияси ниҳоятда мураккаб, — деди у. — Бола боғчага боришдан тортиб, мактабга чиқиши, олий ўқув юртида ўқишигача ота-она назоратида бўлиши керак. Айниқса, болалар катта бўлишгач, уларга пок яшашнинг қонун-қоидаларини ўргатиб бориш лозим. Масалан, мен олти ўғлимга оғзимни катта очиб аввал бир бармоғимни, сўнг иккинчисини тикиб кўрсатганман. Ишлашда ҳам, пул топишда ҳам, мол йиғишда ҳам, еб-ичишда ҳам оғзингга фақат битта-иккита бармоқларингни солинглар, мен шу ёшга кириб оғзига 5 бармоғини тикиб оғзи йиртилиб кетганларни кўп кўрганман, дейман. Мабодо менинг сўзимга кирмасдан оғзингизга беш бармоғингизни тиксангиз, тикилиб қоласиз, мен иккита нон кўтариб сизларни кўришга бормайман. Мен ҳаётда ҳалолдан топган одамман. Сизларни ҳам ҳалол ишлашга, ҳалол пул топишга чақираман, деб маслаҳат бераман.

Бола тарбияси, умуман, инсон камолотига доир китоб, газета ва журналларни кўп ўқийман. Ҳаким Зоҳидий деган профессор ва ёзувчи бола тарбияси хусусида жуда кўп ёзар эдилар. «Эҳтиёт бўлинг, болангиз балоғат ёшида» деб огоҳлантирардилар.

Мирпўлат аканинг гаплари рост. У жуда яхши китобхон. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларини деярли ёд билади. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», «От кишнаган оқшомда» асарларини икки мартадан ўқиб

чиқибди. Тоҳир Маликнинг уч қисмли «Шайтанат»ини ҳам уч мартадан кўздан кечирибди.

Мирпўлат ака жуда яхши обуначи. У ҳар йили «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият», «Тошкент окшоми», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент ҳақиқати» ва «Гулистон» нашрларига мунтазам обуна бўлади. Мабодо бирон газета ўз вақтида етиб келмаса ўша куни невараларидан бирини алоқа бўлимига югуртиради.

Мирпўлат аканинг жаҳон мутафаккирлари қолдирган доно фикр-мулоҳазаларга муҳаббати жуда баланд. Унинг ҳовлисига қадам қўйишингиз билан йўлақдан тортиб, болаҳона деворларигача чиройли ёзиб қўйилган ҳикматлар гулдастасига кўзингиз тушади:

«Ғийбат — биродарингнинг эшитса хафа бўладиган томонини гапиришингдир».

«Одамларнинг яхшиси одамларга манфаатлироғидир».

«Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир».

«Ғазаби келганда уни босоладиган киши энг кучли одамдир».

«Сабр деб мусибатга йўлиққан аввалги дақиқаларда ўзини ушлашга айтилади».

«Хатоларнинг каттаси ёлғон тилдир. Бойликнинг яхшиси — дил тўқлиги (бетаъмалик)».

«Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглари».

«Икки кишига қиёмат кунда Аллоҳ қарамайди (раҳмат назари билан): қариндошчиликни узган одам ва қўшнисига ёмонлик қилувчи одамга».

Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидан:

«Умр қисқа, лекин инсон ўз фарзандлари тимсолида қайта яшай бошлайди».

А. Франс

«Самимийлик ҳақиқатнинг жони ва ҳалол одамнинг пешонасига ёзилган белгисидир».

Д. Дидро

«Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши соғлигимизга боғлиқ».

А. Шопенгауэр

«Яхши характер бутун умрга етадиган бойлиқдир».

У. Гэзлитт

«Бир умр бахтли бўлишни истасанг — ҳалол одам бўл».

Т. Фуллер

«Одамлар узоқ яшашни хоҳлашадую, аммо уни эҳтиёт қилишмайди».

Ж. Лабрюйер

Ёзувларга эргашиб болаҳонага кўтариламиз. Тўрт хонали болаҳонадан янги қурилган каттакон залга ўтамиз. Бу ораста зал бундан 30 йиллар илгари Мирпўлат ака бошлаган ва амалга оширган шахсий уй-музейнинг яқинда тамомланган расмлар намойишхонаси.

Мирпўлат аканинг Абдулҳақ Абдуллаев билан танишгандан буён отаси, онаси портретларини ишлатганларидан хабарим бор. Лекин Ўзбекистонда ягона бўлган шахсий уй-музей барпо этиб, «Ўзбек Третьякови» деган ном олса-да ўз ишига камтарона баҳо бериб уни даранг-дурунг қилмай келаётгани ҳам рост. 40 йил мобайнида ҳар йили битта-иккитадан асарлар тўпланган бу даргоҳ чинакам гўзаллик шайдосининг нафосатга бўлган чексиз муҳаббатидан ҳикоя қилади.



Шахсий уй-музейнинг тархи ва режасидан тортиб, унда қўйилган буюм, асар ва экспонатларнинг ҳар бирида Мирпўлат аканинг хоҳиши ва диди кўриниб турибди. Бу ерда дабдаба ёки мақтанишдан дарак йўқ. Ҳамма нарса озода, сипо ва юксак меҳр билан бажарилган ва қўйилган. Кўп портретлар, буюмлар Мирпўлат аканинг 40,50,60,63 ёшларида дўстлари томонидан ҳадя этилган. Абдулҳақ Абдуллаев, Баҳодир Жалолов, Рўзи Чориев, Владимир Бурмакин, Омон Азизов, Темурғолиб Жамолиддинов, Ҳакимхўжа Хуснитдинхўжаев, Е.В.Томко, Самиг Абдуллаев, Ҳайдар Санаев, Иқболжон сингари мусаввир ва ҳайкалтарошларнинг асарларини кўрамиз. Бир хонада фақат фотолар осиб қўйилган. Унда Мирпўлат ака оила аъзолари, шажараси билан танишасиз. Фотолар бу хонадон эгаларининг ҳаёт йўлини ёритган. Бошқа хонада фотоальбомлар. Бу альбомлар ҳам ниҳоятда қизиқарли ва нодир ҳаёт лавҳалари билан тўлган. Бошқа хонада чинни, сопол ва қандакорлик санъати намуналари бўлган лаган, офтоба, расмлар туширилган кўзалар. Саёҳатлар жадвалидан Мирпўлат аканинг Ҳаж сафари, Миср, Югославия, Куба, Саудия Арабистони, Евпатория, Гагра, Ялта, Кисловодск, Сочи, Паланга сингари мамлакат ва шаҳарларда бўлганини билиб оласиз. «Оллоҳ насиб этган тўйлар»да Мирпўлат аканинг ўз умрида 21 марта тўй ўтказгани зикр этилган. Мирпўлат ака 50 ёшларигача олтига ўғлини уйлантириб бўлди ва сўнгра унинг юбилей тўйлари бошланиб кетди...

Халқимиз орасида тасвирий санъатнинг барча жанр ва турлари кенг тарқалмагани ва одамлар тасвирий санъатдан кўра амалий санъат буюмларини кўпроқ ёқтиришини билганим учун Мирпўлат акани яна суҳбатга чорладим ва ундан «Тасвирий санъатга бундай ишқибозлигингиз боиси нимада?» деб сўрадим.

— Мен ёшлигимдан кўчаларда ҳайкалларни кўрсам ёнига бориб қотиб қолардим, — деди. — У пайтларда ҳамма жойга раҳбарларнинг портретлари осиб қўйиларди. Ўша портретларни ҳам ишқибозлик билан томоша қилардим. Тасвирий санъатга муҳаббат, кейин ўйласам, бизнинг қонимизда бор экан. Жиянларимнинг учтаси санъатга қизиқиб расм ишлай бошлашди. Поччам Алп Жамол ўғилларига қараб «Биттангнинг рассомлигинг етади, Темурғолиб рассом бўлсини,



сенлар бу ишни йиғиштирларинг» деб қолдилар. Шундай қилиб, жиянларимдан биттаси рассомчиликни танлади. Мен ҳам жуда ёшлигимдан бу санъатни севардим. Лекин ҳеч ким бизни бу йўлга бошламади. Отам портретини ишлатиш сабаб бўлиб Абдулҳақ Абдуллаев билан танишдим, сўнгра кандакор ва ҳайкалтарош Омон Азизов, Ҳакимхўжа Ҳуснитдинхўжаевлар билан улфатчилик қилдим, Рўзи Чориев, Баходир Жалолов, Владимир Бурмакинлар билан дўстлашиб кетдим. Мен рассомларга яқинлашиб ҳаётдаги гўзалликни кўриш ва унинг қадрига етишни ўргандим. Айниқса, Абдулҳақ Абдуллаевдан тасвирий санъатга садоқат, инсонлар билан муомала қилиш, чет эл сафарларига чиқиб дунёни саёҳат қилиш, ўз вақтида овқатланиш, дам олиш фазилатларини ўргандим.

Шахсий уй-музей ташкил этишни ҳам Абдулҳақ ака билан биргаликда режалаштирганмиз. Санъаткорлар орасидан қанчалик дўстларим кўпайган сари уларнинг менга тақдим этган совғалари ҳам кўпая бошлади. Кейин ўйлаб-ўйлаб уй-музей ташкил этишни ният қилдим. Дастлабки музей 4 хонадан иборат, 81 кв.м. эди. 1999 йили унинг ёнига яна 81 кв.м. катта зал қуриб, 2000 йил 10 сентябрь куни бу уй-музейни расмий очдик. Унда рассомлар, ҳайкалтарошлар, ёру биродарлар иштирок этишди. Атоқли мусаввир, академик Абдулҳақ Абдуллаев лентани қирқиб музейни очиб бердилар. Ҳозирча қариндош-уруғ, бола-чақа, ошна-оғайни, улфатлар учун музейнинг эшиги очик. Лекин бу музейни томоша қилишга келган меҳмонларга эшик берк деган гап эмас.

Мирпўлат ака хонадони — катта даргоҳ. Тасаввуримда бу даргоҳнинг ўртасида худди катта чинор ўсиб тургандай. Бу чинор салқинида барча оила

аъзолари тўпланишади, дам олишади, маслаҳат қилишади, тинч-тотув яшади. Бу чинор — Мирпўлат ака дегим келади. Унинг чинордай салобатли ва ўктам ақлу заковати туфайли бу хонадоннинг ҳар бир қарич ерида ҳам доимо ҳаёт гунафшалари барқ уради. Ҳовлидаги бир туп ҳусайнининг хомтоки ҳам, мўъжазгина ҳовуз ичидаги куш ҳайкалининг қишда музламай, ёзда ёрилмай туришида ҳам, ҳатто оила аъзолари ювинадиган хонада осиглиқ сочиқлар устига «Мирпўлат», «Меҳмонлар учун», «Ҳамма учун», «Муаттар», «Мирҳусан», «Сабоҳат», «Латофат», «Мирҳамид», «Миракмал» деб ёзиб қўйилишида ҳам Мирпўлат ака табиатида хос тартиб, саранжомлик ва поклик аломатларини кўраимиз.

«Ҳаётда нималарга асосланиб, ё амал қилиб яшайсиз?» деган саволга куйидаги жавобни олдим.

— Мен тақдир тарихининг ўнта гилдирагини баравар айлантириб келаяпман: халқ учун ишлаш; маҳалла-кўй билан ширин мулоқотда бўлиш; фарзандлар тарбияси; оилада бир вақтда овқатланиш; ҳар йили таътил вақтида бирор жойда дам олиш; улфатчиликни ўрнига қўйиб дўстлар билан самимий бўлиш; таниш-билиш, қариндош-уруғ, дўсту биродарларнинг яхши-ёмон кунлари, маросимларига таклиф этилганда албатта иштирок этиш; ваъдага вафо қилиш; ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол яшаш; имон-эътиқодни саломат туттиш...

Мирпўлат акага узоқ умр, ўз атроф-муҳитига қилган ва қилаётган хайрли ишлари ва гўзаллик оламига бўлган муҳаббати янада гуллаб-яшнашига тилак билдириб, хайрлашар эканмиз, у киши ҳар галгидай дарвоза олдида кўли кўксида «Хуш келибсиз, яна келиб туринг» деб кузатиб қолдилар.

Барҳам топган бўҳтонлар



Хар қандай давлатнинг ривожини шу давлат фуқароларининг маънавий камолоти даражаси билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам мустақил давлатимизнинг ҳозирги кундаги сиёсатида комил инсон шахсини тарбиялаш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни ҳал этишда тарих бизга ёрдамга келади. Президентимиз маърузалари ва асарларида тарих ҳақиқати эртанги кун йўналишимизни белгилаб беришини қайта-қайта таъкидлаб келади. Тарих сабоқларини билиш ўтмишга назар ташлашгина эмас, балки ўтмиш тажрибасига таяниб келажакни теран англашга интилишдир.

Бирок, мустақиллик сарҳадларидан туриб яқин ўтмишга назар ташланса, нақадар аламли ва армонли манзараларнинг гувоҳи бўламиз. Хусусан, етмиш йилдан ортиқроқ ҳукм сурган шўролар тузумининг халқлар тарихи ва тақдирига мунтазам тазйиқ ўтказишга йўналтирилган, миллатларни доимо мафкуравий маҳдудлик, мутелик руҳиятида ушлаб туришга асосланган сиёсати ана шу манзараларнинг бир кўринишидир. Халқларнинг миллий хусусиятларини йўқ қилишга қаратилган бу сиёсат, айниқса, собиқ тузумнинг узоқ йиллар давомида мунтазам амалга ошириб келган қатағонлик фаолияти билан ҳам узвий боғлиқ. 80-йилларда бошланган «қайта қуриш» баҳонаси билан халқимиз бошига оғир кулфатларни ёғдирган манфур «пахта иши», «ўзбеклар иши» ҳам миллатимизга нисбатан уюштирилган сиёсий ва маънавий қатағонлик эди.

Яқин ўтмиш тарихимизни ўрганиш ва идрок этишда Президентимизнинг 1999 йил 13 майда мустамлакачилик даврида мустақиллик, Ватан равнақи учун курашган ватандошларимизнинг номини абадийлаштириш бўйича чиқарган фармони катта аҳамият касб этди. Шу фармонга биноан ташкил этилган «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси республикамизда ижтимоий адолат мезонлари тантана қилаётганини кўрсатди.

Маълумки, етмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳукмронлик қилган шўроларнинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий соҳада олиб борган мустамлака сиёсати собиқ иттифоқ-

да иқтисодий тараққиётни пароканда қилиб ташлади. Натижада иқтисодий батомом издан чиқиб, моддий ва молиявий тақчиллик кучайди: меҳнатдан рағбатлантиришнинг адолатли мезонлари бузилди; ишсизлик, тураржой муаммолари, аҳоли моддий турмуш даражасининг пасайиши, миллий муносабатлардаги кескинликлар кучайди. Жумладан, Ўзбекистон арзон хом ашё ва стратегик минерал заҳира етказиб берувчи ўлкага айланиб қолди. Пахта майдонлари йилдан-йилга кенгайиб, бошқа ўсимликларни суриб чиқара бошлади. Марказнинг республика ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан ҳисоблашмай, пахта ҳосилдорлигини, етиштирилган умумий ҳосил миқдорини муттасил ошириб бориш ҳақида чиқарган қарорлари республикани иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга солди ва марказ бераётган режаларни кўр-кўрона бажарувчи минтақага айлантириб қўйди.

Шу давргача ўрганилган муълумотларга қараганда «пахта иши» баҳонасида Ўзбекистонда 5000 дан ортиқ киши жиноий жавобгарликка тортилган. Халқимиз қалбида оғир жароҳат изларини қолдирган, бутун бир миллатни қораловчи «ўзбек иши», «пахта иши» деб номланган уйдирма ишларни кўриб чиқиш марказнинг шовинист раҳбарлари қўлига топширилди. Уларга марказдан берилган кенг ҳуқуқлар ўзбек халқи устидан ҳукм чиқаришга ҳам йўл очиб берди. 1983 йил мамлакатнинг бир қанча минтақаларидан тўпланган терговчилардан иборат гуруҳ Ўзбекистонга махсус топшириқ билан юборилди. Ушбу гуруҳга иттифоқ бош прокурори хузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Т.Х.Гдлян бошчилик қилди. Ушбу гуруҳ ўз фаолияти давомида 800 дан кўпроқ «жиноий» ишни тергов қилди. Тергов қилинганларнинг 600 нафари раҳбар ходимлар, 10 нафари меҳнат қаҳрамонлари бўлган.

Гдлян бошлик гуруҳ «Ўзбекистонда ҳамма пора олади ва пора беради» деган сохта хулосаларга таяниб, юзлаб одамларни асоссиз жазога тортдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жорий архивидаги Гдлян ва Ивановларнинг Ўзбе-

кистондаги фаолияти тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилишича, иккинчи гуруҳ ногирони Д.Бекчоновдан 1988 йил март ойида А. Худойбергановга тегишли бўлган 500000 минг сўм пулни олиб келишни талаб қилганлар. Уни бир неча кун қамоқда сақлаб, қаттиқ жисмоний азоб берганлар. У қийноқларга чидай олмай уйда 500 сўм пул ва 17 минг сўмлик заём борлиги, уни келтириб бериши мумкинлиги ҳақида айтганда терговчилар бунга рози бўлмаган. Ниҳоят, терговчилар уни А. Худойбергановдан олган 100000 сўм пулни давлатга қайтариб бераман деб тилхат беришга мажбур қилишган.

1989 йилдан бошлаб Ислон Каримов ташаббуси билан республикада «Пахтачиликдаги қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган» комиссия ташкил этилди. Комиссия Гдлян бошлик тергов гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қилган гайриқонуний ишларини чуқур таҳлил этди ва аниқ далилларга таянган ҳолда Гдлян ва Иванов устидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг бир қанча моддалари асосида жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кун тартибига қўйди.

Умуман олганда, Ўзбекистонда мислсиз бўҳтонлар ҳисобига уюштирилган «пахта иши» асосан, бутун республикани, қолаверса, ўзбек халқини жаҳон жамоатчилиги олдида қоралашга қаратилган сиёсий ҳаркат эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, мамлакатимизда олиб борилган бундай адолатсизликларнинг олдини олишга катта имконият яратилди. Шундай қилиб мустақиллик шарофати билан халқимизнинг қаддини букиб келган бу тариқа уюштирилган бўҳтонлар барҳам топди. Ўзбекистонда хотиржам, осойишта ва бунёдкор ҳаёт бошланди.

Хуршида ЮНУСОВА,
фалсафа фанлари номзоди

Бир неча йиллар муқаддам экранларда «Касенто тоға», «Аёл ва эркак», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Ҳамлет», «Ўтган кунлар» каби фильмларни кўриб яна кўришга иштиёқ сезган эдим. Мазкур фильмларни қайта-қайта кўрсам ҳам меъдамга тегмас эди. Бизни лаззатлантирган, ҳаяжонга солган, тафаккуримизни илоҳиёт билан боғлаган ва тирикликни улғу бахт эканлигини эътироф эттирган, яъни ҳаётни шарафга айлантирган санъат асарлари ортида чин маънодаги иқтидорли ижодкорлар тургани ҳақида доим ҳам жиддий ўйлаб кўрмаймиз.

Ун йиллар муқаддам Ўзбекистон ва Москва телеэкранларида намойиш этилган, «Ўзбекфильм» киностудияси ишлаган «Тошбақа», «Юмронқозик», «Ўйлаб чиқарилмаган воқеа», «Сехрли кийик», «Лолалар ҳақида афсона», «Сехрли анорлар ҳақида», «Хўтикча», «Икковлон», «Кудук», «Кувноқ ёмғир», «Гул кўшиги» каби мультфильмлар беғуборлиги, самимияти билан хотираларда сақланиб келади. Мазкур мультфильмларнинг яратувчиси, яъни режиссёри Светлана Муродхўжаева эканини билсам-да, фильмлар мени ҳаяжонга солса-да, у ҳақида жиддий ўйлаб кўрмас эдим. Чунки қалбимга яқин бу ижодкор билан бир пайтлар Тошкент Санъат институтида бир гуруҳда ўқиган эдим. Бу нозиктаб, беҳад самимий ижодкор ҳақида гапиришдан олдин умуман ҳақиқий санъат яралишига ёки яратилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида озгина тўхталиб ўтмоқчиман.

Улғу санъат асари биринчи галда ижодкорнинг самимияти, эътиқоди, ҳиссиёти ва инсониятга бўлган юксак муҳаббати, эзгуликка бўлган ташналиги туфайли пайдо бўлади. Ўзбек киносига катта улуш қўшган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С.Муродхўжаева 1965 йилда Театр институтининг киноактёр бўлимини тугатган. Биз институтнинг кечки бўлимида ўқирдик. Кун бўйи заводларда ишлаб беҳад ҳориб, толиқиб дарсга келардик. Бундай пайтларда кўнгилга ҳеч нарса сиғмас эди. Алламаҳалда уйга қайтардик. Мана шундай паллаларда Света ўзининг кувноқлиги, самимийлиги, кўли очиклиги билан ҳаммамизнинг диққат-эътиборимизни тортарди.

Света Муродхўжаева ҳақидаги фикрим, эътиқодим ва унга бўлган самимиятим, ўша кезги баҳом ҳали ҳам эскирмабди. Сабаби битта: Света илгари қанчалик самимий, эътиқодли, иймонли, оқ кўнгилли, очик кўлли бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича қолибди. Света ҳаммага бирдай қарарди. Бирдай ҳаммани севарди. Бирдай ёндошарди, бор



Самимият таълиқаси

нарсасини ҳаммага баробар тарқатиб берарди. Ҳар кун дўстларининг кўнглини нима биландир олишга уринарди. Кимдир уни ранжитса ё хафа қилса сукутга толиб, ич-ичдан азобланиб, термулиб қоларди. Лекин ёмон гапирмасди, кўнглини қолдирмасди. Уни жуда қаттиқ ранжитсалар: «Қизиқ-а... ажайиб одам-а...», деб чекланарди. Бу эса Светадаги, унинг юрагидаги болаларча самимияти эди. У талабалик йиллари ҳам, кейин, режиссёрлик даврида ҳам, ҳозирда ҳам болалик самимиятида қолди. Света Муродхўжаева «Ўзвийлик» фильми билан Киевда ўтказилган «Халқаро мультфильмлар» кўригида қатнашиб Сергей Алибеков билан «Энг яхши фильм учун» соврин-мукофотини олгандан кейин ҳам уни Москвага ва бошқа ерларга кўрикка чақиришганда, унинг номига келган «таклифнома»ларни кимлардир яшириб қўйиб, уни кўрикка бориш бахтидан бенасиб қилиб, кўрик ўтиб кетгандан кейин «таклифнома»ни беришганларида ҳам ҳайратланиб, елкаларини қисиб: «Қизиқ, одамлар бунчалик носамимий бўлсалар, мен умримда ҳеч қачон, ҳеч кимга ёмонлик қилмаганман-ку, нимага улар менга ёмонлик қилишади?» деб қўя қолганини ҳам билмаман.

С. Муродхўжаева чиндан ҳам катта истеъдодга эга актриса. Юраги катта ҳиссиётга эга, эҳтирослари чексиз, тафаккури кучли. Мана шу аломатлар уни самимий қилди. Унинг Учқун Назаров режиссёрлик қилган «Шиддат» бадиий фильмидаги врач

Санобар Қодировна ролини қандай маҳорат билан ўйнагани ҳозиргача томошабинлар хотираларида сақланиб қолган. Ундан кейин ҳам кўп катта-кичик ролларни маҳорат билан ижро этиб, киномухлисларни хушнуд этди.

Светахон Муродхўжаева Театр институтини битирганидан кейин «Ўзбекфильм» қошида ўша кезлар ташкил этилган киноактёрлар студиясига имтиҳон билан киради. Бир неча йил мазкур студияда ишлаганидан кейин мультфильм цехига ишга ўтади. Кейин Москвага бориб режиссёрлар малага ошириш курсини тугатиб қайтади. Шу тариқа режиссёрлик фаолияти бошланади. Аста-секин ўнлаб мультфильмларни яратди. Унинг «Тошбақа» мультфильмида разил чаён билан соддагина тошбақа орасидаги эзгулик билан ёмонлик кураши акс эттирилади. Бу фильмда Светахоннинг бутун самимияти, олижаноблиги, беғуборлиги тўлалигича ифодасини топади. Худди шундай «Ўйлаб чиқарилмаган воқеа», «Сехрли кийик», «Лолалар ҳақида афсона» каби ўнлаб мультфильмларида унинг юрак ҳарорати, гўзалликка ташналиги яққол сезилиб туради. У барча фильмларини ишлаётганида кўз ўнгидан, тушунча-туғусидан болалар кетмайди. Болаларни алдаб бўлмастлигини, самимият, беғуборлик фақат болалардагина мавжудлигини у доимо ёдида сақлайди.

Светахоннинг ҳикоя қилишича, мультфильмлар икки услубда сувратга олинар экан. Биринчи — чизма услубида. Бу расом билан минглаб сувратларни турли шаклларда ифода қилиш билан амалга оширилган. Бу услуб бошқа санъат услубларига қараганда бирмунча мураккаб кечар экан. Қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини минглаб чизмаларда ифодалаш, ҳаётини мантиқ талаби даражасида ҳаракатга келтириш лозим бўлади. Озгина ҳаракатнинг ортиши бутун фильмни барбод қилишга олиб келади. Терма услубдаги мультфильм эса чизмадан бирмунча фарқ қилади. Термада чизиб олинган сувратлар билан ҳаракат қилиш ё ҳаракатга келтириш талаб этилади.

Светахон 1998 йили Бухорода ўтказилган миллий мультфильмлар кўригида «Энг яхши фильм» деган совринни олишга муяссар бўлди.

Света Муродхўжаева яқин орада «Севги қанотлари ёки янги эртак» мусиқали мультфильмини томошабинлар ҳукмига топширади. Бу йўлда унга каттадан-катта муваффақиятлар ёр бўлсин.

Ўқтам
ҲАКИМАЛИ



Ота, она — ҳаёт боғбонлари

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида «... келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир», деб оилада фарзанд тарбияси бугунги кундаги асосий вазифа эканлигини таъкидлади.

«Таълим тўғрисида»ги қонунда «Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди» деб кўрсатилди.

Мактабгача ёшдаги болалар ахлоқодоб тўғрисидаги сўз ва иборалар ҳақида тасаввур ҳамда тушунчаларга эга бўлишлари керак. Бу вазифаларни амалга оширишда, табиийки, мураббий ва ота-оналар мактабгача таълим ёшдагиларни мактабга тайёрлаш йўлларини билиши ғоят муҳимдир.

Ота-оналарнинг ахлоқ, одоб, тарбия соҳибни эканликлари ҳар бир хатти-ҳаракатларида кўриниб, болаларига намуна бўлишлари энг яхши тарбия воситасидир. Болаларга куруқ насихат таъсир қилмайди. Яхши ишни амалда кўрсатиш ва шу ишнинг яхшилигига болаларни ишонтириш керак.

Бола тарбияси масаласи оиланинг бахт-саодати, жамиятнинг юксалиши билан боғлиқ, бинобарин болалар тарбиясига алоҳида аҳамият бериш зарур.

Маълумки, она оилада бош тарбиячидир. Она бўлиш улуғ бир неъмат ва оқибатли бир шарафдир. Болани гўзал ва хунук хулқлардан хабардор қилиш, бола тарбияси учун лозим бўлган соғлиқни сақлаш ва тарбия ҳақидаги билимларини узлуксиз орттириб бориш оналарга хос хислатдир. Оналик вазифасини тўла бажарган, ўзига ифбат, номус либосини кийган, сабр дурдоналари билан зийнланган, қаноатли, одобли она бахт-саодатнинг мужассам тимсолидир.

«Бола, — дейди Президент Ислоҳ Каримов, — туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос аъёнлар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳа-

ёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади». Оилавий ҳаёт мактабида асосий тарбиячи муҳтарама онадир.

Машҳур донишмандлардан бири айтади: «Ҳар нарсани кўришга ва сўрашга қизиқиш ёш болаларнинг энг яхши фазилатидир. Бу эса уларнинг илмга бўлган ҳаваслари негизидир. Агар ёш бола бирор нарса ҳақида сўраса, «Жим ўтир, оғзингни юм, сенга нима, ҳар нарсани сўрайверма» деб уни ранжитманг, берган саволларидан кулманг, болага очиқ юз, мулоқимлик билан аниқ-равшан жавоб беринг. Агар шундай қилмасангиз, боланинг илмга бўлган ҳавасини тўхтатган бўласиз».

Бола бир нарсани йиғлаб сўраса, сўраган нарсасининг берилмаслигини тушунтириш керак. Истаган нарсаси, берилиши мумкин бўлган нарса бўлса, йиғламасдан сўраганида бериш ва уни йиғлагани учун эмас, ақлли бўлгани учун берилганини билдириш лозим.

Болани эрка қилиб ўстириш, ҳамма истақларини баҳо келтириш уларни тўғри ўстириш эмас. Эрка бўлиб ўсган бола ҳар турли бўлмағур ишларни қилишдан тортинмайди. Болаларни севган ота-оналар ўзларининг муҳаббат ва хайрихоҳликларини уларни яхши тарбия қилиш билан кўрсатадилар. Бола бир ноҳўя иш қилган ва уни билмасдан қилган бўлса, кечирини, билиб қилган бўлса, насихат қилиб, у ёмон иш қилганлигини англаштириш, агар у яна шундай қилса, истаган нарсасини олиб бермаслик керак.

Болани ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка, бағрикенгликка, камтаринликка, қўлдан келганча яхшилиқ қилишга ўргатиш, унинг кўнглига шафқат, марҳамат туйғуларини солиш керак. Болалар катталарга эргашишга, тақлид қилишга мойил бўладилар, улар бажарган ишларни қилмоқчи бўладилар.

Шунинг учун ота-она болани яхши, тўғри йўлга йўналтириб, ўзлари ҳам шу йўлдан боришлари жоиздир.

Маълумки, ахлоқ арабча хулқ сўзининг кўплиги бўлиб, инсоннинг нафсида, табиатида ҳосил бўлган ва тақдорланадиган руҳий сифатдир. Агар тақдор этилган иш гўзал бўлса, «кўркем хулқ, яхши хулқ» дейилади. Ёмон бўлса, «ёвуз хулқ, ёмон хулқ»

деб аталади. Адаб, тавозеъ, садоқат, марҳамат, шафқат, ҳаё, мурувват, вафо, адолат, саҳийлик каби яхши хислатлар кўркем хулқли одамларда муҳимдир.

Ҳирс, таъма, бахиллик, такаббурилик, ёлғончилик, адоват, игво, ҳасад, мунофиқлик, хиёнат каби ярамас хислатлар ёвуз хулқли одамларда бўлади. Кўркем хулқли одамни халқ хурматласа, ёвуз хулқлидан нафратланади.

Фазилатлар гўзал ахлоқнинг инсондаги мажмуидир. Фазилат шафқатли бир йўлдошдирки, шу йўлдош билан бирга бўлган одамнинг ёнидан киши ажралгиси келмайди.

Фазилатга эга бўлган одам ота-онага, қариндош-уруғларга, дўстларга, умуман ҳамма одамларга шафқат ва марҳаматли бўлади, ахлоқ ва покликка риоя қилади.

Тўғрилиқ, саҳийлик, одиллик каби инсоний фазилатларнинг кадр-қимматини билдирадиган эзгу ишлар туйғусини болалар кўнглида уйғотинг. Ёмон ишларни қилишга одатланган, дили нопок одамлар билан болаларининг сўхбатдош бўлишларига асло йўл қўйманг. Бола хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, унинг тарбиясига яхши аҳамият бериб, комил одам деб айтарлик бир ҳолга келтиришга ғайрат қилинг, бу ҳар бир ота-онанинг муқаддас вазифасидир.

Биз Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 301-болалар боғчасида 6-7 ёшлиларни мактабга тайёрлашдаги тажрибамизни бошлашдан олдин мураббий ва ота-оналар билан ўтказган сўхбатларимизда Президент Ислоҳ Каримов фикрлари асосида, шарқшунос олим Шорасул Зуннуновнинг «Донишмандлар тарбия хусусида», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур» китобларидан фойдаланган ҳолда бола тарбияси ҳақида юқоридаги фикрларимизни баён этдик. Сўхбатларда ота-оналарнинг бола тарбиясидаги тажриба ва билим даражаларини аниқлаб олишга ҳаракат қилдик. Болалар билан ўтказган сўхбатларимизда уларнинг ахлоқ, одоб ҳақидаги тушунчалари даражасини аниқладик.

Бола тарбияси ҳаммамизнинг шарафли ва муқаддас бурчимиздир. Яхши тарбия ширин мевалар беради.

Нодира АХМЕДОВА

Сарвиноз ҚОДИРОВА

Янги саҳнавий кулгилар

Комедия бошқа драматик жанрлар қаторида ҳаётий зарур муаммоларни ҳал этади. Уни бошқа жанрлардан ажратиб турадиган белгиси эса ифода воситасидир. Комедиянавис ҳаётдаги кулгили воқеаларни илғай олиши ва уни баъзан завқли, гоҳ эса аччиқ тил билан баён этиб, томошабинни кулдира билиши керак. Ҳажвий асарлар одамларни кулдириши, кулдириб туриб йиғлатиши ҳам мумкин. Бас шундай экан, бу жанрга мурожаат этган ҳар қандай режиссёр ва актёр комедиянинг мана шу хусусиятларини оча олиши даркор.

Ҳамза номидаги академик драма театри репертуарида, актёрлик ва режиссёрлик санъатининг ривожланишида комедия муносиб ўрин эгаллаб келган. Театр саҳнасида нафақат ўзбек комедиянависларининг асарлари, шунингдек, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналари, рус ва қардош халқлар адабиёти намояндаларининг бир қатор асарлари қўйилиб келган ва қўйилмоқда. В.Шекспирнинг «Вероналик икки йигит», Н. Гоголнинг «Ревизор», «Уйланиш», А.Н. Островскийнинг «Ҳар тўқисда бир айб», К.Гоццининг «Бахтли гадолар», Т.Минуллиннинг «Алмандар» асарлари шу жумладандир. Комедия саҳнасида ҳам театр муайян тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бир замонлар кулги кулги учун бўлган. Тараққиёт давомида комедияни саҳналаштиришда, ижрода образга чуқур сингиш, мақсадга мувофиқ кулги уйғотиш юзага келди. Актёрлар комедияда орттирган тажрибаларини бошқа шаклдаги спектаклларда ҳам қўллайдиган бўлишди.



«Афандининг беш хотини» спектаклидан кўриниш.

90-йиллар... Истиклол туфайли юзага келган ижодий эркинлик театрларимиз фаолиятида ҳам ўз аксини топа бошлади. Аммо театр соҳасида хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини таъминлаш ва бошқаришга ўтиш жараёни анча қийин кечмоқда. Эндиликда театрлар кассабоп спектаклларни саҳналаштириб, харажатларини бир даража қоплаш чораларини кўрмоқдалар. Мана шундай шароитда ҳамма вақт ҳам бадий савия устида бош қотириш имкони бўлмаётгани кишини бироз ўйлантириб қўяди.

Азалдан маълум, ўзбек халқи театр санъатини, ҳаммадан ҳам комедия жанрини жуда ёқтиради. Жамиятда, ижтимоий ҳаётда зиддиятли давр юзага келса, драматурглар ва театр жамоаси комедия санъатига мурожаат этаркан. Қолаверса, комедияни саҳналаштириш, тарихий саҳна асарини саҳналаштиришдан кўра камроқ сарф-харажат талаб қилади. Демак, театр учун комедия саҳналаштириш ҳар томонлама қулай. Аммо бу ҳам асосий сабаб эмас.

Мустақиллик йилларида атоқли шахсларга бағишланган бир қатор тарихий драмалар ёзилди ва саҳналаштирилди. Бироқ улар театр репертуарида узоқ турмади ёхуд томошабин тушмай қўйди. Албатта, бунда фақат театр жамоаларини айблаш инсофдан эмас. Гап шундаки, тарихий драмалар томошабинлардан муайян тайёргарликни талаб қилади. Ёритилаётган даврни, тарихни, қаҳрамонни, воқеаларни қисман бўлса-да билиши керак. Ҳамма томошабин ҳам бундай имкониятга эга эмас. Комедия спектаклини кўрганда томошабин мириқиб кулади ва бироз

бўлса-да, ҳаётий муаммоларни эсдан чиқазгандай бўлади. Спектаклдан сўнгина баъзи мулоҳазаларга бориши мумкин. Муҳими шундаки, комедик асарда қай йўсинда бўлмасин, замонавий мавзулар, ҳаётда бўладиган воқеа ва ҳодисалар ёритилади. Томошабинларнинг бундай асарларга кўпроқ интилишининг боиси ҳам ана шунда.

Сўнги йилларда театримиз репертуаридан мумтоз, таржима асарлар ўрнини миллий комедиялар кўпроқ эгаллай бошлади. Бу қувончли ҳодиса. Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, бу асарларнинг барчаси ҳам юқори савияда ёзилган деб бўлмайди. Тўғри, 80-йилларда комедияда С. Аҳмад, Х. Фулом, М. Бобоев, Ш. Бошбеков, М. Хайруллаев, Х. Муҳаммад, Ҳ. Расул қалам тебратдилар. 90-йилларга келиб уларнинг қаторига С. Салоҳиддинов, И. Содиқов, К. Аваз, Э. Хушвақтов, С. Имомов қўшилишди. Бироқ комедиянависларнинг сони ортиши комедия санъатининг тараққиётига, жанр ривожига у қадар таъсир қилмади.

Ҳамза номидаги академик драма театри бошқа театрлар, айниқса, вилоят театрлари учун доимо мактаб, ибрат манбаи бўлиб келган. Отахон театр тарихидан шу нарса маълумки, унинг репертуаридан камдан-кам ҳолда тасодифий асарлар ўрин олган. Репертуарни танлаганда театр раҳбари, режиссёр мутаносибликни сақлашга ҳаракат қилганлар. Театр репертуарида доимо бир-икки таржималар, ўзбек драматургларининг асарлари, тарихий драмалар ва ниҳоят камдан-кам комедия саҳналаштирилган.

Мустақиллик шарофати билан комедиялар кўпайди, комедиянависларнинг сони ортди. Биргина Ҳамза театрининг репертуарини кўздан кечирадиган бўлсак, 90-йилларда ўнга яқин миллий комедиялар сахналаштирилганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, таржима қилинган комедиялар ҳам бор. Шунинг ўзиданок комедия санъатидаги силжишни сезиш мумкин. Албатта, санъатда гап сонда эмас, сифатда бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, мазкур асарларнинг савияси, характерларнинг ишлатиш даражаси, сахналаштириш услублари ҳам хил. Зеро, комедияда қалам тебратган драматурглар орасида тажрибалилари ҳам, драматургияга энди-энди кириб келаётган ёшлар ҳам бор.

Ҳамза театрида азалдан комедия санъатига нисбатан эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Театр «академик» деган унвонни ҳимоя қилгани ҳолда бўлар-бўлмас кулги уйғотувчи комедияларни эмас, балки чуқур ижтимоий мазмунга, мукамал характерлар билан сахналаштирилган. Масалан, Н. Гоголнинг «Ревизор», Уйғуннинг «Қалтис ҳазил», А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш», Рамз Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» комедиялари ва ҳрказо. Аммо қанча эътибор бериб сахналаштирилмасин, ҳар бир янги комедия катта тортишувларга сабаб бўларди, тузатиларди, баъзан ҳатто тақиқлаб қўйиларди. «Қалтис ҳазил»дан тортиб «Келинлар кўзғолони»гача ўз бошидан мана шундай баҳс-мунозараларни кечирган. Чунки тузум шунақа, замон шунақа эди. Раҳбарга, айниқса, партия корчалонига тил теккизиш мумкин эмас эди, ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари, манзараларини кулгили қилиб тасвирлаш шаккоклик ҳисобланарди. Комедияда ҳам ижобий қаҳрамон бўлиши ва у воқеаларда ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур деб қараларди.

Хўш, ҳозир аҳвол қандай? Мустақиллик туфайли мана шундай тазйиқлар ва тақиқлашлар барҳам топди. Драматург ва театр истаган мавзуда, истаган жанрида асар ёзиб, сахналаштириши мумкин. Нафақат маиший, ижтимоий ҳаётдан ҳам керакли воқеаларни кулгили воситалар билан ёритиши, мансабдор шахсни ҳажв қилиши ман этилмайди. Чинакам ижодий эркинлик муҳайё. Лекин ижодий эркинликдан оқилона фойдаланган маъқул.

Театрларнинг драматурглар комедия ёзишмаяпти деб айблашларига асослари бўлмаса керак. Кўплаб ко-

медиялар майдонга келди. Аммо мазкур комедияларнинг аксарияти маиший мавзуларни ёритади. Албатта, муаллифлар уларда оилавий, маиший ҳаёт тасвири билан ўралашиб қолмасдан, ижтимоий кенгликка чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин барибир жанр талаблари ўз ишини қилади.

90-йиллар Ҳамза театри учун комедия жанрида жуда баракали давр бўлди. Бирин-кетин «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома» (Ҳ. Муҳаммад), «Афандининг беш хотини» (И.Содиқов), «Чимилдиқ» (Э.Хушвақтов), «Ҳаёт эшик ортида» (С. Сирожиддинов), «Шайтон ва фаришта», «Эргинамнинг орзуси» (С.Имомов), «Боши қотган ошиқлар» (Ҳ. Расул), «Энага» (М. Хайруллаев) комедиялари сахналаштирилди. Рўйхатни кўриб-қараганда одамнинг кўзи қувонади. Бирок, минг афсуски, нафақат Ҳамза театрида, балки бошқа пойтахт театрларида ҳам мумтоз комедиялар сахналаштирилмади. Биргина Ёш томошабинлар театрида сахналаштирилган Мольернинг «Учар табиб»и (Ш. Бошбеков тадбири, О.Салимов талқини) бундан мустасно.

Ҳамза театрининг 90-йиллар репертуарини Ҳайдар Муҳаммаднинг «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома» комедияси бошлаб берди. Асар жуда оддий, ҳаётий ҳангомадан бошланади. Бу ўринда драматург диққатимизни яна бир ҳаётий муаммога тортади. Баъзи бир эркаклар оилада ўз ўрнини топа олмаган. Натижада аёл ҳам оила бошлиғи, ҳам она, ҳам хотин вазифасини бажаради. Мана шундай аёллардан бири бўлмиш Ҳалимаҳон хиёл кайф таъсирида ҳазил аралаш эрини гап ўтаётган уйнинг бекаси, бева Саломатхонга сотиб юборади. Мана сизга ҳангома. Ҳаётда бундай бўлмас дерсиз. Тўғри, бу ўринда драматургнинг хаёли ишга тушган. Томошабин ҳангома нима билан тугар экан деб тоқатсизлик билан кутади. Комедияни турлича яқунлаш мумкин эди. Бирок драматург аънанавий йўлдан борди. Ҳалимаҳон қилган ишидан пушаймон. Саломат дугонасига бевалик, ёлғизлик нақадар оғир эканини кўрсатиб қўяди. Майибми, мубталоми, ёнингда эркак бўлсин. Жуда жўн сюжет. Хўш, нима сабабдан шу кунгача мазкур спектаклга томошабин тушмоқда ва театр репертуарида сақланиб келмоқда, деган савол туғилади. Ҳамма гап ажойиб актёрлар, аниқроғи, актрисалар ансамблининг бир спектаклда жамулган бўлганлигидадир. Агар режиссёр М. Азизов комедия талқинида сахна кулгисининг бўрттирма, киноя каби ранг-

баранг воситаларидан фойдаланганда спектакль янада қизиқарли чиқарди. Балки асар ҳам бундай ечимга асос бермагандир. Бироқ нима бўлганда ҳам режиссёр воқеалардан келиб чиқиб, ажойиб комик ҳолатлар, эсда қоладиган характер-типлар яратиши мумкин эди. Ўшанда спектакль ўртамеёна асар бўлиб қолмасди. Афсуски, спектаклда гап кўп, бақирқачақириқлар кўп, зўраки кулгилар кўп. Пьеса ҳам, спектакль ҳам пухта ишланмаган кўринади. Айниқса, комедиянинг тили, бошқа тасвирий воситаларини меъёрига етказиш керак эди.

Драматург И.Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» комедияси ҳам Ҳамза театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олди, 1991 йилдан буён бетўхтов томошабинларни хушнуд этиб келмоқда.

Насриддин афандининг Фотима деган суюкли хотини бор. Нима бўлади-ю, афанди подшо билан баҳслашиб қолади. Хотинларга бир ўзи бас келишини айтиб гаров ўйнайди. Эртасига подшо тўрт хотинни афандига ўзи тортиқ қилган янги ҳовлига юборади. Афандининг топқирлиги устун келадими ёки хотинларнинг макрими? Ҳамма шов-шув мана шу ҳолатдан келиб чиқади. Бир хотиннинг макри қирқ туяга юк бўлади, деганларидек, хотинлар афандининг адабини беришмоқчи, аёллар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўйишмоқчи бўлишади. Афандининг боши қотган. Хотинига вафодор, шу сабаб домлага эмас, бир бангига ниқоҳ ўқитади. Ниҳоят, томоша охирида афанди эшаги ва хотини Фотимани олиб, қолган хотинларини ташлаб боши оққан томонга қараб йўл олади ва «тан бердим, лекин енгилганим йўқ» деб хитоб қилади.

Асарда ҳеч қандай жиддий муаммо, зиддиятлар, эзилганлар ва эзувчилар ўртасидаги кураш ҳам йўқ. Асардаги зиддият афандининг мақтанчоқлиги билан хотинларнинг макри ўртасида қурилган.

Муҳаббат Тўлахўжаева фикрича, «Ҳозирги сахна санъати ривожини икки йўналиш белгилайди: бу масхарабозлик, томошавийлик услубидаги театр-ўйин ва инсон, унинг ҳаётдан тугган ўрни ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритувчи бадиҳағўйлик театридир». Театрда энг аввало томошавийлик бўлиши даркор. Балки спектаклларнинг сахнада узоқ умр кўришига, томошабин қалбидан жой олишига ҳам айнан мана шу томошавийлик сабабдир. Ҳозирда режиссёрларимиз замонавий комедияларни сахналаштиришда халқ томоша

санъати услуб ва воситаларидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу аниқ бир мавзуга асосланган ҳолда томошаларнинг негизини режиссёр услуби, анъанавий майдон театрига хос хусусият бўлмиш эркин умумлашма ва бадиҳагўйликка асосланган актёр ижросидир. Томошабин театрга келганда нафақат ақлли гапларни эшитиши, шу билан бирга томошада ўтирганини ҳис қилиши, кези келганда унинг иштирокчисига айланиши лозим.

Айнан мана шу хусусият тилга олинган спектаклларда кўзга яққол ташланади. Режиссёр М.Азимов томонидан саҳналаштирилган ҳар икки комедия ҳам маиший мавзуларни ёритиши, актёрларга топқирлик ва илҳом, эркин ижод қилишлари учун кенг имконият яратиши билан ажралиб туради. Айниқса, «Афандининг беш хотини» комедияси шу жиҳатдан эътиборлидир. Ижроларда ранг-баранглик: бўрттирма ҳам, киноя ҳам бор.

Кейинги йилларда Ҳамза театрининг томошабинлари ўзларининг дам олиш кунларини, байрамларини «Чимилдиқ» сиз ўтказмайдиган бўлиб қолишди. «Чимилдиқ» кўрсатиладиган кун чипта анқонинг уруғи, театр томошабинлар билан гавжум. Ҳўш, бунинг сири нимада? Мазкур асар айнан театрда қиёмга етказилган. Мана шу ўринда Ҳамза театрининг драматургия лабораторияси бўлиб келганлиги ёдга тушади. Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмаднинг драматургиядаги изланишлари айнан Ҳамза театри бағрида амалга ошган эди. Эркин Хушвақтов ҳам Ҳамза театрида ишласа-да, драматургиянинг сир-синовларидан воқиф эмасди. Кутилмаганда унинг биринчи «Чимилдиқ» асари фавқуллоҳда катта шухрат қозонди. Сабаби, пьеса театрда пишиб етилди. Саҳналаштирувчи режиссёрлар Т.Азизов билан М.Абдуллаева асар мазмунини очишда унга лойиқ услуб топа олдилар. Спектакль жанри фольклор-этнографик томоша деб белгиланди, шунга яраша воситалар излаб топилди. Унда уйланиш маросими, у билан боғлиқ урф-одатлар, ўйинлар, қўшиқлар шунчаки ташқи воситалар эмас, балки образлар ва воқеаларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Томошавийлик жиҳатидан «Чимилдиқ»ни С. Аҳмаднинг Ҳамза театрида саҳналаштирилган «Келинлар кўзғолони», Ҳамзанинг Фарғона театрида қўйилган «Тошкентга саёҳат» (Б.Омонов талқинида) комедиялари қаторига қўйиш мумкин. Зеро, уларда ҳам йирик ижтимоий мавзулар эмас, маиший масалалар акс эттирилади. Маз-



«Чимилдиқ» спектаклидан кўриниш

кур асарларнинг катта шухрат топишида драматургларнинг хизмати катта, албатта. Аммо режиссёрлар Б. Йўлдошев, О. Салимовлар топган саҳнавий ечим ҳал қилувчи роль ўйнаган. «Чимилдиқ»да Т.Азизов ва М.Абдуллаева ижрочиларга ижодий эркинлик учун кенг имконият яратганлар. Саҳнага ҳаётнинг бир бўлаги олиб чиқилгандай тасаввур ҳосил бўлади. Театр уйланиш билан боғлиқ маросим ва урф-одатларни кўрсатиш билан бамисоли ўзбек халқининг умумлашма қиёфасини яратгандай. Томошабин билан саҳна ўртасидаги девор томоша давомида олиб ташлангандай туюлади.

«Чимилдиқ» бекаму-кўст демокчи эмасми. Муаллифнинг тажрибасизлиги баъзида сезилиб қолади. Айрим саҳналарда сўз, ҳикоя кўпайиб, хатти-ҳаракат камлик қилиб қолади. Бироқ актёрларнинг самимий ижроси, режиссёрларнинг топилмалари бу нуқсонларни ювиб кетади.

Мустақиллик туфайли спектаклларда миллийлик ҳаёт талабидан келиб чиққан ҳолда уфуриб турадиган бўлди. Саҳнада Оврупо театри унсурлари билан анъанавий ўзбек майдон театри воситалари ҳамоҳанг ҳолда намоён бўлади. Албатта, бу ўринда бир хусусиятни унутмаслик лозимки, режиссёр учун ҳам, умуман театр учун ҳам халқ томоша санъати, майдон томошаси услуби бир йўналиш, холос. Бу деган сўз ўзбек театри айнан мана шу йўлни, услубни танлаши керак, бошқаси ярамайди, дегани эмас.

Комедиянинг жиддий шаклларини ўзлаштиришга интилиш ҳам кўзга ташланди. С.Сирождидинов «Ҳаёт эшик ортида» комедиясининг жанри-

ни «маъюс комедия» деб белгилади. Тўғриси, асар кўпроқ лирик комедияга ўхшаб кетади. Ойликка яшовчи шоир, бўм-бўш хона, қаҳрамонимиз топган пулини хайрия жамғармаларига улашгани-улашган. Уй ташвиши, рўзғор билан иши йўқ. Хотини эса эл қатори чиройли, бекаму-кўст ҳаёт кечиритишни хоҳлайди. Шундай бир вазиятда жаннатмакон Оқ момо шоирга учта тилак айтишга рухсат этади. Шоирнинг айтганлари ушалади, бироқ ҳаловати йўқолади. Натижада эр ва хотин бу нарсалардан воз кечиб, ўз ҳаловати ва осуда ҳаётларини қўмсашади. Ҳаёт бундай лаш-лушлар билан обод ва нурафшон эмас, ҳаётнинг мазмуни илмга интилиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш, ёш авлодни тарбиялашдадир. Спектаклда Оқ момо мавзуси воқеаларга оз бўлса-да ҳаёлотни киритган. Оқ момо — бу инсонлардаги виждон ва диёнат, инсоф ва ҳалоллик рамзи. Уни кўрмаймиз, бироқ овозини эшитамиз. Бу ҳам ўзига хос, примитив бўлса-да, комедиографнинг услуби. Инсонлар, шукур қилиб яшанлар, ўшанда тинч бўласиз, ҳаловатингиз бузилмайди — спектаклнинг асосий гоёси шу.

Спектаклда турли ижро услублари бирлашганининг гувоҳи бўламиз. Бу ерда лирик кечинмаларни ҳам, ҳажвий-сатирик персонажларни ҳам учратиш мумкин. Спектаклни Ёдгор Саъдиев саҳналаштирган. Авваламбор, ҳозирги кунда актёрларимизнинг режиссурага қўл уришлари диққатга лойиқ. Гарчи Ё.Саъдиевнинг тажрибасизлиги сезилиб турса-да, режиссурада ўзини синаб кўриши эътиборлидир.

Кейинги йилларда комедиографла-

римиз сафига ўзига хос иқтидорга эга драматург С.Имомов ҳам келиб қўшилди. Унинг «Сойиб Хўжаев операцияси» («Тухум операцияси»), «Суперқайнона» мусиқали комедиялари, «Шайтон ва фаришта» (2 пардали замонавий ривоят), «Эргинамнинг орзуси» каби сахна асарлари Муқимий ва Ҳамза театрларида қўйилди. Ёш драматургнинг илк сахна асарлари бирданига академик театр раҳбарияти диққатини ўзига тортгани бир даражада ҳайратга солади ва фикрлашга ундайди. Авваламбор, бир йилда икки пойтахт театрида бир драматургнинг икки асари сахналаштирилишининг ўзи ҳодиса. 1999 йили Муқимий театрида «Суперқайнона», Ҳамза театрида «Эргинамнинг орзуси». Бу драматургнинг ютуғидан далолат беради. Иккиламчи, С.Имомов «Шайтон ва фаришта» асари учун 1998 йилнинг энг яхши драматурги деб тан олинди. Бу ҳам бежиз эмас. С.Имомовни драматург сифатида атрофдагилар кузатадиган, бироқ эътиборсиз қолдирадиган, кундалик, ҳаётий муаммолар ва шунинг асосида юзага келадиган фалсафий мушоҳадалар безовта қилади. Бу эски, сийқаси чиққан мавзу, бу ҳақда ҳамма гап айтилган деганингизда, мазкур драматург уни бошқача талқин этади ва томошабинга ҳавола қилади.

«Шайтон ва фаришта» асарида драматург томонидан ажойиб вазият топилган. Шу кунларда инсонларнинг нималарга қодир эканлигини бир томонда фаришта, бир томонда шайтон синайди. Афсуски, ҳирс, ҳою ҳавас меҳр-шафқат, инсонийлик каби хислатлардан устун чиқади. Одамлар фариштани ҳайдаб, шайтон макрига учадилар. Лекин драматургнинг умид нишонаси бор. У ҳам бўлса, шу хонадоннинг фарзанди - Суръат, фариштани қай йўл билан бўлса ҳам олиб қолишни, акс ҳолда фалокат ёқасида турганликларини айтади. Фаришта лол.

С.Имомов ўз асарини икки пардали замонавий ривоят деб белгиланган. Бироқ театр уни сатирик комедия тарзида талқин этди. Ҳар бир ижодкор ҳаётий воқеаларни ўз тажрибаси, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ўзига маъқул кўринишда акс эттиради. Ҳар бир асарнинг муаллиф томонидан белгиланган жанр йўналиши бўлади ва у сахнавий талқинга таъсир кўрсатади. Аммо режиссёр асар жанрини қабул қилиши ёхуд инкор этиши мумкин.

1999 йилда Ҳамза театрида сахналаштирилган «Эргинамнинг орзуси» комедияси ҳам томошабинлар эъти-

борига тушди. Комедия икки актёр учун мўлжалланган бўлиб, театр уни моноспектакль тарзида талқин этган. Пьесада эркак билан аёл муносабатлари ўз тасвирини топган. Бу ҳам янги мавзу эмас. Бироқ муаллиф уни бошқа услубда томошабинга ҳавола этади. Эркак аёлидан норози. Хотини уй-рўзгор ишлари билан банд бўлиб, ўзига оро беришга ҳам вақти йўқ. Эркакнинг кўнглига теккан бу ҳолат. Драматург ўз вақтида аёл ҳар қандай шароитда ҳам аёл эканлигини унутмаслиги, эри учун доимо топишмоқ, жумбоқ бўлиб қолиши лозимлигини уқтирмоқчи бўлади. Хотин эрнинг қистови туфайли у истаган, ўта замонавий аёлга айланади. Эр қилган ишидан пушаймон, аввалги истараси иссиқ, уйим-жойим деб куйинадиган аёлини кўмсайди. Спектакль давомида аёлнинг ўзгариши бу эрнинг тушида бўлганини англаймиз. Эр ўзида йўқ хурсанд. Драматург бу комедиясини эркаклар аёлигизни асранг, аёллар эркакларни асранг деб тугаллайди. Актёрлар Ж.Зокиров ва Г.Зокировалар учун ўз актёрлик маҳоратларининг турли қирраларини очишга имконият туғилган.

Драматург Ҳ. Расул «Боши қотган ошиқлар» асарини комедия деб белгилашга белгилади-ю, бироқ воқеаларни шу жанр талабларига жавоб бера оладиган қилиб тасвирлай олмади. Бахмал қишлоғига табиат манзараларини чизиш учун рассом йигит — Куёш келади. Бу ерда у Юлдуз исмли қишлоқ қизини учратиб қолади. Улар бир-бирларига кўнгили кўядилар. Лекин айнан мана шу муҳаббат қандай юзага келганлиги бизга қоронғу. Драматург томонидан шунга ёнма-ён яна бир муҳаббат кўрсатилади — бу Юлдузнинг буваси билан Хури ая ўртасидаги муҳаббат. Кампир билан чол анчадан буён бир-бирларини ёқтиришади. Чол тушмагур айтишга бетламайди, кампир эса сир бой бермайди. Ёшларнинг туйғуларига қараганда кексаларнинг ўзаро муносабатлари ишончлироқдир. Учинчи жуфт ошиқлар бу — Ҳаққул билан бойвачча келин. Уларнинг муносабатлари умуман курақда турмайдиган уйдирма. Хуллас, ҳамма ошиқ, ҳамманинг боши қотган.

Пьесаларда яхшими-ёмонми, рангбарангликка интилиш бор. Афсуски, сахнавий талқин ҳақида бунини айтиш қийин. Режиссёрлар янги ечим, янги ифода воситалари излаб ўтирмайдилар ҳам. Кўп ҳолларда актёрлар маҳоратига таяниш билан чекланиб қўя қоладилар.

Ҳамза театрида мустақиллик даврида етарли миллий комедиялар

сахналаштирилди. Улар бадий савия жиҳатдан бир даражадаги комедиялар эмас. Маънавият эмас, кўпроқ иқтисод мақсадида сахналаштирилган асарлар ҳам бор. Асар танлашда талабни бир оз кучайтириш лозим деб ўйлаб қолсан, киши. Ахир, бу академик театр! Тўғри, театр раҳбарларини ҳам тушунса бўлади. Мумтоз таржима асарлар ёхуд тарихий драмалар қўйилган кун театрға ўнга яқин томошабин тушса-ю, комедия қўйиладиган кун зал тўлса, бунини қандай изоҳлаш мумкин. Бироқ санъатда маънавият барибир иқтисоддан устун туриши керак.

Театр томошабинни тарбиялаши ва ўз ордидан эргаштириши лозим. Бироқ кўп ҳолларда бунинг аксини кўрамиз. Театр диди паст, тайёрланмаган томошабинга спектакллар қўйишга ва ўйнашга одатланиб қолмаётганмикин деб ўйлаб қолсан, киши. Томошабин зални тўлдириб ўтириши бу комедия зўр дегани эмас-ку. Баъзи бир томошабин бармоғини кўрсатсанг ҳам кулавереди. Бинобарин, вазифа комедиялар савиясини кўтариш, тасвирий воситаларини бойитишдан иборатдир.

Бирин-кетин комедияларни кўриш натижасида шу нарсага аҳамият бердимки, актёрлар айнан комедия асарларида ўзларини худди сувда сузган баликдай эркин тутадилар. Кулги уларнинг миллий табиатида бор. Аммо комедиялар йиллаб ўйналавергани сайин актёрлар қаҳрамонлари характеридаги янги қирраларни, кулги ҳолатларини пайқамай қоладилар. Натижада қайтариқлар, қолиплар ёки бўлмаса томошабинни кулдиришга мўлжалланган бачки хатти-ҳаракатлар, қилиқлар юзага чиқади.

Энг ачинарлиси шуки, бу йилларда ҳақиқий, фолш этувчи сатирик комедиялар ёзилмади ва сахналаштирилмади. Ҳолбуки, сатира томошабинни бойитади, режиссёр ва актёрлар учун чинакам ижод манбаидир. Театр неча йиллаб Мольер, Гоголь асарларига, умуман, жаҳон классик комедияларига ёхуд ўзбек комедиографларидан А.Қаҳҳор асарларига мурожаат қилмай қўйди. Бу эса ўз вақтида ижро маҳоратига, режиссура савиясига таъсир этмай қўймади.

Биз биргина Ҳамза театри сахнасида мустақилликдан сўнг яратилган комедиялар борасида фикр юритдик. Чунки бу театр нафақат пойтахт, балки вилоят театрлари учун доимо маёқ бўлиб келган. Айнан мана шу ҳолат отахон театрнинг комедия санъати борасидаги ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр юритишимизга асос берди.

**Абдулхамид
СУЛАЙМОН —
ЧЎЛПОН**

Хозир «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарининг театру эълонлари қисмини ўқигонлар «Хамза» театри эълонларига ҳам кун дуч келадилар. Театрнинг дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни томоша бор. У эълонларни ўқувчилар бизнинг театримизда ҳам, бошқа маданий халқларнинг театрлари сингари бир асарни бир мавсум ичида қайта-қайта кўйилганини кўрадилар. Агар ҳафсала қилиб, бир асарнинг бир неча кўйилишига келсалар, театру залини ҳеч вақт томошачидан ҳоли кўрмайдилар. Ўзбек томошабин оммаси ҳар қандай театру асарини ҳозир, иттифоқнинг бошқа ҳамма томошабинлари сингари тегишли диққат ва ихлос билан қаршилайди. Томошанинг ўзини тайёрлаш ҳар нарсадан қийин бўлган «Падаркуш» (Маҳмудхўжа Бехбудий) даврларида эмас, ҳатто «Шайх Санъон»дай нарсалар саҳнага чиқарилган Карл Маркс тўдаси даврларида ва, ҳатто, мундан 7-8 йиллар илгари ҳам юқори айтилган ҳолни фақат ширин хаёл қаторида тасаввур қилиш мумкин эди. Мана шу кичкинагина масаланинг ўзи ҳам театримизнинг шу қадар оз фурсат ичида хатлаб ўтган узун масофани очик кўрсатадир.

Театрумиз Маскавнинг биринчи студиясини тугатган ўртоқлардан иборат ўлароқ, мундан етти йил бурун (1927да) Самарқанд шаҳарида тузилди. Унга қадар ўтилган даврни қолдириб туриб, ундан кейин ўтган шу 7 йил ичида менинг кўз олдимда ўтган гўзал бадиий образларни бир эслаб ва эслатиб ўтмоқчиман.

Сўз актёрларнинг айрим гўзал ўйинлари устида.

«Турандот» студиянинг мактаб китоби қаторида бўлганидан табиий, сўз ўшандан бошланади. Унда кўзга энг илгари келиб тўқтайтурғон бадиий ўйин Аброрнинг Қалафи, Соранинг Аделмаси эди. Ҳатто Маскавнинг ўзида Турандотнинг сўз маши (қироати) кетаркан, Сорадаги драматик қувват вахтанговчи муаллимлар билан бирга ҳаммамизни дарров ўзига жалб этган эди.

Сора қироат чоғида ролни тўла маъноси билан драматик қилиб ўқиди. Шу учун Аделма ролида Сорага эркинлик бериш, яъни драматик қилиб ўйнашни қабул қилиш истақлари ҳам синалар эди. Фақат бу нарса кўйилманинг туб йўлига зид бўлганидан Соранинг ипини тортишга тўғри келди. Шунда Сора тор чорчўплар ичинда сиқила-сиқила яна ролнинг драматик жиҳатларини бўрттирди, мумкин қадар кавартирди ва кучли олқишларни ҳам шунинг учун олди. Эсимда, Ўзбекистон коммунистларининг синоқта раҳбари Акмал ака шу томошадан кейин Сорани чақир-

Мен Бевган

тирди ва бир-икки ташвиқловчи сўз айтди. Ўзбекистонга келгандан кейин ҳам Соранинг индивидуал қуввати — Аделма ролни драматик асослар устида олиб боришга зўр берди. Шу учун кўйилманинг асосларидан келиб чиққан ҳолатлар билан Соранинг руҳий майллари ўртасида кураш чиқар эди. Натижада кўйилманинг асосий йўли зўр келар ва Соранинг таъсирли монологлари никобдорларнинг шўхлик шовқинлари остида кўмилиб кетарди.

Мен Аделма ролида Сорадан кейингиларни ҳам кўрдим. Бугунги Аделмада ҳам драматик майллар йўқ эмас. Фақат Аделмани яна ҳам шиддатли ва ўткир қилиб кўрсатадиган бу кунги оброр Сорадаги қадар чархланиб қайралган ва эговланган эмас. Унга албатта вақт керак.

Сорадаги майл Аброрда йўқ эди, деб бўлмайди. Қалафнинг Турандот сувратига ошиқ бўлиши чоғларида, сўнгра зиндон пардасида Аброр ҳам асарни жиддий драматик релсларига солиб кўрди. Фақат Аброр, ўзимизнинг эски Аброр, уни Сорадан кўра устароқ ва эпчилюроқ қиларди. Турандот суврати устида бир оз вақт жуда яхши ва тамом драматик ўйин бергандан кейин, у бирданига уйғонгондай бўлар ва буюқ Вахтанговнинг кучли афюнига берилиб яна ўйинга, ҳазилга қайтарди.

«Турандот»да Аброрнинг қўлига дутор берганлар. Аброрда бўлган бояғи майлдан беҳабар бўлсалар керак.

Икки оғиз сўз Турандот хусусида: марҳум Турсунной таланти артисткамиз бўлса ҳам Турандот ролига сингишмаган эди. Турсуннойдан сўнг ўйновчилар орасида ундан дурустлари бўлди. Фақат Турандот ҳалигача ўз кишисини тополгани йўқ.

«Ёрқиной» пьесаси устида қанча танқид қилинмоғи мумкин. Ёзувчи кўнади. Фақат Етим томонидан яратилган Кал ролига индамасдан қўл кўтаришдан бошқа чора йўқ. Етим «Ёрқиной»да ўзбек саҳнасида тенги йўқ бир образ яратди. У образнинг ўзи устида мувоҳаса бўлиши мумкин. Эски достонлардаги Доғули образини Етим Америка киностудияларидаги тез сурьатли ўғри ёки жосуслардай берди. «Мунча тезлик ва чаққонлик», — деганлар бор. Мен бу жанжаллик масалани музокара қилмоқчи эмасман. Мен фақат шунингизга дейманки, ўша эътирозчи ўртоқларим Етимнинг тўла ва мукаммал Кал яратганини инкор қилмайдилар. Дарҳақиқат, уни инкор қилиб бўлмайди. Сўнгра мен Етимни «Баговат»да кўрганман. Қамчи билан

этгига урувчи бойбачча офицер. У ўзининг юриши билан ўша офицерга бошқача бир характер беради.

«Қарол»да («Икки бойга бир қарол» — Т.Т.) Етим берилиб, астойдил ўйнамади. Чунки кўйилма унга ёқмасди. Шу учун бу моҳир актёр унда ўзини кўрсатолмади. Унинг Бригелласи хом узилган нонга ўхшарди. Айб ўзида.

Ҳозир Етим режиссёрликка кетди. Мен театримизнинг баҳти учун Етимни актёрликдан бергим келмайди.

«Хужум»ни Ян ва мен билан бирга Лутфулла яратган десам хато бўлмайди. Нима деса, десинлар, парда очилгач, саҳнада актёрдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Муҳаррирлар биринчи қаторда (залда), кўювчи дирекция ложа-сида, рассом кулис кетида қолади. Саҳнага актёр чиқиб, томошачига актёр кўринади. Томошачи асарни актёрдан олади.

Лутфулланинг Эшони турмушдаги эшонлардан эмас. «Хужум»нинг ўз кўйилмаси ҳам турмушдан нусха олмайди. У турмушдан кулади, турмушнинг ёмон тарафларини масҳара қилади. Шу қарашдан қараганда Лутфулланинг Эшони тенгсиз асарлардан. Бошқа бир фурсатда Лутфуллага алоҳида бир-икки бет бағишлайдурғон жойим бор. Шу учун уни фақат зикр қилибгина ўтаман.

Саъдихоннинг жиддий роли «Терговчи»да Бобчинский эди. Кейин «Портфелли киши»да катта бир рол олди. Иккала ролни ҳам Саъдихон берилиб, астойдил ўйнади. Фақат унинг юлдузига тўғри келган асар яна «Хужум» бўлди. Саъдихоннинг Табиби (айниқса мастлик пардаси) бутун ва мукаммал асардир. Унинг бошқа биров тарафидан такрор қилиниши мумкин эмас. Бу образ яхши иқлим сингари Саъдихонга яқин ва унинг маҳоратларини очиб беради. Табиб образи билан саҳнамиз Саъдихонни қозонган бўлса, Саъдихон ҳам ўз шухратини ўша образ билан топган.

Тобора ўсаётган бу актёрга «Ҳамлет»да жуда дадил бир нарса тақлиф қилганлар. Кўрайлик, нима чиқар экан. Мен Саъдихоннинг кучига шак келтирмайман. Фақат унга бериладиган ролнинг характериға қараб дейманки, Маскав вахтанговчилари томонидан қилинган муваффақиятсиз ва келишмаган таъбир бизнинг саҳнамизда ҳам вахтанговчилар эришган салбий натижага олиб бормасин.

Бу синалган актёр ва актрисалар қайси бир маданий театрнинг яхши актёрлари қаторига қўйганингизда юз

азаматлар

қизартмайдиган кучларимиз. Буларни шу қисқа муддат ичида улуғ инқилоб етиштирди. Инқилоб кечагина сахнада ўйнаб ётган актёри залдаги халқ чувиллаша, залга қараб «чувиллашманг» деган бир халқнинг орасидан шундай катта ва мукамал, бутун маъноси билан маданий актёрларни етиштирди. Ленин-Сталин миллий сиёсатининг шубҳасиз ютуқлари орасида бизнинг шул театримиз энг катта ва кўзга кўринарлик ютуқлардандир. Бунга юқорида саналган азаматларнинг ҳар бири жонлиқ гувоҳ. Шу театрнинг тузилишида бир оз араллашиб қолганим учун бугун ўзимни ҳам энг бахтлиқ кишилардан санайман.

Ёш театримизда жуда мустақил, қобил ёш кучлар бор. Биз ёзувчилар улар учун ширали ва тўла мазмунли образлар яратиш бермак билан бирга уларнинг портретларини ҳам ёзиб, кенг меҳнаткаш оммаларига танитайлик. Мен ўзим шахсан бир неча кишининг портретларини ишлаб турибман.

Бошқа ёзувчиларимиз ҳам шу ишга аралашсинлар.

1934 йил, декабр

Тошпўлат ТУРСУНОВ,
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Чўлпон дастхатининг тарихи

1955 йилнинг кузи эди. Мен Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим вазифасида ишлар ва бир гуруҳ ҳамкасбларим билан «Ўзбек театри тарихи» тадқиқотини яратиш учун манбаларни тўплашга киришган эдик. Тадқиқот муаллифлари ичида ўзбек тилини биладиган фақат мен эдим. Ўша кезлари Санъатшунослик институти ўзбек давлат филармониясининг (собиқ Свердлов номидаги концерт зали) ҳовлисидаги собиқ цирк отхонасининг болхона қисмига жойлашган ва пастда, биринчи қаватнинг чеккасида битта хона бўлиб, ҳўжалик дастгоҳларини асрайдиган омборхона эди. Шу омборхона филармония ўз ихтиёрига олиши муносабати билан, у ерни бўшатиб беришга тўғри келди. Бўшатиб бериш жараёнида тўрдаги

бурчакдан қанор қопга ўраб солинган ёғоч сандиқча чиқди. Ичига тартибсиз равишда жойлаштирилган турли кичик ҳажмдаги китоблар, кўлёмалар, ҳужжатлар солинган эди. Уларни ўрганиб, тартибга солишни институт директори, драматург Баҳром Раҳмонов менга топширган эди. Ўша сандиқдан мен Чўлпон қўли билан ёзилган «Мен севган азаматлар» сарлавхали мақоласи матнини топиб олган эдим. Вақти-соати етди шекилли, ўқувчи эътиборига ҳавола қилишга ва кўлёманинг қисқа таърифини беришга қарор қилдим.

Ҳамза номидаги театр тўғрисида «Шу театрнинг тузилишида бир оз араллашиб қолганим учун бугун ўзимни ҳам энг бахтлиқ кишилардан санайман», деб камтарлик билан ёзаётган Чўлпон 1921 йилда театрнинг директори, кейин адабий эмакдоши, муаллифи, етакчи таржимони, барча ижодий изланишларнинг шериги, тарғиботчиси сифатида умрининг охиригача театр билан бирга бўлди. Маннон Уйғурнинг ҳамфиқри, театр жамоасининг дўсти, ҳар бир актёр ва режиссёрнинг ижодини яқиндан биладиган тенгсиз мухлиси эди. Ўқувчи эътиборига тақдим этилаётган мақола матнини ёзган Чўлпон 1934 йилнинг декабрида «Ҳамлет»нинг таржимасини театрга икки вариантда топшириб бўлган (Сора Эшонтўраева ва Саъдихон Табибуллаевнинг таъкидлари — Т.Т) ва етакчи актёр ҳамда актрисаларнинг портретларини ёзиш билан машғул эди.

Энди кўлёманинг матнига келсак, бу ерда муаллиф ўзи ёзгандай 1927 йилдан 1934 йилгача кечган даврдаги актёрларнинг бадиий талқин санъати хусусида сўз юритмокчи бўлса-да, аслида театр аъзоларининг 1924 йилдан эътиборан Москва театр студиясида яратган етакчи спектакллари ҳақида бебаҳо маълумотларни беради. Чунончи, «Маликаи Турондот», «Ёрқиной» сингари студияда яратилган спектакллардаги ижролар тўғрисидаги мулоҳаза ва далиллари биз кейинчалик ижрочиларнинг оғзидан ёзиб олган фактларни тасдиқлайди. Масалан, Чўлпон «Маликаи Турондот» спектакли студиячилар учун «мактаб қаторида бўлганидан» сўз юритиб, унда Сора Эшонтўраева «ролни тўла маъноси билан драматик қилиб ўқигани», «фақат бу нарса кўйилманинг (яъни спектаклнинг — Т.Т) туб йўлига зид бўлганидан Соранинг ипини тортишга тўғри келгани...» каби мароқли фактларни келтиради. Чиндан ҳам шундай бўлган, Ноқулай вазиятдан ижрочи артистлар

(ниқобдорлар), хусусан, Ҳожи Сиддиқ Исломов спектакль гоёсини усталик билан кутқариб қолади: Сора Эшонтўраева Аделма фожиавий кечинмасининг авжига етган нуқтасида ролдаги Ҳожи Сиддиқ овозининг борича «Салоти жаноза» деб юборади ва умумий қаҳқаҳа остида Сора Эшонтўраеванинг жиддиятини кулгига, ҳазилга буриб юборади. Ёки Қалаф ролини ижро этган Аброр Ҳидоятонинг уста маҳорати драматик кечинмани қандай қилиб ҳазил ва истеҳзо билан омухта қила олганининг таърифи, бу — янги факт. Яна бир муҳим нарса: гап Етим (Фозил) Бобононов хусусида. Чўлпон Етим Бобононовни моҳир актёр, ижрода ўхшаши йўқ, характерли образлар устаси эканини таъкидлаб, уни актёрликдан режиссурага ўтаётганини театр актёрлик санъатида йўқотиш бўлади дейди. Унинг икки роли — Кал («Ёрқиной»), Оқ офицер («Бағоват») ролларининг ижроси хусусида қимматли маълумотларни беради.

«Хужум» спектакли тўғрисидаги мулоҳазалари, айниқса Лутфулла Назруллаевнинг Эшон ролининг ижросига баҳо ҳам диққатга сазовор. Ижрочи меҳнати ва маҳоратини Чўлпон ўзининг ва Яннинг хизмати билан бир қаторга қўяди. У «Хужум»ни Ян ва мен билан бирга Лутфулла яратган десам, хато бўлмайди», деб ёзади. Бу гапларнинг тагида Чўлпон актёрлик санъатини нақадар теран англагани ётади. Чўлпон фикрини давом эттириб, таъкидлайди: «Нима деса, десинлар, парда очилгач, сахнада актёрдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Муҳаррирлар биринчи қаторда (залда), кўювчи (постановкачи режиссёр — Т.Т) дирекция ложасида, рассом кулис кетида қолади. Сахнага актёр чиқиб томошачига актёр кўринади. Томошачи асарни актёрдан олади».

Чўлпоннинг Саъдихон Табибуллаев актёрлик фаолиятининг камол топиши ва ундан театр жамоасининг катта умидлари хусусида фикр-мулоҳазалар ҳам қимматли. Артист «Терговчи» («Ревизор»), «Портфелли киши» спектаклларидаги ролларини яхши ижро этган бўлса, «юлдузига тўғри келгани «Хужум» бўлди», деб мулоҳазасини куйидагича мухтасар қилади: «Саъдихоннинг Табиби (айниқса мастлик пардаси) бутун ва мукамал асардир. Унинг бошқа биров тарафидан тақрор қилиниши мумкин эмас», «Тобора ўсаётган бу актёрга «Ҳамлет»да жуда дадил бир нарса тақлиф қилганлар», деб унга Аброр Ҳидоятон билан бирга Ҳамлет ролини тайёрлаш ҳақидаги тақлифга шаъма қилиб, уни эҳтиёт бўлишга чақиради.

Бундай маълумот ва фикрлар кўлёманда талайгина. Кўринадики, ўзбек театри тадқиқотчилари учун унинг қиммати бебаҳо. Негаки, бу кўлёмма «Чўлпон ва ўзбек театри» муаммосини ўрганиш учун муҳим манба сифатида хизмат қилади ва у махсус мавзунинг вазифасидир.

Саёҳатномаларда миллий истиқлол соҳаси

Миллий истиқлол шарофати ила мустақил Ўзбекистонда катта демократик ислохотлар юз бермоқда. Ўзликни англаш, тарихни, миллий кадриятларни, ўтмишдаги илмий-адабий меросни ўрганиш, уларни халққа қайтариш ва ҳоказолар миллий истиқлол мафкурасининг асосини ташкил этади.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини халққа тушунтириб бериш, бу ҳаракат намояндалари асарларини чуқур тадқиқ этиш ўзликни англашдаги асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Бу ҳаракатнинг йирик намояндалари Мирзо Сирож Ҳаким Бухорий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Саидахмад Ажзий, Чўлпон, Ҳамза, Маҳмудхўжа Бехбудийларнинг асл мақсадлари халқни маънавий ва мафкуравий уйғонишга даъват этиш, маҳаллий зиёлиларни вояга етказиш, илғор мамлакатлар маданияти, илм-фан ютуқларини тарғиб этиш, аёллар ва қизлар ҳуқуқини ҳимоялаш, мадраса ва мактабларда замонавий ва дунёвий фанларни жорий этиш, янги усулдаги мактабларни очиш, Ватан озодлиги йўлида қайғуриш эди. Улар яратган асарлар ёшлар тарбиясига, уларнинг кўзини очишга, илм ва маърифатга етаклашга қаратилган эди.

XX аср бошларида Ўрта Осиё зиёлиларининг сафарга чиқишлари анъана тусини олган. Мирзо Сирож Ҳаким тижорат мақсадида, Ажзий ва Возеҳ ҳаж қилиш ниятида, Бехбудий хизмат сафари туфайли дунё мамлакатларининг юксалиб бораётганлигини, уларнинг ободлигига, илм ва маърифатнинг ривожланганлигини кўрдилар. Ана шу сафарлар таассуротларидан оддий халқни баҳраманд этиш мақсадида, барча кўрган кечирганларини сафарнома шаклида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдилар. Халққа сафарномалар орқали таъсир ўтказишга ишондилар ҳамда ана шу асарларда ривожланган мамлакатлар халқининг яшаш тарзи, уларнинг даражасини тасвирлашга ҳаракат этдилар. Ана шу йўл билан халққа маънавий уйғоқлик, миллий ғурур нима эканлигини тушунтиришга интидилар. Сайру саёҳат ва сафарномалар жадид адабиёти вакиллари учун эркарварлик, миллий истиқлолиятга даъват этувчи муҳим воситалардан бири ҳисобланган. Шунинг учун жадид адабиёти даври-

да сафарнома асосий жанрлардан бирига айланди. Мирзо Сирожиддин Ҳаким Бухороий «Туҳафи аҳли Бухоро», Маҳмудхўжа Бехбудий «Саёҳат хотиралари» асарларини битдилар. Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи қиссаси» эса «ватанда сафар» шаклида ёзилган. Бу сафарномаларда муаллифларнинг Ватан озодлиги, эрксеварлик ҳақидаги энг теран ғоялари ўз ифодасини топган.

Ёзувчилар ана шу сафарлар туфайли ангадиларки, жаҳон янги тараққиёт палласига кирган. Аммо уларнинг ватанлари тараққиётдан анча ортда қолган, ҳалигача ўрта аср қолоқлигида турибди.

Бунинг асосий сабаби деб улар жоҳилликни, нодонликни, илмсизликни, халқнинг маърифатсизлигини тушундилар. Абдурауф Фитрат Бухоро тарихидан сўз очиб, ана шу сарзаминда юзлаб йиллар илгари Ибн Сино, Форобий ва бошқа ўнларча илм даргалари етишиб чиққанлигини ҳамда уларнинг оламшумул шуҳратларини алоҳида таъкидлаб ўтади. У «икки юз йилдан бери Бухоро ўзининг илмий ва маърифий обрўсини йўқотганлиги»ни афсус ва надоматлар билан ҳинд сайёҳи (асар қахрамони) тили билан эслайди. Унинг фикрича, аслида Европа мамлакатларининг тараққиёт илдири Шарқ мамлакатларининг маданиятига, яшаш тарзига, илм-маърифатига боғлиқ эди. «Аслида, — ёзади у, — улар Шарқдан қуйидаги соҳаларни ўзлаштирганлар: зироат (буғдой, гуруч, пахта), саноат (шом қумошлари, зарбофтлар, шиша, оина, қозғоз...), илм-фан соҳасидан (ал-жабр, ҳандаса (геометрия), кимё, ҳисоб)». Нафақат Фитрат, балки XX аср бошларидаги бир қатор зиёлилар ҳам ана шу масалага қаттиқ эътибор берардилар. Улар ижодида ўтмишга эътибор қаратиш, тарих зарварақларини мукамал ўзлаштириш, ундан ўрнак олиш муҳим масалалардан бири ҳисобланган. Мирзо Сирож Ҳаким ўз сафарномасида шундай дейди: «Аввал ғайрат ва шижоатли эдик, ҳозир фалокат, у вақтлар оғоҳ эдик, ҳозир табоҳ, аввал иттифоқ эдик, ҳозир нифоқ, у вақтлар диний ғайрат ва ҳимматли эдик, ҳозир «дунёвий муҳаббат»га берилдик. У вақт олам олими, фозили эдик, ҳозир олам хоҳили, аввал адолат қилардик, ҳозир залолат қилурмиз. Шарқ ва Фарб мамлакатлари бизга

муҳтож эди, биздан ибрат оларди». Ана шу восита билан жадидлар Шарқ мамлакатлари мусулмонларини ўз тарихий кадриятларини англашга, моддий ва маънавий бойликларини қадрлашга даъват этади. Саёҳатнома муаллифлари Ватан тараққиётини, унинг юксалишини, обод ва озод бўлишини орзу қилардилар.

Бунинг учун халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш, биргаликда ҳаракат қилиш, иттифоқ бўлиш, ўзликни фаҳмлаш ҳиссиётларини уйғотиш лозим эди. Худодан мадад сўраб илтижолар қилардилар: «Бизга басират бер! Эшитар қулоқ, англар ақл бер! Биз инсонларни ҳидоят эт. Ер юзида сулҳ ва салоҳи умумий ато айла, инсонларга инсоният бер!» (М.Бехбудий).

Сафарномаларда ўз-ўзини бошқариш, бошқа миллатлар тасарруфидан чиқиш, мустақил ва озод мамлакат ғоялари тарғиб ва талқин этилган. Бу давр сафарномалари ана шу хусусиятлари билан классик адабиёт сафарномаларидан фарқ қилади ва ғоявий жиҳатдан бирмунча юқори туради. Жадидлар озод ва обод мамлакатга илм-фани ўзлаштирмасдан, янгича усуллардаги мактабларни йўлга қўймасдан, ёшларнинг хорижий мамлакатларда таҳсил олишини таъминламасдан, тижорат ва саноатни ривожлантирмасдан, фойдали ер ости бойлигимиздан тўғри фойдаланмасдан, матбуотни ривожлантирмасдан эришиб бўлмаслигини таъкидладилар.

Ёзувчилар ўз сафарномаларида заводлар, фабрикалар ҳамда саноат корхоналари очиш масаласини ўртага ташлайдилар ва уқтириб ўтадиларки, ана шу масаланинг ечими халқни иш билан таъминлаш, мамлакат иқтисодий даражасини юксалтириш билан боғлиқ.

Умуман олганда, бу давр зиёлилари сафарномаларида ватанпарварлик, тараққийпарварлик, миллатсеварлик, истиқлол ва озодлик ғоялари тараннум этилган. Бу ғоялар ҳозирги кунда ҳам бизнинг маънавиятимиз ва маданиятимиз ҳамда иқтисодий-ижтимоий юксалишимизга ижобий таъсир кўрсатади.

Зулфия ЮНУСЗОДА,
САМДУ тадқиқотчиси

Рангин лаҳзалар

... Сокин тун. Қаҳқашон. Ҳорғин тасаввур

Тўкила бошлайди матодан бот-бот.

Сен чизган турнанинг қанотлари нур,

Сен чизган оғочнинг шохлари қанот...

Умр оқар сувга менгзайди. Инсон қисмати теграсида фасллар чархпалакдек айланиб, йиллар алмашинаверади. Кечаги болалар — бугунги оталар, кечаги оталар — бугунги боболар... Лекин, умр қумсоатидан тўкилаётган йил зарралари фурсати келиб биздан ўз ҳисобини сўрайди. Бироқ, астойдил изланиш, интилиш, тер тўкиб, меҳнат ва ижод қилиш иштиёқи билан ёнган кишиларнинг ҳар бир кунини баҳорга қиёсласа бўлади. Негаки, баҳор айнан ижодкор фасл. У яратиш ишқи билан нафас олади...

Шу маънода ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, таниқли рассом, Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси Турсунали Аҳмадалиев Қўқон шаҳрининг пешқадам мўйқалам соҳибларидан биридир. Мусаввир олтмиш йиллик юбилеи сабаб бўлиб, унинг ҳаётий ва ижодий фаолияти билан яқиндан танишдик.

Турсунали Аҳмадалиев 1940 йилнинг олтин ёзида Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Баҳрин қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Аҳмадали ака ва Олтинисо опаларнинг ўғли болалигиданоқ сўлим табиатнинг рангин олами жилоларига мафтун бўлиб, ҳали ўқувчилик кезлариданоқ дурустгина суратлар чиза бошлади.

Бу қизиқиш уни Тошкентдаги П.П.Беньков номидаги бадий билим юртига чорлади. 1962 йилда билим юртини муваффақиятли тамомлаган Т. Аҳмадалиев Қўқонда дастлабки рассомлар устахонасини ташкил этишда фаол қатнашди. Шундан сўнг у шаҳримиздаги 15-мактабда, педагогика институти ва билим юртида расм ҳамда чизмачи-

ликдан дарс берди.

1974 йилда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 1971-1976 йилларда Москвада Рассомлар уюшмаси қошидаги Олий дизайнерлар мактаби-марказий ўқув-тажриба студиясини сиртдан тамомлади. У 1989 йилдан буён вилоят ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш «Иқтидор» маркази қошидаги «Турсунали» студиясига раҳбарлик қилиб, ёшларга рассомлик сирларини ўргатиб келмоқда.

Мусаввирнинг қисқача таржимаи ҳоли мана шу. Лекин унинг шаҳар, вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги — Тошкент, Бухоро, Ашхобод, Боку, Москва, Киев, Олмаота каби шаҳарлардаги кўрғазмаларда намойиш қилинган, газета-журнал ва каталогларда чоп этилган юзлаб рангтасвир асарлари ва ҳажвий суратларини биз каби муҳлислар қисман билишарди. Бироқ, ҳар бир асар яратилишининг ўзи бир тарих. Ҳар бир асари қандай дунёга келгани, унинг учун қанчалар меҳнат ва машаққат чекканини ёлғиз мусаввирнинг ўзи билади...

Т. Аҳмадалиев — кўп қиррали ижодкор. У ажойиб рангтасвир, график асарлари билан бирга долзарб мавзулардаги қатор ҳажвий суратлар ва плакатлар устаси, моҳир лойиҳачи-дизайнер, монументал безовчи ҳамдир. Рассом ўтган йиллар давомида Қўқон ва Бешариқ туманидаги қатор корхона ва жамоа хўжаликлари тарихи музейлари, шаҳримиздаги Ҳамза ва Қодиржон Ҳайдаров уй-музейлари, ўлкани ўрганиш музейининг табиат бўлими каби жойларни безашда фаол қатнашди. Ўзбек заминидagi энг улуг ва энг азиз айём — Муस्ताқиллик ва

Наврўз байрамларида Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғида қатор шахсий кўрғазмаларини намойиш этиб, эл-юрт олқишига сазовор бўлиб қолмоқда.

— Биз санъаткорлар, мўйқалам аҳлининг ҳамиша орзу-ниятларимиз, келгусидаги режаларимиз ээгудир, — дейди Турсунали Аҳмадалиев. — Жонажон Ўзбекистонимизнинг сўлим табиат манзаралари, меҳнаткаш халқимизнинг ажойиб турмуш тарзи, мустақил, озод ва обод Ватанимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар, эришилаётган катта ютуқларни ранглар жилоси ила суратларга муҳрлаб, келгуси авлодга қолдириш, шу тариқа республикаимиз довуғини дунёга дoston этиш ниятидаман. Шу каби режаларимни қанчалик амалга ошира олсам, шунчалик ўзимни бахтли ҳис қилардим...

Мусаввир юбилеи муносабати билан Тошкентда, Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий кўрғазмалар залида Т. Аҳмадалиевнинг ижодий асарлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Кўрғазмадан жой олган рангтасвир, графика асарлари ва плакатлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Т. Аҳмадалиевга академия дипломи, кумуш медали ва эсдалик совғаси топширилди.

Таниқли мусаввир Турсунали Аҳмадалиевни олтмишинчи баҳори, жўшқин ижодий фаолиятининг қиркинчи баҳори билан самимий табриклар, у кишининг келгусидаги изланишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

А. ИСОМИДДИНОВ,

«Қўқон садоси»нинг махсус муҳбири

Эстетик идеал

Эстетик идеал — эстетика фанининг асосий категорияларидан бўлиб, икки хил (кенг ва тор) маънода ишлатилади. Кенг маънода инсонга муносиб деб ҳисоблашга арзийдиган табиий ва ижтимоий воқеликни, инсоннинг ундаги бадий фаолиятини англатади. Тор маънода эса такомиллашган жамият ва баркамол инсон ҳақидаги гоёлар тизими асосида бунёдга келаётган, рўйга чиқадиган яхлит, аниқ ва равшан ҳиссий тимсол (образ)ни англатади.

Эстетик идеал кишиларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётида бир неча вазифаларни бажаради: биринчидан, объектив воқеликни бадий билиш, эстетик ўзлаштириш воситаси, юксак намунаси, меъёри сифатида идрок этилади. Жамият аъзоларини, ижтимоий гуруҳ ва айрим шахсларни мазкур намуна, меъёрлар асосида фаолият кўрсатишга, сэй-харакатлар қилишга, шу йўл билан мавжуд воқеликни, масалан, мустақилликни мустаҳкамлаш, такомиллаштиришга давват этади; иккинчидан, мавжуд воқеликни жамият аъзолари, ижтимоий гуруҳ, жамоа, айрим кишилар фаолиятини, ахлоқ-одобини, нарса ва ҳодисаларни муайян намуна нуқтаи назаридан баҳолаш мезони тарзида амал қилади. Масалан, маънавияти бой киши деб баҳолатга етган, ақли расо шахсга хос бўлган, унинг ўз-ўзини англашга асосланадиган

ахлоқ-одобига, билим даражасига тегишли масалалар маъносини сифатлайдиган фазилатга эга инсон кўзда тутилади.

Нарса ва ҳодисаларнинг миллат ва шахсларнинг эстетик идеалларига мос ёки теран келиш даражасига қараб, улар гўзал ёки хунук, юксак ёки паст, фожеали ёки кулгили, уйғун ёки норасо деб ҳисобланади.

Хунуқлик, пасткашлик, фожеавийлик, бачканалик, норасоликлар эстетик идеалларни ифодамайди. Бундай тушунчалар интеллектуал салоҳияти ожиз, эстетик диди ночор, ахлоқий бузуқ, маънавияти қашшоқ шахсларга нисбатан ишлатилади.

Эстетик идеал, яъни гўзаллик, юксаклик, улугворлик сингари тасаввурлар турғун, пассив, қотиб қолган эмас, балки вақт, шароит, ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёж ва талаблари, манфаат ҳамда мақсадларига мувофиқ ўзгариб, тараққий этиб, камол топиб туради. Булар муайян тарихий ҳодисаларни, ижтимоий муносабатларни, ижтимоий амалиётни ўзига мос равишда умумлаштириш натижасида рўйга чиққанлиги туфайли бир даврдан иккинчисига, авлоддан авлодга мазмунан ва шаклан ривожланиб, бойиб ўтиб боради.

Эстетик идеаллар мазмунида ворислик қонуни ҳукм суради. Чунки ҳар бир янги авлод ўз аждодлари мерос қолдирган



моддий ва маънавий қадриятларни ижодий равишда ўзлаштиради, улардан оқилона, асраб-авайлаб фойдаланади, уларни янада бойитади.

Юксак эстетик идеалларга таянадиган жамиятимиз узоқ ва яқин мозийдаги аждодларимизнинг халқпарвар давлат, адолатли жамият ва баркамол инсон ҳақидаги орзу-умидларини танқидий ва ижодий ўзлаштириб, ўзига мерос қилиб олади, улардан оқилона фойдаланади.

Мустақилликнинг эстетик идеаллари инсоният жамиятининг миллийлик ва умумбашарийлик, тараққийёт қонуниятларини, баркамол шахс раванқининг потенциал имкониятларини билиш асосида, инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик майлларини бирлаштириш асосида вужудга келди. Бу идеаллар асосида яратилган санъат асарларида ҳам шаклан, ҳам мазмунан катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мустақиллик даври

Муаззамхон шеърлятида ташхис

Ташхис санъати Шарқ шеърлятида ўзига хос анъана тарзида қўлланиб келинган. Ҳозирги атамашунослигимизда жонлантириш номи билан айтилинадиган бу санъат талабига кўра турмушдаги барча нарсаларга инсонга хос хусусиятлар кўчирилади, ҳайвонлар, қушлар, умуман, моддий борликдаги турли нарсалар одамлардек гапиради. Масалан, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» ёки Гулҳанийнинг «Зарбулма-сал» каби асарлари шундай хусусиятга эга. Лекин ташхис санъати, асосан, лирик шеърларга татбиқ этилади, шоир ўзининг гоёвий мақсадини ва руҳий кечинмаларини образли тарзда ифода-лаш учун ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларни жонлантириб тасвирлайди. Адабиётшунослигимизда жониворларни гапиртириш усулида яратилган асарлар эса мажозий адабиётнинг намунаси сифатида талқин этилган.

Ташхис XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган шоира Муаззамхон шеърлятида ҳам унумли қўлланилган санъатлардан биридир. Муаззамхон ўзбек адабиёти тарихида Нодира, Маҳзуна, Увайсий ва Анбар отин сингари шоиралардан кейинги ўринда турадиган, асарларининг мавзу қўлами ва гоёвий-бадий

қиммати билан улардан қолишмайдиган ижодкорлардан ҳисобланади. Муаззамхоннинг ҳаёти ва ижоди Т.Жалолов, М.Қодирова, И.Сувонқулов, Э.Шодиев ва бошқа ўзбек ҳамда тожик адабиётшунослари томонидан ёритилган. Шоиранинг лирик мероси 70-йиллардан бошлаб нашр этиб келинмоқда:

*Дилбаримни ёд қилсам тандаги жон қилди рақс,
Маъшуқамни шавқи бирла балки иймон қилди рақс.
Дафтари ҳуснинг ўқуб, гулзор аро қилсам гузар,
Тўтию, қумрию, булбул ҳам гулистон қилди рақс.
Ногаҳон боди сабо васфи қадинг шарҳ айласа,
Тоқат этмай, тебраниб, сарви хиромон қилди рақс.*

Бу парчада жон, иймон, тўти, қумри, булбул, гулистон, сарв каби аниқ ва мавҳум нарса-ҳодисалар шахслантирилаяпти ҳамда маъшуканинг фазилатларини очишга хизмат қилмоқда.

Ташхис Муаззамхон шеърлятида турли ижтимоий фикрларни образли ифодалашнинг ҳам белгисига айланган. Шоира ҳаётдаги турли хил ғам-

ташвишлар, ижтимоий қийинчиликлардан ҳаддан зиёд озор чекаётганлигини лола образини жонлантириш орқали эришади:

*Лолалар бағримдаги доғимни кўрса йиғлашур,
Бошидин ташлаб кулоҳ чоки гирибон айламиш.*

Нафс мавҳум тушунчадир. Шеърлятда унинг образи берилган кўглаб тасвирлар мавжуд. Тасаввуф адабиётида нафснинг ранг-баранг талқинлари ҳамда тасвирлари учрайди. Бадий адабиётда, шунингдек, халқимиз ўртасида кенг тушуниладиган нафс — инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга олиб боровчи ҳодисадир. Шу сабабли ҳам халқимиз бундай йўлга кирган кишиларга нисбатан «нафсингни тий!» дея танбеҳ беришади. Муаззамхон нафс образини яратишда ташхис санъатидан ҳам фойдаланади:

*Бу нафси саркашинг доим ғалат йўлларга бошлайдур,
Қаноатдин юган солиб, жиловин тутмасам бўлмаз.*

*Кўнгил ганжинасига деви ҳафтсар маскан айлабдур,
Олиб тавба таёғини бошини янчимасам бўлмаз.*

Шеърлятда «кўнгил» образига муро-

эстетик идеали ижодкордан эркин ва кенг қўламда тафаккур юритишга, ижод қилишга имконият яратмоқда.

Эстетик идеални барча барабар ва бир хилда тасаввур этмайди. Бу нарса эстетик тарбия заруриятини келтириб чиқаради. Масалан, мустақилликка эришганимизга 10 йил бўлишига, бу даврда маънавий-ахлоқий тарбияда олам-олам ишлар қилинишига қарамай халқимиз орасида қонунбузарлар, ахлоқсизлар, бемаъни нусхалар, ҳатто қотиллар учраб туриши сир эмас.

Бунинг сабаблари кўп: эстетик тарбия тизимининг яхши йўлга қўйилмагани, айрим кишилар онги ва турмушида ўтмиш асоратларининг мавжудлиги, хорихдан кириб келаётган гиёҳвандлик моддалари, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга тўғри келмайдиган видеофильмлар, порнографик-беҳаё адабиётлар ва ҳоказолар. Ёшларни бу зарарли гоёлар таъсиридан эҳтиёт қилиш уларнинг маънавияти ва юксак эстетик идеаллари ҳақида қайғуриш демакдир.

Зеро, Президентимиз И.А.Каримовнинг мутлақо ҳақли равишда ўқитишича: «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислохотларимизнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, аънаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим-тарбия ривожини билан узвий боғлиқдир».

Дилноза УМАРОВА,

Беруний номидаги Тошкент Давлат Техника университети тадқиқотчиси

жаат этиш, баъзан у билан суҳбат куриш аънаналари мавжуд. Шоирларимиз кўнгилга мурожаат этишганда ўзликни англаш, ўз вужудидаги ва руҳиятидаги изтиробларини ифодалашга ҳаракат қилганлар. Муаззамхон ҳам бу аънадан унумли фойдалангани:

*Эй кўнги, ғафлатда қолдинг,
кичқириб ўтти жарас,
Кейнидин елиб югурким,
қолмагил, сен бир нафас.*

Жарас кўнгироқдир. Узоқ манзилга отланган карвонларда туяларга шундай кўнгироқ осилган. Кўнгироқнинг жарангли товуши карвон йўл босаётганлигининг белгисидир. Муаззамхон жарас тасвирини мажозий тарзда ифодаламоқда, унда инсоннинг умр карвони маъноси ўз ифодасини топган. Шеърятда ташхис санъатини қўллашдан кузатишган мақсад табиат, инсон ва унинг маънавий олами ҳақида бадий-эстетик образлар силсиласини яратмоқдир. Муаззамхон лирикасидаги тасвирлар ана шундан далолат беради.

Насиба САЙИДАЛИЕВА,

Ўзбекистон ФА Самарқанд бўлими тадқиқотчиси

Бадиият мўъжизаси

Шермуҳаммад Мунис ўзбек мумтоз адабиётининг Хоразмда етилган йирик вакили. У — шоир, тарихчи, таржимон олим, хаттот ва ҳуснихат услубиётчиси, мироб. Унинг номини абадиятга нақшлаган «Мунис ул ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони ва «Фирдавс ул иқбол» («Саодат боғи») тарихий асаридир.

Шермуҳаммад Мунис ижодида таъсирчан ва дилбар ғазаллар жуда кўп:

*Қайси гулнинг мен киби бир
андалиби зори бор?
Қайси булбулнинг сенингдек бир
гули бехори бор?*

*Қайси раъно сарвқадға кумрие бор
мен киби?*

*Қайси кумрини қадингдек сарви
хушрафтори бор?..*

Ушбу ғазални бошдан-оёқ истифҳом (сўроқ) санъати безаб турипти. Деярли ҳар бир байтда таносуб (бир-бирига алоқадор сўзлар қўллаш усули) санъати қатнашган...

Муниснинг нақадар бадиият устаси ва сўзни сеҳрарларча қўллай олувчи моҳир эканлигини далиллаш учун тубанда шоир ижодидан бир байт танлаб олиб, ундаги бадий тасвир ва ифодалилик воситалари билан бирма-бир танишишга ҳаракат қиламиз:

*Кўз қаро қилма ғайр қониға,
Қоним ич қона-қона, эй қора кўз!
Ҳозирги замон китобхони бу
байтни шундай тушунса эҳтимол:
эй, қора кўз, гўзалим, бегоналар
жонига қасд этма. Менинг қонимни
қониб-қониб ича қол.*

Энди шоир Мунис бу байтда нечта маънавий ва лафзий санъатлар қўллаганини аниқлашга уринайлик: биринчидан, маънавий санъатлар: кўз қаро қилмоқ — бировнинг жонига қасд қилмоқ маъносидаги иборадир. Муаллиф шу иборани байтда қўллагани учун таъбир санъати амал қилган. Демак, таъбир усули — байтда ибора қўллай олиш санъати экан.

Рубобий қаҳрамон севгилисини «қора кўз» тарзида тавсифламоқда: бу сифатлаш санъатидир.

Рубобий қаҳрамон севгилисига ундай қилма, бундай қил деб буюрмоқда: амр этмоқда; ман қилмоқда. Бу усул бадииятда амр ва наҳй (бую-

риш ва ман этиш) санъатидир.

Байтдаги «қон» ва «қона» сўзларининг бирида бир «а» орттирилгани учун булар тажниси зойид — орттирма тажнис деб қаралади.

Байтдаги «Эй, қора кўз!» ундалмаси хитоб, мурожаат бўлгани учун нидо санъати намунаси сифатида келмоқда.

Айни шу ундалманинг ўзи — «эй қора кўз!» байт ўқилаётганда оҳангни кескин ўзгаришига сабаб бўлгани учун илтифот санъати ҳам бўлиб ҳисобланади.

Демак, Мунис ушбу байтида поэтик образлиқнинг таъбир, сифатлаш, амр ва наҳй, тажниси зойид, нидо ва илтифот каби маънавий санъатларни қўллаган. Бир байтда олти та маънавий санъат қўллаш, албатта, ижодкорликда мўъжиза ҳисобланади.

Иккинчидан, лафзий санъатларни кўздан кечирайлик:

Мунис байтини «кўз» сўзи бошлаб, ўша сўз такрорланиб якунламоқда. Байтнинг боши ва охирида бир сўз такрорланса — тасдир санъати бўлади. Биринчи мисрадаги «кўз қаро» сўзлари, иккинчи мисрада ўрин алмашилиб «қора кўз» тарзида такрорланмоқда. Бу ҳодиса — тарди акс (тескари такрорлаш) санъатидир.

Биринчи мисра сўнгидаги «қон» сўзи иккинчи мисранинг бошида ҳам такрор келгани тасбе санъати амалиётидир.

Байтни ўқиб, товушларга эътибор берсак: «к» товуши кўпишлатилгани яққол сезиладики, бу тавзи санъати кўрсаткичи ҳисобланади.

Байтдаги «қона-қона» сўзлари — ёндош такрор сўз муқаррар санъати намунаси бўлади.

Хуллас, байтдан тасдир, тарди акс, тасбе, тавзи ва муқаррар санъатларини кўрдикки, лафзий санъатлардан бештаси қатнашган экан.

Ушбу таҳлилий манзара мумтоз шоирнинг байт яратишда нечоғлик юксак санъаткор эканлигидан дарак беради.

Мазкур саналган санъатларнинг бири маънони кучайтирса, иккинчиси таъсирчанликни оширади, учинчиси жарангдорлик омили бўлиб хизмат қилади.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди

Чизиқли тафаккур

(хикоя)

Эрталаб. Ҳаммамиз одатдагидек шошилиб нонушта қилмоқдамиз. Қаҳва ича туриб миямда бугун қиладиган ишларни режалаштирмақдаман. Кутилмаганда ўғлим гапириб қолди:

- Ада, кечаги дарсда математика ўқитувчимиз қизиқ бир масала айтди. Синфда ҳеч қайсимиз еча олмадик. Аниқроғи, биз айтган ечимни у нотўғри деди.

- Хўш, хўш, айтчи, қандай масала экан? - қизиқиб сўрадим.

Ўғлим хонасидан дафтар олиб чиқди.

- Мана, ҳозир ўқиб бераман. Хужайра ҳар секундда иккига бўлинади, ўзи эса йўқ бўлади. Стаканга солинган бир дона хужайра бўлиниш натижасида кўпайиб, роппа-роса бир минутда уни ўлдирди. Қанча вақтдан сўнг стакан ярим бўлади?

- Шу, холосми? - кулдим мен. — Осонку! Албатта ярим минутдан кейинда.

- Биз ҳам шундай дедик, аммо ўқитувчимиз нотўғри деди.

- Қизиқ-ку? - чаккамни қашладим. - Ҳай, майли, ўйлаб кўраман.

Ўғлим олтинчи синфда ўқийди. Унинг мактабда фидойи ўқитувчилар талайгина, айниқса, математика ўқитувчилари кучли.

Хизмат машинасида ишхона томон кетмоқдаман-ку, аммо хаёлим ўғлим айтган масалада. «Чинданам бош қотирадиган ери йўқ, ярим минутда стакан ярим бўлади-да», яна ўзимча таъкидладим...

Ўн кунларча олдин ўғлим билан бўлган бу суҳбат кундалик ташвишлар ичида фарқ бўлиб кетган экан, бошқа бир воқеа уни эсимга солди.

31 декабрь куни ишга кела солиб, одатдагидек, энг аввало, электрон почтани кўздан кечира бошладим. Диққатимни Умумжаҳон Фанлар Академияси - УФАдан келган ўта махфий ахборот тортиди.

«Жаҳоннинг Коинотни ўрганувчи ҳамма илмий-текшириш институтлари раҳбарлари диққати! - деб бошланган бу электрон хат. - Эрамининг биринчи йилида номаълум кишилар томонидан Ер шарига ҳар бир қитъанинг геометрик марказига контейнерлар кўмилган. Улар етарлича катта ўлчамга эга бўлиб, 1 км. чуқурликка жойлаштирилган. Бу контейнерлар ичида ўзига хос физик ва биологик хусусиятли бактериялар бўлиб, улар ҳақида кўп нарса маълум эмас. Вақти-вақти билан, аниқроғи, айнан беш йилда бир марта ҳар бир бактерия иккига бўлинади. Контейнер шундай ясалганки, 2000 йил кириб келиши биланоқ у бактерияларга

лиммо-лим тўлади. Бунинг натижасида портлаш юз бериши мумкин. Унинг кучи ер юзига глобал геофизик ва экологик ўзгаришларни амалга ошириш учун етарли деб ҳисобланмоқда. Шу нарсага эътибор бериш лозимки, тирик ҳолатдаги бактерияларнинг ҳар қандай микродоғиси ер юзи фауна ва флораси учун хавфли эмас дейишга асос бор. Агар контейнернинг тўлиши унинг ярмидан ўтган бўлса, портлаш юз бериши аниқ. Чамаси, бактерияларнинг портлаш учун критик микдори ярим контейнердан бир озгина кўпроқни ташкил қилса керак».

Хар бир раҳбар юзага келган ша-роитда ўз мулоҳаза ва таклифларини ишлаб чиқиб, зудлик билан куйидаги манзилга жўнатиш сўралади...

Хатни диққат билан ўқиб чиқдим. «Нега энди бугунга келганда бонг уриб қолишибди? - гижиниш билан ўйладим. - Қари қизнинг гайрати кун ботганда кўзибиди дегандек, янги йил арафасида... Биламан, ходимларнинг бирортаси бугун ишчи кайфиятда эмас. Бунинг устига биофизика лабораторияси мудири хизмат сафарига. Анови кичик лаборант Азиз, ҳм... Тарбиясиз эмас, бетгачопар ҳаммас, аммо юмшоқ супурги деб ҳам бўлмайди. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан ҳар бир нарсага ўз фикрини билдиришга интилиши, ноўрин ва бевақт мустақил бўлишга ҳаракат қилиши гашимни келтирса керак. Билмадим, билмадим... Тўхта-тўхта, агар контейнер 2000 йилда тўлса, у 1000 йилдаёқ яримлаб бўладику? Бу ерда ёзишларича, жараён аллақачон қайтмас бўлиб бўлган!.. Хўш, энди нима қилиш керак? Аслида шу файлни очмасам ҳам бўларкан, сўрайдиганлар топилиб қолса, ўқимадим, билмадим деб қўя қолардим. Энди эса кўнглимга гўлгула тушиб қолди. E-mail манзилда эса менинг хатни ўқиганлигим ҳақида ахборот бор. Уф...».

Мен беихтиёр электрон почтадаги бошқа хатларни кўздан кечира бошладим. Аммо ост онгим «Нима қилиш керак?» деган саволга жавоб излаш учун дастур олганди, миямнинг бир четида савол устун бўлиб турарди.

Телефон жиринглади.

- Эшитаман, - дастакни қулоғимга тутдим.

- Дамир ака, - ёрдამчимнинг овозини эшитдим, - келишилгани бўйича ходимларни соат 12.00 га ййгишни буюрдим. Кўшимча кўрсатмалар бўлмайдимми?

- Йўқ! - дедим «гаптамом» дегандек дарров дастакни жойига кўярканман.

Назаримда махфий хат жиддийман,

ёлғон шовқин кўтаргандек, ичимдан ваҳимага қандайдир ишонч йўқ эди. Бунинг устига ҳисоб-китобларнинг бари доимо тўғри қилмайди - 1000 йил қаяқдаку, 2000 йил қаяқда! «Хат мазмуни билан ҳеч кимни таништирмайман, бинобарин, менинг кўрсатма ва йўриқларим аниқ ҳамда лўнда бўлиши лозим, топшириқ олган ходимлар гапнимадалигини илғамасликлари керак. Ййгилишдан сўнг ходимларга руҳсат бераман, фақат лаборатория мудирилари ҳамда анови, ҳм..., Азизни қолдираман».

Ўзимни креслога ташлар эканман, қатъий бир қарорга келганимдан энгил тин олдим. Энди хаёлим 1 январдан бошланадиган таътилга ўтди. Йил бўйи дам олишнинг иложи бўлмади. «Ҳечдан кеч яхши» деганларидек, Фанлар Академиясидан қишда бўлса ҳам таътил сўраб олдим. «Қайтанга яхши бўлди, - ўйлай кетдим, - тоғда чанги учаман».

Котиба кирди.

- Математика институтидан профессор Адҳам Ҳамдам телефон қилдилар. Сиз ҳеч ким халақит бермасин деганнингизга безовта қилмадим.

- У киши нима дедилар? - сўрадим мен бироз бетоқатлик билан.

- Электрон почтадан олинган қандайдир хабар ҳақида гапириб, келишингиз биланоқ уланишингизни сўрадилар.

- Яхши, бораверинг, - котибага руҳсат бердим.

Илмий ишларимда кўп марта математик моделларга мурожаат қилганман, дифференциал тенгламаларни қўллаганман, уларнинг ечимларини ишлаганман. Бу нарса менда қатъий хулосани шакллантирди: математик тенгламалар ичида энг маъқули чизиқли тенгламалар, пропорционал кўпайиш ёки пропорционал камайиш масалалари. Аксарият физик ҳодисалар чизиқли тенгламалар синфи орқали ифодаланиши бунга яққол мисол. Энг ишончли метод эса - интерполяцион ёки экстраполяцион метод. Бу методни қўлламайдиган соҳа деярли йўқ. Ҳатто динлар дўзах, жаннат каби ташвишларни киритганда бевосита ҳозирги ҳаётни «нариги дунё»га экстраполяция қиладилар. Умуман олганда эса, математика - алоҳида инсон фаолияти соҳасимас, балки фақат ҳисоб-китоб воситаси, холос. Мана, физиклар ёки инженерлар бошқа гап - абстракция, мавҳумлик биланмас, ушлаб кўрса, ҳис қилса бўладиган моддийлик, унинг бевосита илмий шакли - техника билан ишлашади. Бинобарин, математиклар ҳаётдан узок, мавҳум кимсалар. Бу фикрларга анча олдин

келган бўлсамда, ҳозир Адҳам Ҳамдамга телефон қилмаслик учун яна бир бор кўнглимдан ўтказдим.

Соат 12.00 даги йиғилишда институти-тимиз жамоасини кириб келаётган янги йил билан табрикларимиз. Ҳамма кўтаринки кайфиятда, байрам тантанаси таъсирида. Ходимлар янги йил кутишга тайёрланиш учун уйларига тарқалишмоқда. Ёрдамчимга биринчи ўринбосар, «Фалокатлар» ва «Сунъий интеллект» лабораториялари мудирилари ҳамда кичик илмий ходим Азизни шов-шувсиз қабулимга таклиф қилишни топширгандим. Хонамга кўтарилганимда улар аллақачон қабулхонада ўтиришган экан.

- Хўш, гап бундай. Бугун УФАдан электрон почта орқали муҳим хабар олинди. Унга, асосан, институти-тимиз, табиийки, лабораторияларимиз муайян вазифаларни бажаришлари лозим. Сиз, - мен мудириларга топшириқлар бера бошладим, - Абдулахад Ақром ўғли, қўшмаамизнинг геометрик маркази координатларини аниқлайсиз. Табиий, керакли жойлар билан алоқа боғлаш лозим бўлади.

- Карим Осим ўғли, - иккинчи мудирига мурожаат қилдим, - сиз эса бир километр чуқурликда жойлашган 6х6х6 метр ўлчамли металл идишни портлатиш учун амалга ошириладиган ишлар рўйхати ва керакли ҳисоб-китобларни бажарасиз.

Кичик илмий ходимга тикиларканман, уни нега қақиртирганимга ўзим ҳам ҳайрон эдим. Ўзимдан ҳажим чиқди. Бирдан ҳаёлимга ўғлим айтган масала тушди. Мудириларга рухсат бериб, Азизни қолдирдим.

- Сиз мана бу масалани ҳал қиласиз.

Ўғлимнинг бактериялар ҳақидаги масаласини унга айтиб бердим.

У масалани диққат билан эшитди:

- Бошқа топшириқ ҳам борми? - деб сўради. Унинг юзи ҳайронликдан бошқа нарсани ифодаламасди.

- Йўқ, - қулдим. - Сизга рухсат.

Хонада қолган биринчи ўринбосарни дисплей олдига таклиф қилиб, махфий электрон хат мазмуни билан таништириб, сўнг кўрсатма бердим:

- Қобилжон, бу ердагиларга масаланинг моҳиятини айтмадим, мақсадга мувофиқ эмас деб ўйлайман. Кимга нима топшириқ берганимни кўрингиз, улардан жавоб олинг-да, янаги ҳафта электрон манзилга битта мазмуни жавоб жўнатинг. Қисқаси, ҳамма бошқа ишлар каби, бу масала ҳам қаттиқ назоратингиз остида бўлсин.

Орадан икки ойлар чамаси вақт ўтди. Мен таътилдан қайтдим. Ёрдамчим, ўринбосарларим олдимга кириб институтдаги қундалиқ масалалар қай даражада ечилаётгани, муаммолар ҳақида ахборот бера бошлашди. Биринчи ўринбосарим:

- Домла, кичик илмий ходим Азиз

сизга етказиш учун илмий ахборот тайёрлаб қўйибди. Рухсат берсангиз, қақирсам, - деди.

- Марҳамат, қақиринг, - дедим.

Эшикдан Азиз кўринди. У менинг олдимда негадир доим уялиб, тортиниб туради. Ким айтади уни замонавий ёшлар намояндаси деб? Ҳозирги ёшлар ўзларини эркин тутишади, улар қисиниб-қимтинини камчилик ва нуқсон белгиси ҳисоблаб тўғри қилишади. Назаримда Азизнинг энги калта оқ кўйлаги эғнида беўхшов хилвироган, қатъий русумда таққан галстуги тана симметрисини белгилаш ўрнига кўзингизга қовушмаганлик ва дидсизлик белгисидек туюлди.

- Хўш, нима гапингиз бор? - сўрадим парвосизгина.

- Домла, янги йил арафасида берган масалангиз соддалиги билан мени ҳайратга солди. Уни дарров ечиб, олдингизга кирсам, кетиб қолган экансиз.

- Қайси масала?

- Бактериялар ҳақидаги...

- Хўш?

Азиз юзимдаги ҳайронлик ифодасини илгари шекилли, ўғлимнинг ўқитувчиси айтган масала шартини эслатди.

- Агар ҳар бир бактерия бир секундда иккига бўлинса ҳамда стакан бир минутда бактерияларга тўлса, у қачон ярим бўлади? Масала шартини бўйича ҳар секундда бактерияларнинг умумий ҳажми икки марта ортади. Демак, стакан эллик тўққиз секундда ярим бўлади, чунки охириги, олтининчи секундда ҳар бир бактерия икки марта кўпаяди ва стакан тўлади.

- Эллик тўққиз секундда дегин... Қизиқ масала, тўғрими? Энг аввало киши ҳаёлига эллик тўққиз эмас, ўттиз келади, ахир қачон ярим бўлади деган савол қўйилган, бир минутнинг ярми эса ўттиз секунд...

Азизга гапира туриб контейнерлар ҳақида электрон почтадан келган хабар эсимга тушди. Мен 2000 нинг ярми 1000 бўлади деб юрибман. Контейнерлардаги бактериялар ҳар йили икки марта кўпаяди. Бинобарин, контейнерлар 2000 йилда тўладиган бўлса, 1999 йил бошида улар ярим бўлади. Мана, нима сабабдан хабар махфий ҳамда шошилиш экан! Ким айтади мени академик, хизмат кўрсатган профессор деб, эҳ хомкалла! Энди тушундим гап нимадалигини!.. Мен биринчи ўринбосардан УФАга қандай таклиф ва мулоҳаза юборишганини сўрашга оғиз жуфтлаган эдим, Азиз деди:

- Домла, сизни топа олмагач, бу масалани менга бежиз айтмагандисиз деган фикрда Қобил акага мурожаат қилдим. У киши мени электрон хат мазмуни билан таништирдилар. Биз лабораториялар ходимларини жалб қилган ҳолда икки кун давомида таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқдик. Ваҳоланки вазият мураккаб экан, энг аввало бактерияларни...

- Рухсат этинг, мен гапирсам, - Азиз-

нинг сўзини бўлиб деди Қобилжон. Чамамда у институт қошида унинг раҳбарлигида бажарилган бу ишни менга Азиз орқалимас, ўз оғзи билан гапириб бермоқчи эди. - Азизжон тўғри гапирди, энг аввало бактериялар кўпайиши контейнер ичидамас, ташқарида амалга ошсин деган фикрни ўртага ташладик. Буни амалга ошириш учун бир неча йил олдин институти-тимиз томонидан ишлаб чиқилган, ҳозир ҳамма ерда қўлланилаётган «йўналган зарба» усулига мурожаат қилишга қарор қилдик. Бу усулни эҳтиётлик билан қўллаш олинса, қисқа вақт ичида контейнернинг устки ёғида (у куб шаклида) бир нечадан тешиклар ҳосил қилиш мумкин бўлади. Натижада у энди ёпиқ соҳа бўлмайди. Бактериялар етарлича актив бўлгани учун, кўпайиш контейнердан ташқарига чиқади ва унинг ичидаги тезлик камаяди.

- Бироқ бу радикал ечим эмаску! - эътироз билдирдим мен.

- Тўғри, масала шу билан узил-кесил ҳал бўлмайди. Аммо сўзсиз ечимни топиш учун вақт ютилади.

- Охириги хабарларга кўра бактериялардан намуналар олинган, улар интенсив ўрганилмоқда, - қўшимча қилди Азиз.

Хонада ёлғиз ўзимман. У бурчакдан бу бурчакка юрарканман, ўғлимнинг ўқитувчиси берган масала, контейнер масаласи - буларнинг ҳаммаси менга бежиз эмасдай туюлди. Бу масалани йўл-йўлакай еча олганим учун ўзимдан уялиш, ўз олдимда ноқулай бўлиш каби туйғулардан, албатта, йироқ эдим. Шу тобда мен сайёрамизда ус-тун бўлган тафаккур усули ҳақида ўйлаб кетдим. Энг кўп ишлатиладиган усул - фойизлар ҳисоблаш, пропорционаллик: у кўпайса, бу ҳам кўпаяди, ёки аксинча, у кўпайса бу камаяди. Ундан кейин интерполяция ёки экстраполяция усули. Буни адабийча қилиб ўхшатиш, аналогия деса ҳам бўлади. Агар бирор мураккаб ҳодисани ўрганмоқчи бўлсак, уни соддароқ, бизга маълум шаклга келтириб ечишга ҳаркат қиламиз. Ўғлим стакандаги бактериялар масаласини айтганда дарров «бир минутнинг ярми ўттиз секунд» деган ҳаёл билан «стакан ўттиз секундда тўлади» дегандим. Ваҳоланки, кўпайиш пропорционал кўринишдамас, геометрик прогрессия бўйича амалга ошади. Интерполяция эгри чизиқни, мураккаб нарсани тўғри, оддий чизиқ билан алмаштириш дегани. Бу нарса инсон психологиясига хос нарса бўлса керак. Биз мураккаб нарсани ўрганаётган вақтда фақат янги нарса яратиш учунмас, ўз психологиямиз билан ҳам курашамиз. Умуман айтганда эса, бизда чизиқли тафаккур, мураккаб нарсани шундайлигимиз, содда кўринишга келтириб ўрганиш ҳукмрон. Тан олиб айтишим керакки, мен ҳам шундай кишилар тоифасидан эканман...

Қудратилло ОТАХОНОВ

Шоира АБДУЛЛАЕВА

Билим ва тарбия жараёни яхлитлиги

(Педагогик технология масалалари)



Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида илғор педагогик технологияларни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларида жорий қилиш зарурлиги қайта-қайта ўқтирилган.

«Педагогик технология», «илғор педагогик технология», «янги педагогик технология», «прогрессив педагогик технология» каби тушунчалар кейинги вақтда педагогик адабиётларимизда кўп учраб турсада, Ўзбекистон халқ таълими ходимлари ичида унинг аниқ таърифи ҳамон шаклланмаган. ЮНЕСКО таърифи бўйича — «педагогик технология» — бу, билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон имкониятларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнида қўллашда система (мажму)ли ёндошув усулидан фойдаланишдир».

Бу ерда асосий ғоя таълим-тарбия жараёнига бир бутун мажму сифатида қарашдир. Дарҳақиқат, ҳозирги замон илмининг тадқиқотчи ва амалиётчиларга қўяётган асосий талаби объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларга яхлит, атрофлича ёндошишдир. Шунда ўрганилаётган объектнинг сийрат-шамойили аниқ бўлиб, уни бошқаларга тушунтириш ҳам осонлашади.

Мажму деганда, ўзаро функционал боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топиб, бир бутунликни ташкил қилувчи нарса ёки ҳодисаларга айтади. Объектив борлиқдаги барча нарса ва ҳодисаларга мажму деб қараса бўлади. Уйғунлик назариясидан келиб чиқадиган мажмуий ёндошув тамойилининг ўзига хос, анча мураккаб қонун ва қоидалари мавжуд.

Хар қандай мажму икки ёки ундан ортик қисмлардан иборат бўлиб, айна вақтда ўзи ҳам, ўзидан юқори поғонада турган мажмуга қисм бў-

либ киради. Унинг қисмлари бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам бир неча қисмлардан иборат бўладилар. Бу ҳодиса чекли ва чексиз бўлиши мумкин.

Мажмуни ташкил қилувчи қисмлар деб, фақат ўзаро узвий (функционал) алоқадорликда бўлган қисмларга айтади.

Мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг бир хусусияти ўзгарса, шу туфайли бошқа қисмларнинг ҳам хусусиятлари ўзгаришларга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади.

Мажму хусусиятлари фақат бошқа мажмулар билан алоқадорликда намоён бўлади.

Алоқадорлик деб, мажмуни шакллантириш хусусиятига айтади. Янги алоқадорлик хусусияти функция дейилади.

Хар қандай мажму асосини алоқадорликлар ташкил қилиб, улар ўз асосларига нисбатан тартибли ва тартибсиз, ҳаракатчан ва стационар, қарама-қарши ва кўп томонлама, нуқтавий, чизиқли, тикланувчан ва тикланмайдиган, оддий ва мураккаб, детерминлашган ва детерминлашмаган, марказлашган ва марказлашмаган, бир ҳамда кўп поғонали ҳамда ҳоказо бўлади.

Хар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқишликни мажмули ёндошув тамойили дейилади.

Педагогик технологиянинг аънавий дарс бериш услубларидан асосий фарқи ҳам дарсни бири-бири билан функционал алоқадорликда бўлган бир неча қисмлардан иборат бир бутунлик — мажму деб қарашдир.

«Дарс» деб аталувчи, тартиб ва тезликка эга, тикланувчан, мураккаб, марказлашган бир поғонали мажмунинг ўзаро функционал алоқадор-

ликда бўлган қисмлари қуйидагилардир:

— мажмунинг марказида турувчи ва бошқа барча қисмлар алоқаларини ўзидан ўтказувчи талабалар хоҳиш-истаги;

— дарснинг мазмунини ташкил қилиб, талабалар истагидан ташқари, барча қисмларни ўзига хизмат қилдирувчи дастур ва дарслик;

— дарснинг умумий методологик асосини ташкил қилувчи ўғит бериш, тарбиялаш-дидактика тамойиллари;

— дарсни педагогик технология асосида ўтиш учун хизмат қилувчи ва хусусий методология деб номланувчи педагогик технология тамойиллари;

— дарсни тушунишни осонлаштирувчи ҳамда дарсни тез ва сифатли ўтишига хизмат қилувчи дидактик материаллар;

— дарсга замонавий тус берувчи, унинг мазмуни ва моҳиятини тўлароқ очиқ беришга ёрдамлашувчи ўқитишнинг техник воситалари;

— дарс ўтувчи педагогнинг касбий тайёргарлиги деган қисмлардир.

«Педагогик технология тамойиллари» деган қисмдан ташқари «дарс» деган мажмуни ташкил қилувчи бошқа қисмлар педагогик жамоатчилигимизга анча таниш. Мазкур мақолада, асосан «Педагогик технология тамойиллари» хусусида фикр юритдик.

Шоира АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
«Соғлом авлод учун» нишони
совриндори, республика
Олимпия ўринбосарлари билим
юрти
директорининг биринчи
муовини

Кўқонда бир ҳофиз бор

Парвардигор бандаларига кўшиқ айтишдек салоҳият ато айлагани, уларни бошқа махлуқлардан фарқли рух, кўнгил, ақл билан яратгани учун олам муҳорабазордан гулзорга айланди. Нукул қиличлар чархланавермасдан торлар таранг қилиб тортилди. Бўғизларда турган ханжарлар қинга шўнғиб, фарёдлар тинди.

Одам биринчи кўшигини қачон айтди? Оллоҳ билади. Лекин у айтаяпти. Кўшиқ ҳамма миллат тилида кўшиқдир.

Кўлимизда кўқонлик довруғли ҳофиз Муҳиддин Муҳаммадали ҳақидаги «Сочингдан қора райҳон» китоби. Китоб шоир Маҳмуд Раҳматилла Мангитий қалами билан битилган. Мўъжазгина китобча ўтган йил Фарғонада чоп этилибди. Аввало бу кўшиқчи хусусида нимадир янги битсак бўларди, деб ўйладик. Китобни варақлагач, унда ҳофиз Муҳиддин Муҳаммадали хусусида қарийб ҳамма гап айтилгандек туюлди. Шоир Маҳмуд Раҳматилла Мангитий астойдил меҳнат қилибди. Ҳофиз билан мулоқоти ҳам дилдан чиққан. Атиги минг дона чоп этилган бу китобни ҳофизнинг барча мухлисларига етказиш мумкин эмас. Шу сабабдан биз ундан алоҳида обларни эътиборингизга ҳавола этишга ошиқдик.

Тахририят

Муҳиддиндақа ҳофизлар эл орасида кам учрайди. Унинг ўзига хос белгиларидан бири ўзи яшаб турган адабий муҳитга хурмат ва улар олдида ҳаммаша ўзини қарздордай ҳис қилишидир. У кўшиқларининг жуда кўп қисмини ўзи яшаб турган жойдан, унинг тевақал атрофларидан, ўзи мулоқотда бўлган шоирлардан қидиради.

Муҳиддин баъзи бир кўшиқчиларга ўхшаб, ўз кўшиқларини машҳур бўлиб кетган кишилардан изламайди. Ёки ўзини «дунёда ягона шоир» деб даъво қилувчилар, ўзини «даҳо» деб ўйлаб юрган шоирларнинг шеърларини айтиш билан танитмайди. У чинакам камтар хонанда. Шунинг учун ҳам ўз кўшиқларини халқ орасида шоирлик даъво қилмасдан, бошқа бир касб билан Ватанга хизмат қилиб юрувчи маҳаллий шоирлар ижодидан қидиради. Уларни элга танитгиси келади.

Баъзи бир олифталар маҳаллийчиликка паст назар билан қарайди, ўзим қаердан келиб чиққанман деб



ўйлаб ҳам кўрмайди. Биров айтган бўлса ҳам омадли шоирларнинг шеърларини кўшиқ қилади. Муҳиддинга шоирнинг келиб чиқиши, ким бўлишидан қатъи назар, шеър яхши бўлса бўлди. Куй басталайди. Эл орасига олиб чиқади. Ўз овози ва сози билан сайқал беради.

Шундай чиройли кўшиқлардан бири шоир Комил Жўранинг «Топилмас» ғазалига Муҳиддин куй басталаб айтаётган кўшиғидир. (Комил Жўра мавлоно Чархийнинг шогирди.) Дарҳақиқат, ғазал ўз мавзуси ва ўзига хослиги билан, шу рафидда янгича қофияланиши билан ҳофиз диққатини тортди ва яхши кўшиқ дунёга келди.

Муҳиддиндаги шоирлар билан ўзаро боғланиш ва оқибатни кўпгина кўшиқчиларимиз ўргансалар арзийди. Кўқон ва Кўқон атрофи туманларида ҳар хил савиядаги кўшиқчилар кўп. Уларнинг баъзилари биздан бир талай шеърлар танлаб олиб, шу кетишда бир умр қорасини кўрсатмайди ва олиб кетган шеърларидан бирортасини кўшиқ қилиб айтолмайди ҳам. Яна баъзилари олиб кетган шеърларини бемаслаҳат ўзгартириб, сўзларини ва маъносини бузиб айтадилар. Улар билан тасодифан учрашиб қолсангиз «кўшигингизни айтдим» деб мақтанишга мақтанадилару, қилган ишларидан заррача уялмайдилар.

Биз ундай «хонанда»ларга, кейинчалик, яна шеър сўраб келсалар ҳам, улар билан алоқа боғламасликка ҳаракат қиламиз.

Муҳиддин Мамадалиев ундайлардан эмас. У меҳнат қилади, кўшиқ

учун бир неча вариантда мусиқа басталайди, муаллифга эшиттириб кўради, яна мутахассислар билан маслаҳатлашади, охири маъқул усулни танлайди, фақат шундан кейин халққа ҳавола этади. Шунинг учун унинг топган кўшиқлари енгил-өлпи эмас, ҳақиқий ижод маҳсулига айланади.

Муҳиддин ана шу хатти-ҳаракатлари, тиниб-тинчимаслиги, синчковлиги ва зукколиги билан ўзига хос истеъдод соҳиби, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, топилмас санъаткордир.

ТОПИЛМАС

Мендек сенга чин ошиқи девона
топилмас,
Сендек менга бир дилбари жонона
топилмас.
Аксимни кўриб, ёр, қароғингда,
кувондим,
Ўзга мен учун кўзлари мастона
топилмас.
Сигдиргали жой излама кўпмулки
жаҳондин,
Кўнглим каби соз кулбаи остона
топилмас.
Кўнглини менга бергилу бахтим
бўла қолгил,
Ишқ оламида сен каби фарзона
топилмас.
Жисмимни ёқиб, ўртаю тарк этма,
муҳаббат,
Рухим ёнар, э воҳким, сувхона
топилмас.
Мен талпинаман, интиламан ёлғиз
ўзингга,
Комил каби ҳеч севгиси пинҳона
топилмас.

Маҳмуд Раҳматилла
Мангитий

Туркистонда жадид мактабларини очиш масаласини биринчи бор Исмоил Гаспиринский 1892 йили Туркистон Генерал-губернаторига ёзган хатида кўтарган эди. У ўз хатида мусулмонлар учун диний билимларни ўрганиш шарт эканлигини ёзади. Шунинг учун ҳам бир қишлоқ, маҳаллада 7-8 ёшли болалар мактабга келиб араб тилида Куръонни, турк тилида диний ва ибодат қилиш қоидаларини, айрим ҳолларда ёзув ва бошланғич арифметикани ўрганади. Аслида бу озгина билимларни ўзлаштириш мактабларда педагогика қоидалари, усуллари бўлмаганлиги учун 4-5 йилга чўзилади. Янги усул мактабларида ёдлаш, ҳарфлаб ўқиш ўрнига бўғинлаб ўқишни жорий қилиш ҳисобига ўқиш жараёни тез-

хулосасида шундай деган: «Мен ўз томонимдан Тошкентда яшовчи Абдулманнофқори Абдулвагаповга у кўрсатган шартлар асосида мактабхона очиш учун етарли асослар йўқ, деб ҳисоблайман. Хужжатларда ҳозир Кўкчада қанча мактаблар борлиги ва аҳолига ўз ёнидан пул тўлаб, бола ўқитадиган янги мактабнинг зарурияти борлиги кўрсатилмаган. Тўқмоқдаги ўқитувчидан янги усул мактабида дарс беришни икки ой ўрганган ўқитувчининг сиёсий ишончилиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, у ўқув инспекциясига бутунлай таниш эмас. Абдулвагаповнинг мен очётган мактаб ҳозир мавжуд бўлган маҳаллалардаги масжидлар қошидаги мактаблардан анча дуруст ва

маҳалласида ташкил қилинган. Бу шаҳардаги энг йирик мактаблардан бири бўлган. Ундаги 100 ўқувчига ўқитувчи Аҳмаджонқори ва учта ёрдамчиси таълим берган. 1899 йилда Ҳожибобо маҳалласида масжид қошида янги усул мактаби очилган. Унда 25 ўқувчи ўқиган ва 1908 йилгача татар ўқитувчи, кейин ўзбек Хўжахон Аҳмадхўжа ўқитувчилик қилган. Устам Банаул маҳалласида 1899 йили очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи ўқиган ва ўқитувчи Маҳмуджонхожи Муҳаммадов дарс берган. Бошқовоқ маҳалласи масжиди қошида 1900 йилда очилган янги усул мактабида 115 ўқувчи бўлиб, татар Салоҳитдин Мазитов таълим берган. Булардан ташқари Қўқоннинг Даҳма Дихан маҳалласида

Жадид мактабларига

лашади, вақт тежалади ва мактаб дастурига рус тили дарсини киритиш мумкин бўлади, дейди Гаспиринский. У рус тилини ўқитиш муаммоси баҳонасида Туркистонда янги усул мактабларини очишга рухсат олмақчи бўлган эди.

1900 йил 31 декабрда Ички ишлар министрлигининг полиция департаменти Туркистон генерал-губернаторига махсус хат йўллаб, Исмоил Гаспиринский ғояси моҳиятини тушунтирди ва буни Туркистонда тарқалмаслиги учун чора-тадбирлар кўришни буюрди.

Полиция департаментининг бу мутлақо махфий хати Туркистон ўқув юртлари Бош инспектори ва полиция идораларига ижро учун юборилди. Сабаб, Туркистонда эндигина пайдо бўла бошлаган янги усул мактабларини бўғиб ташлаш эди.

Полиция департаменти фармойиши олингандан кейин орадан кўп ўтмай 1901 йил 17 сентябрда Абдулманнофқори Абдулвагапов Тошкент шаҳри Кўкча мавзеси аҳолиси номидан Тошкент эски шаҳар қисми полицияси бошлиғига ариза ёзиб янги усул мактаби очишга рухсат сўрайди, бироқ унинг илтимоси оқибатсиз қолади. Шундан кейин у Туркистон генерал-губернаторига ўша масала билан шуғулланган Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори ўз

якши деб билдириши асоссиз гапва мактабни учун аҳамияти йўқ. Шунинг учун ва полиция департаментининг 1900 йил 31 декабрдаги № 13444 рақамли махфий фармойиши асосида Мулла Абдулвагапов илтимоси қайтарилсин». Туркистон Генерал-губернатори ўқув юртлари Бош инспекторининг фикри ва таклифига асосланиб, мактабни очишга рухсат бермаган.

Туркистондаги рус маъмуллари полиция департаменти чор ҳукумати билан халқ маориф министрлигидан аниқ кўрсатма олгунга қадар янги усул мактаблари очишга қатъий қаршилик кўрсатдилар. Буни сезган маҳаллий халқ зиёлилари маҳаллий ҳукуматдан рухсат олмай, ўз мактабларини яширин йўл билан ташкил қила бошладилар.

Архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда, Туркистон ўлкасида дастлабки жадид мактаблари Фарғона вилоятида очилган. Ўқув юртлари бош инспектори архив фондида сақланаётган Фарғона вилояти янги усул мактаблари рўйхатидаги далиллар Кўқон шаҳрида биринчи янги усул мактаблари XIX асрнинг 90-йилларида ташкил қилинганлигидан далолат беради. Кўқондаги 12 янги усул мактабларидан 4 таси 1893-1900 йилларда бунёд этилган. Кўқондаги биринчи жадид мактаби 1893 йилда Мираюббой

1901 йилда, Фалчасой маҳалласида 1902 йилда, Бекбачча маҳалласида 1904 йилда янги усул мактаби ташкил қилинган.

Фарғона вилоятдан кейин жадид мактаблари Самарқанд вилоятида очилган. Н. Баброниковнинг 1910 йил 19 августда Ўрта Осиё мусулмон ўқув юртлари тўғрисида ёзган ахборотида кўрсатилишича, Самарқандда 4 та янги усул мактаблари бўлган. У яна шуни кўрсатиб ўтадики, дарслар қозонлик муаллимлар томонидан ишлаб чиқилган ва 1906 йили эълон қилинган дастур асосида ўқитилган.

Самарқанд вилояти халқ ўқув юртлари инспекторининг 1914 йили 9 январда вилоят Ҳарбий губернаторига ёзган ахборотида Абдушукуровнинг янги усул мактаби 1903 йилда очилганлиги қайд қилинган. Бу мактаб вилоятдагина эмас, бутун Туркистонда ҳам намунавий жадид мактаби эди. Мактабда дарс она тилида олиб борилган. Ўқувчилар бошқа фанлар қаторида арифметика, география, тарих, араб, форс тилларини ўрганишган, хоҳловчиларга рус тили дарси ўқитилган, шеърлар, ҳикоялар ёдлашган. Абдушукуров ҳам М. Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов каби янги усул мактаблари учун бир неча дарсликлар ёзган. Унинг дарсликлари «Зубтадул ашъор» 1907 йилда, «Савод» 1908 йилда, «Жавомиул ҳи-

коят» 1911 йилда Самарқандда чоп этилган ва янги усул мактабларида ўқитилган. Абдушукуров мактабида юкоридаги дарсликлардан ташқари Куръон, Тажвид, Мунавварқорининг «Хавойижи диния» ва бошқа китоблар ҳам ўқитилган. Мактабда 1913 йилда 177 ўқувчи ўқиган. Ўқувчилар очик имтихон топшириб, синфдан-синфга ўтишган. Имтихонда ота-оналардан ташқари вилоят Ҳарбий губернатори ва ўқув юртлари инспектори қатнашган.

Жадид мактаблари Сирдарё вилоятида, жумладан, Тошкент шаҳри ва уездида бошқа вилоятларга нисбатан кечроқ ташкил бўлди. Аслида бу ерда ҳам янги усул мактабларини очишга ҳаракат юкорида кўрганимиздек 1901 йилдан бошланган эди. Лекин

Девонбеги маҳалласи масжиди қошида очилган.

Собиржон Раҳимжонов мактабни 1909 йилда ўзи очган ва ўқитувчилик қилган. Маълумотни ўз отасидан олган, эски мактабда ўқиган. Мактаб Тошкентнинг Себзор қисмидаги Тахтапул маҳалласида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатган.

Мунавварқорининг янги усул мактаби Тошкентда биринчи очилган мактаб ҳисобланади. У шаҳарнинг Шайхонтахур қисмидаги Тарновбоши маҳалласида Мирдада Мирвафоев уйида ташкил қилинган. Мактабни Абдусамиғқори Ҳидоятбоев 1908 йил 1 мартда таъсис қилган ва иккинчи ўқитувчи сифатида дарс ҳам берган. Мактабни Мунавварқори номи билан аталишининг сабаби, у

назаридан ёндашиш талаб қилинган. Ўқув юртлари инспекторларига руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун рус тили дарсларини жорий қилиш масаласига эътибор бериш ўқтирилган. Маҳаллий аҳолини, ёшларнинг руҳиятини, миллий онгини ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида Шарқдаги мусулмон мамлакатларида нашр этилган чор ҳукумати цензураси рухсат бермаган китобларни мусулмон мактабларида ўқиш, ўрганиш ман этилган. Туркистон генерал-губернатори ўлка ўқув юртлари Бош инспектори қошида тузилган комиссиянинг лойиҳаси асосида Туркистон генерал-губернатори жадид мактаблари тўғрисида махфий умумий қоидаларни ишлаб

ОИД ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Тошкентдаги чор ҳукумати идоралари жадид мактабларини очишга йўл бермади. Тошкентнинг эски шаҳарида дастлабки жадид мактаблари архив ҳужжатларининг маълумотларига қараганда, 1908-1910 йилларда очилган. 1910 йилда Тошкентнинг Шайхонтахур қисмида Мунавварқори Абдурашидхонов, Эшонхўжа Хонхўжаев, Аъзамхон Абдурашидхонов (Мунавварқорининг акаси), Абдуллақори Мулла Саъдуллаев, Низомиддинқори Хусаинов, Юсуп Муллахон Мухаммадов янги усул мактаблари, Себзор қисмида Ҳасанхонхўжа Хонхўжаев, Собиржон Раҳимов, Рустамбек Юсуббек Хўжаевнинг мактаблари, Бешёғоч қисмида Абдушоид Мусамухамедов, Абдуллахон Иброҳимхонов, Иноятиллақори Мирзажоновнинг янги усул мактаблари фаолият кўрсатган.

Мунавварқори, Эшонхўжа Хонхўжаев ва Собиржон Раҳимов (Раҳимжонов) янги усул мактаблари Тошкентдаги машҳур ва наъмунавий мактаблар ҳисобланган. Эшонхўжа Хонхўжаев мактабида 120 ўқувчи таълим олган. Мактабда унинг ўзидан ташқари отаси Хонхўжа Шораҳимхўжаев ўқитувчилик қилган. Уларга Умаркул Онорқулов ёрдамчи ўқитувчи бўлган. Эшонхўжа Тошкентдаги Шайхонтахур мадрасасида маълумот олган. Бу мактаб 1909 йилда эски шаҳарнинг Шайхонтахур даҳа қуйи

мактабни асосий, биринчи ўқитувчиси бўлган.

Жадид мактабларида дунёвий фанларни ўқитишга катта ўрин ажратилган. Тўрт йиллик янги усул мактабларида арифметика, география, тарих, табиатшунослик, адабиёт, одобнома, араб, форс тиллари ўқитилган.

Янги усул мактаблари ўзбек зиёлларининг ватанпарварлиги, халқига, юртига содиқлиги, фидокорлиги натижасида очилган. Улар одатда ўртаҳол яшаган, моддий имконияти чекланган бўлган. Шунга қарамай Ватанига, халқига қайғуриб мактаблар очган, ёшларга дунёвий билимларни ўргатиб, юртини ривожланган, озод мамлакатга айлантиришга ҳаракат қилган.

Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори 1910 йил 27 сентябрда Сирдарё вилояти ўқув юртлари директори ва инспекторларга махфий фармойиш ёзди. Туркистон генерал-губернатори бу махфий фармойишга «тасдиқлайман» деб резолюция ёзган. Натижада, бу ҳужжат генерал-губернатор фармойишига айланган.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги амалдорлари Самсонов, Остроумов имзолаган махфий фармойиш ва бошқа ҳужжатлар мусулмон мактабларини доимий равишда назорат қилиб туриш, мактаб фаолиятига Россия ҳукумати манфаати нуқтаи

чикди. Бу қоидалар 1912 йил 25 январда Сирдарё вилояти халқ ўқув юртлари директори ва Туркистон ўлкаси ўқув юртлари инспекторларига янги усул мактаблари билан ишлашда амал қилиш учун юборилди.

Бу ҳужжатлар жадидчилик ҳаракатининг мақсадини очиб беради. Янги усул мактаблари тўғрисида қизиқарли маълумот беради. Ички ишлар министрлигининг фармойишида таъкидланадики, бу ислоҳот ҳаракат ташаббускорларининг мақсади мусулмонларни ўз тақдирини ўзи белгилашга, ажралиш (сепаратизм)га интилишга, ҳаракат қилишга ўргатиш эди. Бу борада улар мусулмонлар фикрини ўстиришга ва маориф соҳасига маълум даражада таъсир қилдилар. Маҳаллий идоралар жадид мактабларига қарши репрессияни кучайтирдилар. Ҳар хил баҳоналар билан янги жадид мактаблари очишга қаршилиқ кўрсатдилар. Улар ўлка халқларини мустамлакачиликдан озод этиб, иқтисодий маданий қоқоқликдан қутқариб, Оврупо фантехника ютуқларини ўлка ҳаётига киритиб, мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун ҳаракат қилдилар.

Нодира АЛИМОВА,
ЎзФА Тарих институти аспиранти

Термизнинг илк ўрта асорлар тарихидан

Милоднинг IV асрига келиб Буюк кушонлар салтанати инкирозга юз тутгач, Термиз ҳудуди Эрон, эфталитлар, турклар ўртасидаги ўзаро урушлар гирдобидида қолиб кетди. VII асрда Термиз ҳозирги Сурхондарё, Шимолий Афғонистон ва Жанубий Тожикистон ҳудудларини бирлаштирган Тоҳаристондаги 27 мулкнинг бири бўлиб, эфталитлар ва турклар тасарруфидида бўлган. Уша замон Термизнинг тарихи ҳақидаги таассуротларимиз Табарий каби араб тарихчиларининг асарлари, VII асрнинг 30-йилларида шаҳарга келган хитойлик роҳиб Сюань-Цзянь битиклари ҳамда археологик тадқиқотларнинг натижалари асосида шаклланди.

Буддавийлик дини марказларидан бири бўлмиш Термизда 12 ибодатхонада 1000 га яқин роҳиблар турли мамлакатлардан келган зиёратчиларни қабул қилганлар. Шаҳар ҳукмдори Термизшоҳ деб номланган. Сюань-Цзянь Термиз ҳудудини 20 ли деб белгилайди, унинг кўрсатмасида Самарқанд 10 ли, Кеш 1 ли, Косон 1 ли майдонда жойлашган. Ли баъзан 0,5 км., айрим адабиётларда 0,3 км. ҳисобланади. Ҳозирги тадқиқотчилар археологик изланишларга биноан шаҳар аҳолисини тахминан 10 минг киши атрофида ҳисоблайдилар. Буддавийлик эътиқодидаги шаҳар аҳолиси деҳқончилик ва хунармандчилик билан шугулланган. Узига тўқ кишилар ипақдан, камбағаллар бўз, сурпдан кийимлар кийганлар.

Ислом таълимотининг шаклланиши ва ёйилиши жараёнида марказлашган араб давлати вужудга келди. Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин, хулафои рашидин-чаҳорёрлар даврида Фаластин, Сурия, Месопотамия, Миср ва Эрон араб халифалиги таркибига кирди. 651 йилда Хуросон эгаллангач, мусулмон қўшинлари Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларга Мовароуннахрга интила бошладилар.

Араб манбаларига кўра, мусулмон қўшинлари Тоҳаристонни биринчи марта халифа Умар даврида, 642 йилда ишғол қилишган. Дастлаб

араблар ўлжа олиш мақсадидаги юришлар билан чекланган. Масалан, 676 йилда марҳум Халифа Усмоннинг ўғли Саййид ибн Усмон сўғд қўшинлари устидан ғалаба қозониб Термизни эгаллади. Ўзаро тинимсиз урушлар сабабли тарқоқ маҳаллий ҳукмдорлар араб қўшинларига жиддий қаршилик кўрсата олмади. Лекин араблар ҳам мустаҳкам бирликка эга эмас эдилар.

Азалдан араблар икки қисмга: шимолий ва жанубий қабилаларга бўлинган. Улар ўртасидаги ички низолар, келишмовчиликлар халифалик шаклланиши ва араб истилолари даврида, айниқса, кучайди. 661 йилда ҳокимият тепасига келган умавийлар сулоласи даврида шимолий араб қабилаларининг мавқеи кучли эди. Хусусан, 683 йилда халифа Йазид вафотидан кейин Хуросон ҳокими, шимолий араб қабилалари иттифоқи-мударийлардан бўлган қайс қабиласининг етакчиси Абдуллоҳ ибн Хозим марказий ҳокимиятга бўйсунмай, халифа Абдул-Маликка қарши кураш олиб борди. 686-687 йиллар атрофида Абдуллоҳ ибн Хозим ички муҳолифлар тажовузидан хавфсираб, ўғли Мусо ибн Абдуллоҳни Мовароуннахрга ишончли бошпана топиш учун юборди. Мусо 220 отлик билан дастлаб Омулга, кейин Заммга (ҳозирги Керки атрофи) ўтди. Йўлда 4000 кишига етган Мусо қўшини Заммни ишғол қилиб, бой ўлжани қўлга киритди. Амударёдан ўтиб, Мусо Бухоро ҳукмдоридан бошпана сўрайди. Рад жавобни олгач, бир неча ой сарсон-саргардон бўлиб, охири Самарқандга келади. Самарқанд ҳукмдори Тархун Мусони хурмат-эҳтиром билан кутиб олади ва қолишига рухсат беради. Лекин Мусо кўп ўтмай, Самарқанддан кетишга мажбур бўлади, чунки унинг ҳамроҳларидан бири Сўғд паҳлавонини яккама-якка жангда ўлдириб қўяди. Кешдан Мусо жанг билан йўлини жануб томон буришга мажбур бўлади.

Мусо ибн Абдуллоҳ Термизга келиб, ҳукмдорга душман бир деҳқон уйида кўним топади ва унинг масла-

хати билан Термизшоҳга иззат-икром кўрсатиб, унинг эътиборини қозонади. Термизшоҳ Мусони юз сафдоши билан меҳмонга таклиф қилади. Меҳмонлар шаҳар ичига кирганда, уларнинг отлари пишқира бошлайди. Термиз аҳолиси бунга ёмонлик аломати деб биладилар. Зиёфат 50х50 зира-тирсак келадиган хонада берилган. Уша даврда турли ўлчамли тирсақлар қўлланилган бўлиб, тахминан хона ўлчамлари 35х35 метр бўлган. Зиёфатдан сўнг Мусо «бундай жойни бошқа тополмайман, бу менга ё уйим, ё гўрим бўлади» сўзлари билан кетишдан бош тортади. Шундан сўнг шаҳарда аҳоли билан араблар ўртасида тўқнашув бўлиб, охири Мусо ибн Абдуллоҳ ва унинг ҳамроҳлари Термизда бутунлай ўрнашиб қоладилар. Термизшоҳ Бадахшонга кетади.

Араб битикларида нақл қилинишича, турклар араб қўшинлари ҳақида маълумот тўплаш учун одам юборганлигини билиб қолган Мусо уларни алдаш учун хийла ишлатади. Жазирама иссиқ кунда Мусо қўшинлари қалин кийиниб, гулхан ёқишиб, исиниб ўтиришади. Келган айғоқчилар бунинг сабабини сўрашганда, уларга «биз учун ҳозир совуқ, қишда эса иссиқ бўлади» деб жавоб беришади. Жосуслар булар жинлар экан, улар билан уришмаймиз, деб кетишади. Шундай бўлсада турк ҳукмдори Мусо билан урушга тайёргарлик кўриб, унга элчилар орқали заҳар, ўқ ва атир юборган. Бу билан у заҳаржанг шафқатсиз бўлиши, ўқ-уруш, атир-тинчлик белгиси демоқчи бўлган. Мусо заҳарни ўтга ташлаб, ўқни синдириб, атирни сочиб юборган ва бу билан урушимиз оловдек бўлиб, сизларни синдираман, демоқчи бўлган. Шундагина турк ҳукмдори Мусога қарши юришдан воз кечган.

Халифаликнинг шарқий қисмида араб уруғларининг ўзаро низоларига барҳам бериш учун Хуросон ҳокими қилиб тайинланган Умаййз ибн Абдуллоҳ (693-698) 696 йилда Хурайс ал-Хузойийни катта қўшин билан Термизга юборди. Куршовда қолган Мусо ибн Абдуллоҳ бир томондан тер-

мизликлар ҳамда уларга ёрдамга келган турклар билан, иккинчи томонда араб қўшинларига қарши жанг қилди.

Халифа Абдул-Малик ибн Марвон (684-705) 694 йилда халифаликнинг шарқий қисмига Хажжож ибн Юсуфни раҳбар, ноиб қилиб тайинлади. Хажжож ўзига топширилган вилоятларга ноиблар юборди. Хусусан, Хуросонга ал-Муҳаллаб ибн Суфрани тайинлади. У Мовароуннаҳрда фаол сиёсат юритган бўлсада, Мусога қарши юриш қилмади.

Мовароуннаҳрда маҳаллий аҳоли орасида катта обрўга эга Хурайс Собит ибн Қутба ал-Хузойи Язид ибн Муҳаллабни Хуросондан ҳайдаш мақсадини қўйишган эди. Лекин Мусо араб халифалигининг Мовароуннаҳрдаги вакиллари ҳайдаш билан чекланди. Натижада Мовароуннаҳрда маркази Термиз бўлган мустақил мусулмон давлати вужудга келди.

Термизда ҳокимиятни бошқаришда ака-ука Собит ва Хурайс ибн Қутбаларнинг мавқеи кучая борди. Мусонинг эски сафдошлари бу ҳолдан норози эдилар. Табарийнинг ёзишича, Мусо номигагина амир бўлиб қолди. Бу даврда Термизга бир неча бор турли томонлардан тажовузлар бўлиб турган. Шаҳар қалъаси шу қадар мустаҳкам бўлганки, сон жиҳатдан устун қўшинлар ҳам чекинишга мажбур бўлганлар. Масалан, эфта-

литлар, турклар ва тибатликларнинг бирлашган ҳужуми вақтида Мусога қарши 70 минг кишилиқ қўшин билан ҳужум қилинган. Мусо ибн Абдуллоҳ Ибн Хозим душманни шаҳарнинг работ қисмида 300 пиёда ва 30 отлиқ аскар билан тахтга ўтирган ҳолда кутиб олади. Иттифоқчилар работ деворларини ўйиб, шаҳар ичкарасига кираётганда Мусо уларга ҳужум қилиб, шу қадар талафот етказдики, иттифоқчилар иккинчи бор шаҳарга ҳужум қилишга журъат қила олишмайди. Собит ибн Қутба ал-Хузойи иттифоқчиларини йиғиб, Мусога қарши кураш бошлайди. Термиз 30 минг кишилиқ Собит ва унинг иттифоқчилари қўшини томонидан қамал қилинади. Мусо ибн Абдуллоҳ тарафдорларидан Язид ибн Хузайл хийла билан Собитни ўлдиришга эришади. Шундан кейин Мусонинг ўзи 800 аскар билан кечаси ҳужум қилиб, навбатдаги ғалабага эришади.

Ҳижрий 86 йилда (705 йилда) Қутайба ибн Муслим Хуросон ҳокими қилиб тайинлангач, Термизга ўз укаси Солиҳ ибн Муслимни ҳоким қилиб қўйди. Маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардан усталик билан фойдаланиб, Қутайба Мовароуннаҳрда араблар ҳукмронлигини узил-кесил ўрнатди. Аксарият ҳолларда ҳокимият араб ноиблари қўлида бўлса ҳам, маҳаллий ҳукмдорларнинг сиёсий мавқеи сақла-

ниб қолди.

Бутун халифаликда бўлгани каби, Мовароуннаҳрда ҳам сиёсий вазият исломни қабул қилган маҳаллий аҳолидан солиқлар олиш ёки олмаслик масаласи қандай ҳал қилинишига қараб белгиланган. Шу мазмундаги Умавий халифалар ҳокимиятига қарши Хорис ибн Сурайж кўзголинини Термиз ва Хуттал ҳокими ас-Сабл қўллаб-қувватлаган бўлса, Термиз ноиби Сунаи ал-Арабий ас-Суламийга Сағониён ҳокими иттифоқчи бўлган. Термизни узоқ қамал давомида ололмаган Хорис кунларнинг бирида қалъа девори ёнида пайдо бўлади. Шаҳар ҳимоячиларига мурожаат қилиб, таслим бўлишни, халифага қарши курашда ёрдам беришларини сўрайди. Табарийнинг ёзишича илтижо қилиб йиғлайди. Шунда Хуттал ҳокими ас-Сабл шундай деган экан: «Эй, Хорис! Термиз нағора ва найлар садосида қурилган, уни йиғи билан забт этолмайсан. У фақат қилич билан фатҳ этилади. Агар сенда курашиш имконияти бўлса, жанг қил!» деган. Лекин Хорис ҳам, унинг иттифоқчилари ҳам Термизни эгаллай олмадилар.

Термиз тарихининг бу давридаги саҳифаларидан айримларигина бизгача етиб келган. Бироқ бу парчалар Термизнинг тарихда муҳим ўрин тутганидан далолат беради.

Жалолиддин МИРЗО,
Термиз давлат университети

Наврўз улуғлар тавсифида

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечти Баҳман замҳарир қиш, қолмади қори, бузи.

Носириддин РАБҒУЗИЙ

Хамал буржига кириб қолганда офтоб
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об,
Шу кунни янги йил — байрам дейишар,
Жамшидга сочишар олтину гавҳар.

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

Янги йилнинг бошинда — рўзи Наврўз,
Садафдин чиқди бир дурри шабафрўз.
Чаманлар бўлди жаннатдан намудор,
Очилди гул, сочилди мушки тотор.

ЛУТФИЙ

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Боғ ўлди баҳордин гулафшон,
Сунбул бу гул узра кокулафшон.

Бу фаслда азми гулшан этгай,
Бўстон ҳарамини маскан этгай.

Алишер НАВОИЙ

Янги ой ёр юзи бирла кўриб эл шоду байрамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.
Юзу Наврўзию васли ийдни, Бобур, ғанимат тут,
Ки мундин яхши бўлмас бўлса юз Наврўз айрамлар.

БОБУР

Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз,
Келиб Қиш фаслин этти ёз Наврўз.
Жаҳон сар то қадат файзу сафода
Бўлиб жаннатга файз андоз Наврўз.
Ҳама эл айш базмига қилиб майл
Тараб қонунин этти соз Наврўз.

Муҳаммад Ризо ОГАҲИЙ

Навбахор очилди гуллар, сабзи бўлди боғлар,
Сухбат айлайлик келинлар, жўралар, ўртоғлар.

МУҚИМИЙ

Энди миллий бойлигимизга айланди

Миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш учун олтин, нефть, галла, металл билан бир қаторда пахта ҳам ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Пахта ўзбек халқининг миллий бойлиги. Аммо, у узоқ йиллар давомида, хусусан, сўнгги 130 йиллик мустамлака йилларида босқинчи-талончиларга хизмат қилди. Чоризм мустамлакачилиги йилларида ўлкамизда зўр бериб ривожлантирилган пахтачилик Россия тўқимачилик саноатининг пахта толасига бўлган эҳтиёжини 70 фоиздан ортиқ қондирар эди. Бу 1860 йилга нисбатан қарийб 10 марта кўп эди.

1917 йил февраль, октябрь воқеалари, сўнг рўй берган фуқаролар уруши йилларида Туркистон иқтисодиётининг асосини ташкил қилган пахтачилик ва пахта тозалаш саноати ҳам орқага кетди. Масалан, 1920 йилда Туркистонда пахта экиладиган майдонлар 125.268 гектарга, ялли ҳосил эса 12285 тоннага тушиб қолди. Ўлкада мавжуд 228 та пахта тозалаш заводларида атиги 16 таси ишламоқда эди, холос. Бу ҳол шўролар ҳукуматини ташвишлантира бошлади. Ўнлаб тўқимачилик корхоналари тўхтаб қолди, минглаб ишчилар ишсиз қолди. «Ягона манба Туркистон» деб билган большевиклар бошлиқ шўролар ҳукумати зудлик билан Туркистонда (табиийки ўз манфаати йўлида) пахтачилик ва пахта тозалаш саноатини тиклаш ва ривожлантиришга киришди. 1918 йилда национализация қилинган (давлат ихтиёрига ўтказилган) бу соҳаларни ривожлантиришга 1919 йил февралда 1 миллиард, шу йил охирида яна 1 миллиард 267 млн. рубл ажратилди. Бу маблағларнинг кейинчалик бир неча юз баробар бўлиб қайтиб келишини билган

РСФСР ХКС 1920 йил февралда «Туркистонда пахта тозалаш саноатини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Кўп ўтмай 1921 йил мартда Туркистон пахта кўмитасига 677 млн., 1922 йил май ойида 1,5 млрд., декабрда яна 9,7 млн. рубл ўтказилди.

Кўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистонда пахтачилик ва пахта тозалаш саноатининг тикланиши ва ривожланишига олиб келди. Олинган фойда йилдан-йилга ортиб борди. Миллий бойлигимиз бўлган пахта хомашёси «Миллий ифтихор», «Миллий ғурур», «Партия ва Ватан олдидаги муқаддас бурч» каби сохта шиорлар остида марказга ташиб кетилди.

1929 йилга келиб, Ўзбекистонда пахтачилик ва пахта тозалаш саноати тикланди. Ўлкада 8,2 млн. центнер пахта тайёрланди. Бу 1913 йилдагидан 0,8 млн. центнер кўп эди. СССР ўзининг пахта толасига бўлган эҳтиёжини яна 50 фоиз қондира бошлади. Аммо бу шўролар учун чегара эмас эди. Натижада Ўзбекистон собиқ СССРнинг асосий хомашё базаси пахта етиштирувчи ўлкага айланиб қолди.

Марказ 1929 йилда «Бош пахта кўмитаси иши тўғрисида», «Тўқимачилик саноатининг аҳволи ва истиқболи тўғрисида» каби бир неча қарорлар қабул қилиб, ўзбек халқи олдида яқин йиллар ичида «СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлаш» вазифасини қўйди. Бу ниҳоятда қийин ва оғир вазифа эди. Аммо ўзбек халқи мажбуран бу вазифани бажарди. 1932 йилда Ўзбекистонда 814 минг тонна пахта тайёрланиб, ундан 250 минг тоннадан ортиқ пахта толаси ишлаб чиқилди. Бунча миқдордаги пахта билан СССР ўзининг эҳтиёжини 94,8 фоизга қондирди. Демак, асосан ўзбек халқининг катта куч-

гайрати билан «СССРнинг пахта мустақиллиги» таъминланди. СССР четдан пахта сотиб олишдан қутилди. Бу ҳол марказга ҳар йили четдан пахта сотиб олиш учун сарф қилинадиган 100 млн. (олтин ҳисобида) маблағни иқтисод қилиш имконини берди. Бунча миқдордаги катта маблағнинг қанчаси Ўзбекистонга, пахтакор-деҳқонга тегди, бу биз учун қоронғу эди. Юртбошимиз «Биз меҳнатимиз мевасидан ўзимиз бахраманд бўлолмасдик», деганда минг бор ҳақ эди.

Шундай қилиб, миллий бойлигимиз йилдан-йилга кўпайиб, марказ хазинасини тўлдира бошлади. Агар чоризм мустамлакачилиги йилларида Туркистонда 8 млн. тонна пахта тайёрланган бўлса, шўролар ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда 212 млн. тонна пахта етиштирилди («Халқ сўзи», 21 январь 1998 й.)

Тўлиқ бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра фақат 1930-1990 йилларда, яъни 60 йилда Ўзбекистонда 190 млн. тонна пахта тайёрланган. Бу ўртача 63-65 млн. тонна муҳим хомашё — пахта толаси демакдир. Бир тонна тола жаҳон бозорида ўртача 1,5-1,7 минг доллар туришини эътиборга олсак, бунча миқдордаги пахта толаси неча миллиард долларга тенг бўлиши аён бўлади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, фақат 1975-1990 йилларда республикамиздан «камида 35 миллиард долларлик бойлик-пахта ва олтин марказ эҳтиёжи учун олиб чиқиб кетилган» (И.Каримов «Элни Ватан манфаати бирлаштиради».)

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритиб, ўз тараққиётини ўзи белгилай бошлагач, пахта ва бошқа бойликларимиз ўзимизга хизмат қила бошлади. «Пахта Ўзбекистон учун республиканинг мустақиллигини кафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий

куч-қудрат манбаи» бўлиб қолди. Зеро, ҳақиқий миллий бойликка айланган пахтамиз «ҳозирги вақтда асосий валюта ресурси, республика учун ҳаётий муҳим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар... техника ва технология ускуналарини импорт бўйича сотиб олишни таъминлаётган асосий манбадир» (И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., 1995 й.)

Бугун Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда ҳам муҳим стратегик маҳсулот — пахта ва ундан тайёр маҳсулотлар тайёрлаб экспорт қилишда етакчи ўрин тутади. Республикамиз бугун бутун Марказий Осиёда тайёрланаётган 2 млн. тоннага яқин пахта толасининг 1,5 млн. тоннасини тайёрлаб, уни хорижга чиқариб сотиш бўйича дунёда АҚШдан сўнг 2-ўринда турибди.

Миллий бойлигимиз — пахтамизининг республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги роли ҳам бекиёсдир. Пахтадан тайёр маҳсулот ишлаб чиқараётган республикамиздаги мавжуд Андижон, Бухоро, Тошкент, Фарғона тўқимачилик комбинатлари, 30 дан ортиқ ип йигирув-тўқув фабрикаси, Кобул-Тўйтепа-Текстайлз, Аснамтекстил, Катекс, Элтекс, Самжинтекс, Супертекстил каби ўнлаб кўшма корхоналар қувватини ошириш, янгиларини куриш ишлари қизғин бормоқда. Мақсад республикамизда тайёрланаётган пахта толасининг камида 30-50 фоизини қайта ишлаб, уни тайёр маҳсулотга айлантириш. Шўро ҳокимияти йилларида атиги 3-5 фоиз пахта толаси қайта ишланган бўлса, мустақиллигимизнинг қисқа даври ичида бу кўрсаткич 25-26 фоизга етиб қолди.

Иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги туфайли мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини топиб бораётганлиги кўп жиҳатдан айна шу пахтамиз — бойлигимиз билан боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Искандар ҲАЙИТОВ,

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат инситути

Санъаткор олим

Мурод Савуров 1941 йилда Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Дўстлик» жамоа хўжалигининг «Буламохурон» қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши туфайли отасидан эрта жудо бўлди. Онасининг тарбиясида ўсди, улғайди. Иккинчи отаси Йўлдош Эргашев ўз меҳрини аямади, Муродни кўз қорачигидай асраб, авайлади. Мурод ўрта мактабни 1957 йили аъло баҳолар билан тамомлади.

Муроднинг спортга, санъатга қизиқиши бешинчи синфдаёқ бошланди. У туман, вилоят спартакиадаларида қатнашиб фахрли ўринларни эгаллади.

1957 йилда республика ёшлари ўртасида Тошкентда ўтказилган республика спартакиадасида оғир ҳажмли велосипедда биринчи ўринни эгаллаб, биринчи разрядли спорт нормативини бажарди ва собиқ Иттифоқ ёшлар спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини олди.

... Муроднинг қалбида яна бир бошқа завқ-шавқ ҳукмрон эди. Унда санъатга бўлган иштиёқ тобора кучайиб борарди. У мактабда «Саҳнаий нафиса» тўғараги қатнашчилари билан бирга концертларда қатнашарди. 1957 йили жаҳон ёшлари фестивалига бағишланган театрлашган намоишда «Бой ила хизматчи» спектаклида Солихбой ролини ижро этди.

Муסיқа ўқитувчиси, марҳум Қаноатов раҳнамолигида кўшиқлар ижро эта бошлади. Санъатга бўлган бундай ишқибозлик уни республика Театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга киришга даъват этди.

У аввал Тошкентдаги 10 ойлик кинемеханиклик курсида ўқиди, бўш вақтларида Тошкент тўқимачилик комбинати Маданият саройидаги халқ театрида ишлаб юрди, институтга киришга тайёргарлик кўра бошлади.

1958 йили Театр ва рассомлик институтининг Раззоқ Ҳамроев ва Михаил Фаттоҳов раҳбар бўлган муסיқали драма курсига қабул қилинди.

Институтда ўқиб юрган йиллари у Тошкент кечки маданият университетининг эстетика ва диншунослик

бўлимида таълим олди. 1963 йили Театр ва рассомлик институтини тугатиб, Садриддин Айний номидаги муסיқали драма театрига ишга жойлашди. Мурод Савуров 1964 йили Самарқандда очилган Опера ва балет театрида опера солисти сифатида иш бошлади.

У театрда Мухтор Ашрафийнинг «Фурқат» операсида Фурқат, Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операсида Чўпонали, Борис Зейдман, Дони Зокиров ва Юнус Ражабийнинг «Зайнаб ва Омон» операсида Омон, Толибжон Содиковнинг «Гулсара» операсида Қодир каби етакчи партияларни маҳорат билан ижро этди.

Самарқанд давлат университетининг тарих факультетини сиртдан 1970 йилда тамомлаган. Мурод Савуров 1969 йилдан бошлаб Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институтида этика ва эстетика фанлари бўйича дарс ўта бошлади. Унинг илмий ишга қизиқиши янада авж олиб кетди.

У 1973 йили Москва давлат университетининг фалсафа факультети қошидаги аспирантурага қабул қилинди. Бу ерда Л.И.Новикова ва М.Ф. Овсянниковлар раҳбарлигида «Телевидениенинг Ўзбекистон бадиий маданиятининг ривожланишида роли» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзиб, уни 1977 йили муваффақиятли ёқлади.

1981-1983 йиллар давомида Москва давлат университетиде докторант бўлди. «Ўзбекистон бадиий маданиятининг кишиларни эстетик тарбиялашдаги роли» мавзуси бўйича қатор монографиялар ва мақолалар эълон қилди.

Ҳозирги кунда Мурод Савуров Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтининг фалсафа ва социология кафедрасида илмий-педагогик ишларини давом эттирмоқда.

Унга соғлиқ, узоқ умр, баракали илмий-педагогик ҳаётида омад ёр бўлишини тилаймиз ва қутлуғ 60 ёши билан қутлаймиз.

**В. ШУРАЕВ,
Ҳ. ЭРГАШЕВ**



Уятчанлик ва тортинчоқлик

Шарқ халқлари ахлоқ фалсафасида уятчанлик ва тортинчоқлик фазилат ҳисобланади ва унинг тескариси — сурбетлик ва уятсизлик иллат, беодоблик сифатида қораланади.

Турли миллат ва маданиятга мансуб одамларнинг тортинчоқлик ва уятчанликка муносабати ҳам турлича. Шу ўринда бир фикрга алоҳида урғу бериш керак, яъни биз психологлар ва ҳар бир индивидуал шахс учун энг муҳими, одамнинг ўз тортинчоқлиги ва уятчанлигига муносабати масаласидир. Чунки, агар шахс тортинчоқлик ва уятчанлик ҳолатида ўзини қулай ва яхши ҳис қилса, эҳтимол бундай ҳолат шахс учун маълум маънода қониқиш ҳиссини пайдо қилади. Лекин агар шахс бундай ҳолатда ўзида психологик ноқулайликлар ҳис қила бошласа, ўзининг ҳулқи учун ички норозилик пайдо бўлса, ўзидаги бу ички ҳолат унинг атрофдагилар билан муносабатига салбий таъсир қилаётганлигини сеза бошласа, унда бундай шахсда ички зиддиятлар, невротик ҳолатлар пайдо бўлиши ва ундаги бу ҳолат

атрофдагилар учун ҳам ноқулайлик келтириб чиқариши мумкин. Аксарият ҳолларда тортинчоқ ва уятчан одамлар ўзларидаги бу камчиликни яшириш, ўзларини дадил кўрсатиш учун кўпчилик орасида фаолроқ, сергакроқ, ўзига хосроқ бўлиб кўринишга ҳаракат қиладилар. Лекин уларда ҳулқнинг бундай шакли учун ижтимоий малаканинг етишмаслиги ва шундай ҳолатда ҳам «мен тўғри қилаяпманми?» деган андиша туфайли улар баъзан кўполлик қилиб, бировларнинг дилига озор бериб ва атрофдагиларнинг азият чекишига олиб келадилар.

Америкада ўтказилган тадқиқотларда турли гуруҳларда бу кўрсаткич 25 фоиздан ошмаган ҳолда Шарқ мамлакатларидан келиб ўқиётган ўқувчи ва талабаларда 60 фоиздан юқори бўлган. Бизнинг шахсий тадқиқотларимизда ҳам сўровда қатнашган респондентларнинг 65 фоиздан ортиғи ўзини тортинчоқ ва уятчан деб ҳисоблашган. Ҳар бир одамнинг тортинчоқлик ва уятчанликка нисбатан шахсий муносабатини белгилаб олинмаса у ўз муҳитидан

бошқа муҳитга тушиб қолса ва унинг уятчанлик, тортинчоқлик руҳий ҳолати нуқсон деб баҳоланса, жиддий ижобий ва салбий муаммолар келиб чиқариш хавфи бор. Тортинчоқликнинг ижобий оқибатлари борми ва улар қандай кўринишда?

Уятчанлик, тортинчоқлик туфайли одамлар назарида камтар, ўз фикри билан банд одам сифатида кўриниш имконияти пайдо бўлади; уятчанлик, тортинчоқлик ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг энг қулай усули бўлиб, зиддиятларнинг олдини олади; бошқаларни четдан кузатиш, вазмин ва мулоҳазали бўлиш имконияти пайдо бўлади; тортинчоқ одамга шилқим, тажовузкор, ўзига бино қўйган деб салбий баҳо беришмайди; тортинчоқлик туфайли одам ўзига ёққан суҳбатдош танлаш имкониятига эга бўлади; ёлғизликдан лаззатланишга эришади; шахслараро муносабатларда тортинчоқлик бошқаларни ерга уриш ёки хафа қилишдан сақлайди.

Бу ижобий оқибатлар билан бир қаторда тортинчоқлик, уятчанликнинг қатор салбий оқибатларини

Навоийхонлик



Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ғазал мулканинг султони, ўзбек шеърини даҳоси Мир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган шодиёна кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтди.

Анжуманда буюк мутафаккир ижодининг мухлислари иштирок этиб,

Буюк эҳтиром

консерватория ўқитувчи ва талабалари томонидан тайёрланган мароқли асарларни тингладилар. Навоийхонликни атоқли олима Суйима Фаниева бошлаб берди. Навоийшунос ўз чиқишларида буюк бобокалонимизнинг инсонийлик фазилатлари, бизга мерос бўлиб қолган бебаҳо асарлари ҳақида гапириб, ҳар бир мухлис қалбида шоирга нисбатан улғу ифтихор туйғулари борлигини таъкидлади.

Буюк алломанинг пурмаъно ғазаларини консерватория доценти Ҳалима Йўлдошева ўзгача нафислик, нозиклик, улғуворлик билан ўқидики,

завқланмай иложингиз йўқ.

Ғазал мазмунини кўз олдингизга шундай намён қилдики, сиз шоирни яна бир бор қайта кашф этасиз.

Яна ва яна Навоий ғазаллари, унга басталанган куйлар янгради. Ғазалхонлик бошланди.

...Муסיқа, шеърят инсон қалбини гўзаллаштиради. У барчани эзгуликка чорлайди, дунёда яна бир мўъжизакор олам борлигини ҳис эттиради ва унинг сирли кошонасига олиб киради. Шунинг учун нафис диллар гўзалликка иштиёқманд, унга талпинади, уни тинглайди, ундан руҳий мадор олади.

хам кўрсатиб ўтиш лозим. Тадқиқотларда аниқланишича, тортинчоқлик, уятчанлик туфайли одамда бошқалар билан танишиш, дўстлар ортириш, суҳбатдан лаззатланиш қийинчилиги кўринишидаги турли ижтимоий муаммолар ва ёлғизлик, яқкаланиш, депрессия-руҳий қисилиш каби салбий ҳиссиётлар юзага келади. Гоҳо тортинчоқ одамнинг ижобий ва бошқа ютуқларини пайқашмайди, бундай одамнинг ўз мақсадига эришиши, ўз фикрини билдириши, қўлга киритган ютуқларидан тўлиқ фойдаланиши қийинлашади. Тортинчоқ одамни кўпинча ноҳақдан одам суймас ёки одамови деб салбий баҳолашади.

Тортинчоқлик, уятчанлик меъеридан ошса, хавфли оқибати шундаки, бундай одамларнинг ғазаби, нафрати, шодлиги, муҳаббати, ғам-ташвиши бошқаларга билинмайди.

Психоаналитик назария бўйича ички психик энергия-либидонинг вақтида нормал сарф бўлмаслиги туфайли бундай одамларда «Мен» структурасининг парчаланиши, турли иллат комплекслари, руҳий бузилишлар, невротик ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин энг катта хавф шунинг ўзигина эмас. Бундай одамларнинг йиллар давомида ичида сақланиб, тўпланган «агрессияси» норозилиги баъзан охириги томчи, арзимаган бир сабаб туфайли отилиб чиқишига, портлашига сабаб бўлиши мумкин. Шунда ўзини бошқа-

риш имкониятини йўқотган тортинчоқ одам ёки бировнинг жонига қасд қилиши ёки ёшлиги, ожизлиги туфайли ўз жонига қасд қилиши мумкин. Жаҳлдор одамлар эса ҳар қадамда шунга мойилдир.

Биз миллий характеримиздаги уятчанлик, тортинчоқлик сифатларига қизиқиб, дастлабки тадқиқот натижаларини эълон қила бошлаганимизда «Сизлар уятчанлик, тортинчоқликни салбий сифат деб баҳолаясизлар, демак одам уятчан бўлмаса, уятсиз бўлиши керакми, унда ибод, ҳаё, андиша каби фазилатлар қаерда қолади?» — каби эътирозлар бўлганди. Ибод, ҳаё, андиша каби фазилатларнинг миллий характеримиздаги аҳамиятига шубҳа йўқ. Лекин ўзбеклардаги «андишанинг оти кўрқоқ», «ўта камтарлик — манманлик» каби баҳоловчи мезонларни ҳам унутмаслигимиз керак.

Тортинчоқликнинг келиб чиқиши ҳақидаги ирсий назарияга кўра, (Раймонд Кеттел) одамлар туғма диллик, ўзига ишонч ва хавфга ўта сезгирлик омилига эга бўлишади. Хавфга ўта сезгирликлари туфайли бундай одамларнинг асаб тизимлари ўта кўзгалувчан ва улар кўпроқ гайришуурийлик, эпилепсия, мигрен, ангина, ипохондрия-вахима, эксцентризм — ўз-ўзига берилишга мойил бўлишади. Буларнинг барчаси эса уятчанлик белгиларидир.

Фарб хулқ психологияси концепциясига кўра уятчанлик ижтимоий

стимулларга нисбатан ўзлаштирилган кўрқув реакцияси бўлиб, бу хусусият болалик пайтида катталар билан ўзига хос вазиятларда салбий мулоқот тажрибасидан, тўғри мулоқот малакаларининг шаклланмаслигидан, ўзи ҳақидаги доимий хавотирдан, ўзининг бошқаларга ўхшамаслиги, беўхшовлиги ҳақидаги фикрдан келиб чиқади. Психоаналитик назарияга кўра, уятчан одамлар ўз-ўзи билан банд (нарциссизм) ёки муддатидан олдин катталарнинг ҳимоясидан маҳрум бўлганлардир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, оилада кенжа фарзандлар камдан-кам уятчан бўлишади, чунки уларга нисбатан камдан-кам жазо чоралари қўлланилади, меҳрибонлик эса бошқа болаларга нисбатан зиёдроқ бўлади.

Одамдаги меъеридан ортиқ уятчанлик, тортинчоқликни бартараф қилиш учун ички кўрқувни енгишга ёрдам берадиган кўплаб психотерапевтик усуллар ишлаб чиқилган. Лекин асосий масала жамиятнинг, ижтимоий фикрнинг бу нуқсонларга муносабатини ўзгартиришда. Агар биз ота-оналарнинг ўз фарзандларига, ўқитувчиларнинг ўз тарбияланувчиларига, жамиятнинг ҳар бир фуқаросига нисбатан ҳурмат билан қарашига эришсак, одамлар ўзини буюк халқнинг фарзандлари деб ҳис қила олади.



Мухлисларни сеҳрлаган лаҳзалар

Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов танбурда ижро этган ҳар бир куй қалбингизда ёник туйғулар уйғотса, халқ ҳофизлари Орифхон Хотамов, Қувондиқ Искандаров, Маҳмуд Тожибоевлар ижросидаги мум-

тоз наволар сизни Навоий дунёсига инжил наҳри соҳилларида кезган шоир ҳаёлига келган маъсумотга олиб киради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Машраб Эрматов, Эркин Рўзиматов сизни яна дил-

бар куйлар сомеъларни сел қилди.

Бир сўз билан айтганда, буюк даҳога буюк эҳтиром рамзи бўлган бу шодиёна хорижий меҳмонлар қалбини ҳам файзу, ифтихорга тўлдирди.

М. АБДУЛЛАЕВА



мазкур қиссани ёзишда ўз олдига улуғ ўзбек шоири, давлат арбоби, олим ва мутафаккир сиймосини чизишдек масъулиятли вазифани кўяди.

Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романи ҳам шу мавзуга бағишланган бўлиб, унда бош қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ Мовароуннахр ва Хуросонда XV аср охири ва XVI аср бошларида содир бўлган қатор тарихий воқеалар хронологик тартибда кўрсатилади. Бундай воқеалар ривожини Бобурнинг мураккаб ҳаёти ва ижод йўлини кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқдир. Роман имконият доираси анча кенглиги сабабли асарда Бобурнинг тахтга ўтирган даврдан то умрининг охиригача бўлган давр босқичма-босқич тасвирланади. Романда Бобурнинг шахсий кечинмалари, инсоний эзгу ниятлари ва сиёсий қарашлари ўзининг чуқур ифодасини топади. Х.Султонов эса қисса жанрининг имкониятларидан келиб чиқиб, «Саодат соҳили»га Бобур умрининг сўнгги 6 ойини асос қилиб олади. Роман ҳам, қисса ҳам Бобурнинг ўлими воқеаси билан якун топади. Ҳар иккала асарда ҳам ўхшаш тарихий фактлар анчагина. Бироқ уларнинг бадиий талқини турлича. Бобурнинг кейинги пайтда бетоб бўлиб қолиши, уни Юсуфий исмли табиб даволаганлиги ва Бобур қалбида кечган руҳий жараёнлар икки асарда ҳам ўзининг яхши ифодасини топган. Ҳар иккала асарда ҳам Бобурнинг олим сифатидаги қиёфаси, мураккаб характери тасвири илм аҳллари билан муносабати орқали, чунончи: «Юлдузли тунлар»да Бобур ва Хондамир, «Саодат соҳили»да Бобур ва Ҳофиз Кўйкий ўртасида бўлиб ўтган суҳбатларда ўз аксини топади. Романда ҳам, қиссада ҳам тасвирланишича, Бобур олимлар билан бўлган мунозараларда ўз қалбидаги муаммоларнинг ечимини топгандай бўлади. Шу сабабдан уларга иззат-икром кўрсатади. Қиссада руҳият таҳлили романдагига нисбатан анча устун эканлигини кўраемиз. Қиссада адиб қаҳрамоннинг инсоний сиймосини, она юрт ҳажрида чеккан изтиробларини бадиий лавҳаларда янада ишончли ва ҳаққоний ёритиб беради. Муаллиф асарда мураккаб муҳит ва чигал вазиятдаги қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини, уни бундай ишларга бошлаган омилларни, энг муҳими, Бобур руҳиятидаги зиддиятли ҳолатларни

Саодат соҳилини излаб...

Кейинги даврда тарихий мавзуда асар ёзишда бой тажрибага эга бўлган ёзувчимиз М.Осим ижодий аънаналарини давом эттириб, ўтмиш фан ва маданиятимизнинг ёруғ юлдузлари ҳақида яратилаётган тарихий қиссаларнинг кўпчилигида анча мукамал бадиий характерлар яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу асарларнинг эътиборли томони шундаки, унда ўтмишдаги буюк аждодларимизнинг илм йўлидаги мураккаб, руҳий кечинмаларга бой, жўшқин ҳаёти кўрсатилади. Бу борада Ҳайриддин Султоновнинг Бобур умрининг сўнгги даврига бағишланган «Саодат со-

ҳили» тарихий қиссаси диққатга сазовордир. Адиб Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодига бағишланган яна талай асарлар яратган. «Ой ботган паллада», «Нуқта» ҳикоялари, «Бобурнинг тушлари», «Тавба» каби эссебадеалари шулар жумласидандир. Адиб бу асарларда Бобурнинг буюк мақсадлар йўлида кечган оғир, машаққатли ҳаётини шоирона бўёқлар билан тиниқ манзараларда кўрсатиб беради.

«Саодат соҳили» қиссасида ёзувчининг олис тарихни жуда яхши билиши, Заҳриддин Бобур умрининг сўнгги давридаги мураккаб ҳаёт йўлини, руҳий кечинмаларини аниқ тасвирлаши кўзга ташланади. Ёзувчи

анча чуқур ва таъсирчан баён этади. Дастлаб асар фазилатлари ҳақида адабиётшунос Санжар Содиқ куйидаги мулоҳазаларни билдирган эди: «Х.Султонов деярли бутун ижодида, хусусан, «Саодат соҳили» асарига Бобоқул деган кимсанинг бир вақтлар Бобур билан ўз юртидан кетганлиги, энди эса ўзга ўлка бозорларида жинни бўлиб, қўшиқ айтиб юрганлиги кўрсатилган. Уни қидириб сафарга чиққан Бинокул исми ўғли эса йўлда ҳалок бўлади. Бу воқеага ҳеч бир изоҳ берилмайди. Образли кўрсатилган мазкур воқеа устида жиддий ўйлаб кўрилгандагина, китобхон унинг воситасида Бобурнинг ўз юртидан кетиши фақат ўзи учунгина эмас, балки бошқа кўплаб кишилар учун ҳам даҳшатли қисмат бўлганлигини англаб этади. Х.Султонов катта истеъдод соҳиби эканлигидан далолат берадиган бундай образли тасвир, афсуски, ҳозир яратилаётган кўп асарларимизда етишмаяпти».

Ёзувчи Бобур образини унга замондош тарихий шахслар ва бадиий тўқиманинг махсули бўлган образлар билан чамбарчас боғланган ҳолда акс эттиради. Шу билан бирга, ёзувчи образлар ҳаракат қилаётган XVI асрнинг муҳити, руҳи ва ижтимоий ҳаёт йўналишини ҳам ҳаққоний лавҳаларда ёритди. Қиссадаги образларнинг ҳаммаси ўз замонасидаги тарихий шароитга узвий боғлиқ ва сингиб кетгандек, уларни ўз муҳитидан узиб олиб бўлмайди. Қисса ўз даврининг машҳур алломаси Ҳофиз Кўйкий ва ёш олим Бинокулнинг Ҳиндистонга, Бобур саройига сафари билан бошланади. Йўлда ёш олим ҳалок бўлади. Кўйкий кўп машаққатлар билан Бобур хузурига етиб келади. Дастлаб шубҳа билан кутиб олинган Кўйкийнинг мақсадларини билгач, Бобурнинг кўнгли ёришиб кетади. Унга саройдаги илм хазиналарининг ҳамма эшикларини очиб беради.

Ҳофиз Кўйкий унга ўз қадрдон она юрти тимсоли бўлиб кўринади. Инсон қадри-қимматини, адабиёт ва санъатни қадрловчи шоҳ Кўйкийнинг илм йўлидаги изланишларига кўмак беради. Бобур уни тез-тез хузурига чорлаб, суҳбат қуради ва ўзининг қалб яраларига малҳам топганидек бўлади.

Тарихий мавзуда ёзилган бадиий асарда воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бериш, тарихий шахс образини

китобхонга ишонарли ҳолатда, реал ҳаёт оқидамида кўрсатиш ва тадқиқ этиб бериш муҳимдир. Бундай пайтда тасвирдаги катта хизматни руҳий таҳлил бажаради. Шу жиҳатдан «Саодат соҳили» қиссасида Бобур образини қай тарзда бадиий характер даражасига ўсиб чиқиш жараёнини кўздан кечириш алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки асарда шоирнинг сўнги даврдаги ҳаёт йўли тасвири батафсил кўрсатилган, руҳий кечинмалари анча чуқур очилган.

Бизга маълумки, Бобур Ҳиндистонда тўрт йил ҳукмронлик қилган. Бу давр мобайнида катта давлатни ўзи орттирган обрў ва қурол кучи билан сақлаб қолган. Адиб асарда мана шу йиллар давомида Бобур ўз юртини кўмсаб, изтиробда умр кечирганини, ўз тақдирининг нақадар фожеали аҳволга тушганини англаб етиши, «ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлгил» деган мақолни эслаб туриш каби ҳолатлар орқали тасвирлаб беради. Шундай вазиятда муаллиф ўз қаҳрамонининг характеридаги етакчи хусусиятларини баъзан унинг нутқи орқали очишга ҳам ҳаракат қилади.

Ёзувчи қаҳрамоннинг ҳам дилини, ҳам тилини сўзлата олган ва бу орқали шоир қалбининг кўпчиликка номаълум томонларини очишга муваффақ бўлган. Бунда, албатта, адиб фантазияси алоҳида аҳамият касб этади. Асарда бундай ҳолатлар шундай жонли уюштирилганки, натижада қаҳрамон китобхон кўз ўнгига ўз қиёфаси, характери билан худди тирик одам сифатида гавдаланади.

Х.Султонов Бобур дунёқарашининг моҳиятини монолог, диалог, тавсиф ва бошқа тасвирий воситалар орқали очишга интилиб, унинг ватанпарварлигини, инсонпарварлигини, бой ички маънавий дунёсини атрофлича ёритишга муваффақ бўлади. Бобур образининг жонлилигини таъминлаш мақсадида адиб лирик чекинли тарзида асарга қаҳрамоннинг характерини очишга яқиндан ёрдам берувчи ўз мулоҳазалари ва баҳоларини ҳам тасвир жараёнига киритади. Ёзувчи бундай усул ёрдамида Бобур характерининг у ёки бу томонини очиб беришга муваффақ бўлади. Тасвирда унинг бир қатор фазилатлари билан бирга, одамийлик хусусиятлари ҳам давр нуктаи назардан ёритилиб берилади.

Қиссадаги шоир Кўйкий ҳам реал тарихий шахсдир. Унинг асл исми

шарифи Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий бўлиб, XVI асрда яшаб ижод этган тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон, олимдир. Али Кушчининг авлодидан. У бир қанча мамлакатда саёҳатда бўлади. Ҳиндистонга икки мартаба борган. Бир сафар Бобур ҳаётлигида бўлади. Мана шу тарихий фактлар асарда ўзининг бадиий ифодасини топган.

Қиссанинг китобхонни ҳаяжонга соладиган, энг таъсирчан лавҳалари Кўйкий ва Бобур ўртасида бўлиб ўтган суҳбатларда кўринади. Ҳофиз Кўйкий ўзининг камтарлиги, андишаллиги ва билимдонлиги билан шоҳни ҳайратда қолдиради. Шу боис Бобур уни ҳар доим суҳбатга чорлаб, суҳбат асносида қалбида пайдо бўлган кўплаб чигалликларга жавоб топгандай бўлади. Бобур руҳиятидаги узоқ вақт давом этган ички курашнинг ечими, Кўйкий томон бурилиши психологик жиҳатдан яхши асосланган. Бобур суҳбатларининг бирида саодат соҳилини топганини ва у қаердалиги ҳақидаги саволга шу вақтгача ҳеч кимдан жавоб ололмаганини айтганда Кўйкий: «Саодат соҳили Ватанда олампа ноҳ», — деб юборади. Бу жавобдан Бобурнинг битмас ярасига туз урилишини, ҳатто, бу қисқа жавоб унинг ўлим билан баробар эканини китобхон англаб этади.

Мазкур қиссада яна бир қанча персонажлар иштирок этадики, уларнинг ҳам ҳар бири ўзига хос ўринга эгадир. Ёзувчи булар ҳақида қуруқ баён қилиб қолмай, балки улар ўртасидаги умумий мантиқий боғлиқлигини ҳам таъминлайди. Асарда образларнинг табиий чиқиши, тарихий шароит тасвири, тарихий шахс образининг бадиий талқини, давр тилининг тўлақонли ўз аксини топиши, тўқима образларнинг асар гоёсига сингдирилиши каби фазилатлар асарнинг бадиий қимматини оширган.

Юқорида номи зикр этилиб, бир оз таҳлил этилган ва шу каби тарихий мавзудаги қиссаларнинг кўплаб яратилаётганлиги ижобий ҳолдир. Чунки бугунги авлодни ўз ўтмишидан хабардор этиш ва юрт мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан биридир.

Қобил КЎБАЕВ,

Гулистон давлат университети
Ўзбекистон адабиёти кафедраси
катта ўқитувчиси



Маснавий

Жалолиддин Румий

Маснавий

Дар яке гуфта: «Риёзат суд нест, Андарин раҳ махласй жуз жуд нест».

Таржима

Бирда ёзмишдир: «Риёзат — судсиз,¹ Топмагай ҳеч ким нажот бу жудсиз».

Лисоний таржима

Бир туморга вазир шундай деб ёзди: «Риёзат чекманг. Риёзатнинг фойдаси йўқ. Ягона нажот йўли — саховатпешалик ва кечиримлилик».

Шарҳ

Жуд — бағишлаш, кечирриш. Ҳеч қандай тамаъсиз, гаразсиз. Баъзилар дейдилар: сахо ёхуд саховат бермоқ ва ўзида ҳам ўшанча миқдорда қолдирмоқ. Жуд эса кўпроқ бермоқ ва озроқ ўзда қолдирмоқ. Ийсор — бермоқ ва ўзда ҳеч нарса қолдирмаслик.

Модомики, жуд — бағишлов тамаъсиз ва гаразсиз экан, бинобарин, унинг шарти илтифот тарки, Ҳақдан ўзгага таважжух айламасликдир.

Жуд — бағишлов нафсоний офатлардан фано бўлмоқ. У асли фано ва йўқликнинг бир навъи. Ўздан халос бўлмоқлик. Ўзни кўрмаслик, ўз зотиға бўлган муҳаббатни йўқ айламоқ.

Айтиш лозимки, риёзат иллатлидир ва жуд ҳар недан пок.

Ушбу нуқтада кечиримлилик, саховат риёзатдан устун келади. Зоҳиран ҳазрат Мавлоно ушбу байтда Абул Ҳусайн бин Муҳаммад Нурийнинг (вафоти ҳиж. 295) тариқатиға ишора қилмоқда. Тасаввуф тарихида «Нурия» деб ном олган ушбу йўлнинг асоси юқорида таъкидланган ийсор — бермоқ ва ўзда ҳеч нарса қолдирмаслик маслагидир. Шу маънода «ийсория» номи билан машҳур бу тариқатда жуд ҳам ийсорга мазмунан яқиндир. Ийсор хоҳ мол, хоҳ ҳаёт ва ёхуд руҳга тааллуқли бўлмасин барини бағишламоқ демақдир.

1. Судсиз — фойдасиз.

(Давоми. Боши ўнгида солиқарда.)

Маснавий

Дор яке гуфта, ки: «Жуъу жуди ту Ширк бошад аз ту бо маъбуди ту. Жуз таваккул, жуз, ки таслими тамом Дар ғаму роҳат ҳама макрасту дом».

Таржима

Бирда ёзмиш: «Очлигу жуду сахо, Ширкдир Парвардигорга мутлақо. Ҳам таваккул ҳамда таслимсиз тамом Ғам ва роҳат барчасидир макру дом».

Лисоний таржима

Вазир туморларнинг бирига шундай деб ёзди: «Агар очлик, таомдан парҳез қилмоқ ва кечиримлиликни ёлғиз ўзингга мансуб деб билсанг, Худони назарда тутмасанг, ширкка дучор бўласан ҳамда Парвардигорингга шерик танлайсан. Демак, риёзат мақомиға эришган одам ёлғиз Худонигина ҳамма нарсанинг омили деб билмоғи керак».

Таваккулсиз ва буткул таслимсиз барча-барча ишларда, ҳатто ғам ва роҳатда ҳам макр мавжуд. Таваккул — энг олий урфоний мақомот. Таваккулдан мурод барча ишларни тириклик оламининг вакили — Худого топширмоқ. Бу мақом рижодан кейинги ўринда туради. Зеро, токи умид ва рижо Ҳаққониятга вакил бўлмаса, ишни унга топшириб қўймоқ фойдасиз. Муҳйиддин ибн Арабий таваккул таърифида шундай дейди: «Таваккул Ҳақ таълоға нисбатан қалб эътимодидир». Суҳал бин Абдуллоҳ дейди: «Таваккулнинг дастлабки шарти Қудрат қошида мурда бўлмоқ. Яъни мурда мурдашўй ғассолнинг ихтиёрида бўлгани каби. Кўрганмисиз, мурда ғассол кўлида экан ҳаракатсиз ҳолатда қотиб тураверади. Ғассолнинг қўллари уни ҳаракатга солади».

Шарҳ

Юқорида таъкидлангани каби, таваккул бир ишни Худонинг ихтиёрига топширмоқ. Сўфийлар ақидасига кўра, таваккул қалбий ҳолатдир. Унинг асоси солиқнинг Ҳақ таъоло бандалари устидан мукамал илм ва қудратга эга эканига қатъий

ишонмоғи. Ҳақ таъоло бениҳоят қудрат, шафқат, иноят ва раҳмат соҳиби. Солиқ Ҳақ таъолодан ўзга бирор бир тадбир соҳиби йўқлигига қалби ва ақл-идроки билан иймон келтирса, унинг қалбида таваккул туйғуси пайдо бўлади. Бу ҳолни қуйидагича таърифлаш мумкин: «Асбобдан алоқани узмоқ, мусаббибул асбобга (сабаблар сабабчиси) боғланмоқ».

Таслим — илоҳий аҳқом, қазо ва қадарга итоат қилмоқ. Таслим — таваккул натижаси.

Жуъ — очлик, жуд — саховат ҳар бири алоҳида ҳолатда банданинг амали. Ушбу ҳодисалар боқийлик ва мавжудият сабабчиси. Очлик шаҳватнинг олдини олади. Ғараз ва тамаъгирлик билан қилинмаган саховат — жуд банд умрининг боқийлигига кафолат.

Таваккул Худодан ўзга нарса-ҳодисаларни кўрмаслик, тан олмаслик. Шу маънода бу ўринда жуъ — очлик ва жуд — саховат ҳам ширк ҳисобланади. Таваккул ягона нажот йўли. Иброҳим бин Аҳмад ал Хаввос (вафоти ҳиж. 291) ўз тариқати асоси деб таваккулни қабул қилди.

Маснавий

Дар яке гуфта, ки «Вожиб — хидмат аст, Варна андеши таваккул тўхмат аст».

Таржима

Бир туморга ёзди: «Вожиб — хизмат у, Йўқса, билгилки таваккул — тўхмат у».

Лисоний таржима

Туморлардан бирига шундай деб ёзди: «Солиққа вожиб бўлган асосий нарса бу хизмат ва ибодат. Асинча, ибодат ва хизматсиз Ҳаққа таваккул қилмоқ Ҳаққа нисбатан тўхмат қилмоқлик».

Шарҳ

Хизмат — одамларнинг ҳолатини раво қилмоқ. Уларнинг ташқи ва ички оламларини турли мушкулликлардан аритмоқ. Хизмат биров учун ёхуд бировнинг ўрнида ишламоқ. Бу

юмушга ўзини бағишлаган одам сабр-бардошли бўлмоғи, ўзгаларнинг фойда ва манфаатларини ўзиникидан устун қўймоғи лозим. Хизмат сабр-бардош билан боғлиқ экан, унинг давомли бўлиши орзу ва хою ҳавасни синдиради. Хизматчи солиқ одамлар кўнглига шодлик бахш этади. Бунда барака бор ва бу олий инсоний вазифа.

Сўфийлар хизматни нафс билан мужоҳада, яъни жанг қилмоқ — деб билганлар. Шунинг учун ёш солиққа энг паст ва оғир юмушлар топширилган, чунончи, хонақоҳни супуриб тозаламоқ, мусофирларга хизмат қилиш, тонг саҳарда уйғонмоқ, тевалар остини тозаламоқ ва ҳоказо. Солиқ танбал ва худбин эмас, аксинча дўст ва хайрихоҳ бўлмоғи лозим. Мавлавий тарикатида солиқ «ризо» сўзининг абжад ҳисоби бўйича бир минг бир кун хизмат қилиши шарт бўлган.

Хизматнинг таваккулдан устунлиги шундаки, таваккул қилувчи ўзини ўйлайди, хизматчи эса ўзгаларни. Шайх Саъдий ёзади:

Халққа хизматдир тариқат беҳавас,
Жойнамозу, тасбеҳу жанда эмас.

Маснавий

Дар яке гуфта, ки: «Амру наҳй ҳаст, Баҳри кардан нест шарҳи ажзи мост. Токи ажзи худ бубинем андар он, Қудрати Ҳақро бидонем он замон».

Таржима

Бирда ёзмиш: «Лозим амру наҳйдир, У фақат ожизлигимиз шарҳидир. Унда биз кўргаймиз ўзининг заъфимиз,

Ҳам етар Ҳақ қудратига ақлимиз».

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига ёзди:
«Амр ва наҳй динда бор. Бироқ унга амал қилиш шарт эмас. Амр ва наҳйдан мақсад ўзимизнинг ожиз ва заифлигимизни тан олмақ, вассалом.

Биз амр ва наҳй кўзгусида ўз курсурларимизни кўрмоғимиз ва Ҳақ таъолонинг қудратига тан бермоғимиз лозим».

Маснавий

Дар яке гуфта, ки: «Ажзи худ мабин, Куфри неъмат кардан аст он ажз ҳин. Қудрати худ бин, ки ин қудрат аз ўст, Қудрати ту неъмат у дон, ки «Хув»ст».

Таржима

Бирда ёзмишким: «Дема ожизлигинг, Куфри неъматдир сенинг нојизлигинг. Қудратинг тан олки, қудрат ундадир, Қудратинг неъмат эрурким «Хув»дадир».

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига ёзди:
«Ојизлигинг хусусида гапира кўрма. Бу неъматга ношукрликдир. Аслида нотавонлик мавжуд эмас. Ўзни ожиз ҳис қилмоқ, Ҳақ таъоло неъматига куфр келтирмоқ. Бизнинг қудратимиз Худонинг қудратига тааллуқлидир. Вужудинг қудратига назар сол. Бу қудрат Ҳақ таъолодан. Вужудингдаги бу қудратни «У»нинг неъматидеб бил».

Маснавий

Дар яке гуфта «К-аз ин ду баргузар, Бут бувад ҳар чи бигунжад дар назар».

Таржима

Бирда ёзди: «Баҳридан ўт иккисин, Бутдир ҳар неки назарга сиққуси».

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига шундай деб ёзди: «Икки нарсанинг баҳридан ўт. Биринчиси, ўзни нотавон ҳис қилмоқ; иккинчиси, ўзни Худодек қудратли, деб билмоқ. Зеро, буларнинг ҳар иккисиди ҳам «мен» боқийдир. Токи, бу «мен» маҳв бўлмас экан, «бут» бордир, «фано» мақоми эса йўқ, ёхуд фано ҳосил бўлмаган. Демак, солиқ фақат Ҳақ таъолога назар солмоғи, ундан ўзганинг баҳридан ўтмоғи лозим. Акс ҳолда ширк ва бутпарастликка гирифтор бўлади.

Шарҳ

Неки назар ва фикрга дохил бўлиб, хотир унга боғланса, солиқ Ҳақ хаёлидан чалғийди. Бу амал ширк ва бутпарастлик демақдир. Бинобарин, солиқ на ожизлик ва на қудратга назар солмаслиги, балки Ҳаққа таважжуҳ айламоғи лозим.

Маснавий

Дар яке гуфта: «Макуш ин шамъро, К-ин назар чун шамъ омад жамъро. Аз назар чун бигзарй ва аз хаёл, Кушта бошй нима шаб шамъи висол».

Таржима

Бирда дер: «Сўндирмагил бу шамъни, Чунки, у гўё кўзидир жамънинг. Гар хаёлу кўзни қилсанг Мосуво, Шамъи васлинг тунда тортайдир қаро».



Суратларни Рустам ЭРМАТОВ чизган

Лисоний таржима

Бир мактубда вазир шундай ёзди:
«Назар ва баҳсу далил шамъини сўндирма. Зеро, сенинг назаринг шамъга ўхшашдир. У ички қувватларингни ҳаракатга келтириб, қалбингга узатади.

Агар назар, андиша ва хаёлдан бош тортсанг, тунда дўст-ёринг васлига муяссар этгувчи ёруғ шамъини сўндиргандек бўласан». (Кейинги икки байт баҳс ва назарни буткул рад этгувчи сўфий аҳлига қаратилган. Холбуки, ҳали Ҳақ висолига етмаган солиқлар йўл ўртасидадирлар. Шу боисдан улар ақл ва далил шамъидан истифода айламақлари лозим).

Маснавий

Дар яке гуфта: «Бикуш боке мадор, То иваз бини назарро сад ҳазор. Ки, зи куштан шамъи жон афзун шавад, Лайлиат аз сабри ту Мажнун шавад.

Таржима

Бирда дер: «Ўлдир, нечук бечорасен? Соҳиби юз мингтадан наззорасен. Ўлдир ўт қўйганча жонинг шамъини, Мажнун айлар сабринг охир Лайлини.

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига ёзди:

«Раъй — хоҳиш ва назар шамъини сўндир. Кўрқма. Қачонки назар ва далолат шамъини сўндирсанг, ичингдаги нигоҳлар тиниклашади, юз минглаб нур қалбингда жўшади. Зеро, назар ва баҳс шамъини сўндирганинг захоти жонинг шамъида шўллалар авж олади, маҳбуб ва маъшукларинг сенга ошиғу шайдо бўлади».

Шарҳ

Сўнги икки байт Ҳаққа восил бўлган — етган, Ҳақиқат тариқатининг комиллари хусусида. Бу мартабага етмоқ ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Иккинчи мисра сўфийларнинг ушбу ақидасига ишора қилмоқда: «Ошиқ ишқ камолотига етса, ўртадаги робита — алоқа узилади, яъни ошиқ маъшукқа, маъшук ошиққа айланади».

Баъзи сўфия табақасининг фикрига кўра, илм ва баҳсу таловш висолга тўсиқ, ҳақиқий маърифатга ҳижоб. Улар ҳақиқий илм ахлоқни юксалтириш, ботинни поклаш орқали ҳосил бўлади, дейишади. Пок қалб Лаҳфу Маҳфуз илмини ўзида мужассам этади. Бунинг учун хилват ва узлатда мужоҳада билан машғул бўлиш, қалб юзидаги пардаларни кўтариш, ниҳоят кашф ва шухуд мартабасига эришиш мумкин. Абу Ҳомид Фаззолий «Эҳёи улум» китобида бу маслакка батафсил шарҳ берган.

Маснавий

Тарки дунё ҳар кй кард аз зухди хеш, Пеш омад пеши ў дунё ва беш». Дар яке гуфта, ки: «Он чит дод Ҳақ, Бар ту ширин кард дар ийжод Ҳақ. Бар ту осон карду хуш онро бигир, Хештанро дармаяфкан дар заҳир».

Таржима

Кимки зухди бирла дунёдан кечар, Дунё қайтиб-қайтиб қошига келар». Бирда дерди: «Ҳақ сенга берса надир Айлади ширин, Худодир муқтадир. Ол нени осон ва хуш қилди Худо, Ҳар балога ўзни қилма мубтало».

Лисоний таржима

Кимки ўзининг зухд-тақвоси ва порсолиги билан дунёни тарк айласа, дунё унга томон юз буради, яъни дунёнинг ўзи унинг қошига қайтиб-қайтиб келаверади. Зеро, дунё кўланкага ўхшайди. Ортидан қувсанг, қочади, қочсанг этагингга ёпишиб олади.

Туморларнинг бирига ёзди:

«Ҳақ таъоло сенга нени ризқ-рўзи қилиб яратган бўлса, уни ўз қудрати билан сен учун тотли қилиб қўйди.

Худо неники хуш қилиб ато айлаган бўлса, ўзингни ранж ва машаққатларга гирифтор этма. «Бақара» сурасининг 185-оятда баён қилинади: «Юридуллоҳу бикумул юсро ва ла юрийду бикумул усро» (Худованд сизларга машаққатни эмас, энгилликни ирода қилди).

Шарҳ

Юқоридаги байтлар, зоҳиран қараганда инсонда мавжуд бўлган шаҳват, орзу-истак ва бошқа бир қатор қудратларга ишора қилади. Инсон ана шу ҳодисалардан иборат. Демак, вазирнинг фикрига кўра, инсон ўз фитратига қайтмоғи ва табиий ижод ҳукмига бўйсунмоғи лозим.

Яна шундай қарашлар ҳам мавжуд: саодат ва шаҳоват (бахтсизлик) азалийдир. Ҳеч ким унга қарши боролмайди. Шаръий вазифалар, ҳукмлар йитади.

Маснавий

Дар яке гуфта, ки: «Бигзор они худ, К-он қабули таъби ту раддасту бад. Роҳҳои мухталиф осон шудасть, Ҳар якеро миллате чун жон шудасть. Гар муяссар кардани Ҳақ раҳ будӣ, Ҳар жухуду габр аз ў оғаҳ будӣ».

Таржима

Бирда дерди: «Кўй, сенинг таъбинг ёмон, Бўйинсунма унга, қолмассан омон. Хилма-хил йўллар яна осон бўлиб, Ҳар кишига миллати-да жон бўлиб. Ҳақни топмоқ бўлса гар осон, деди, Ҳар жухуду габр уни топгай эди».

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига шундай ёзди:

«Ўз таъбинг (табиатинг) хоҳишдан бош торт, зеро сенинг таъбинг қабул қилгувчи нарсалар гуноҳлидир. Одамзот таъби роҳат ва ҳаловатга мойил.

Бу дунёда турлича йўл ва мазҳаблар бор. Бу йўл ва мазҳабга мойил одамлар учун у жуда осон ва кўнгиллидир. Шу боисдан улар ўз мазҳабларини муқаддас тутадилар. «Рум» сурасининг 31-оятига ишора:

«Куллу ҳизбин бима ладайҳим фариҳувн» (Ҳар бир гуруҳ ўз маслақларидан шодмондирлар).

Агар Худойи таъоло Ҳақиқат йўлини барчага бирдек осон тутганида ҳар нечук жухуд ва габр (оташпараст) ундан огоҳ бўларди.

Шарҳ

Одамзот таъб ва майлига мувофиқ бўлган ҳодисалар, унинг учун маҳбуб ва матлубдир, аммо бу ҳол ҳамма вақт ҳам унинг учун фойдали бўлмайди. Зеро, инсон амалга оширадиган кўплаб гуноҳлар унинг майл ва таъбига мувофиқ келади. Бироқ хилоф ва гуноҳ ишларни биз қабул қила олмаймиз. Бу маъсиятлар жазога лойиқ. Қонунлар ва шариатлар наздида табиат ҳам зарурий ҳолдир. Чунончи, майл ва шаҳват жўш урган чоғда ҳар нечук соғлом ақл юзига ҳижоб тортилади. Инсон худди шу ҳолатда ўз зарарига ишлайди. Шу маънода турли хил мазҳаблар ўз пайравлари учун кўнгиллидир. Улар бошқа бир мазҳабга бўйсинмайдилар. Ўз жон ва молларини ана шу мазҳаб йўлида қурбон қиладилар.

Маснавий

Дар яке гуфта: «Муяссар он бувад, Ки ҳаёти дил ғазои жон бувад. Ҳар чй завқи таъб бошад, чун гузашт, Бар наорад ҳамчу шўра райъу кашт. Жуд пушаймонӣ набошад райъи ў, Жуз хасорат беш н-орад байъи ў. Он муяссар набуд андар оқибат, Номӣ ў бошад муяссар оқибат. Ту муяссар аз муяссар боз дон, Оқибат бингар жамоли инў он».

Таржима

Бирда ёзмишким: «Муяссардир аён, Дил ҳаёти — жон ғизоси, бегумон. Ҳар на бунёд бўлди таъбинг завқи-ла, Шўразор ичра уруғ унмас сира. Келтирар пушмон ҳавоии корлари, Ҳам хасорат, ҳам касод бозорлари. Ул муяссар' нобуд бўлғай оқибат, Ҳам муяссар' номи бўлғай оқибат. Бил муяссардан муяссар фарқини,

1. Муяссар — энгиллик, осон амал.
2. Муяссар — оғирлик, оғир амал.



Оқибат боққил юзига ҳар бирин».

Лисоний таржима

Туморларнинг бирига шундай деб ёзди: «Худо ўз бандаларига дил ҳаёти ва жон ғизосини муяссар айлади. Одамий зот ўз қалбини бергувчи ҳодисагина уни (яъни, қалбини) тирилтиради, руҳга ғизо (озуқа) бўлади.

Агар одам таъби ботиний маъно ва завқдан айро бўлса, у қай бир ишни адо этмасин зиёндан ўзга нарса ҳосил бўлмайди. Бу ҳол шўразор ерга уруғ тиккан билан баробардир.

Дарвоқе, ҳою ҳавас ва майлнинг орқасидан қувламачоқ ўйнаб юрмоқ ҳам пушаймонликдангина иборат. Бу муомала ёхуд олди-сотди нуқул зарардир.

Муяссар афсус ва вовайлато билан хотима топадиган амалдир. Яъни, зоҳирбинлар назарида ҳою-ҳавас бу шунчаки мазахўрақлик, ўйин-ғашт, диқир-диқир сакраш, бақриб-чақриб «ашулағўйлик» қилиш, нуқул семизгина қўй-қўзи гўштини ошқозон ўпқонларига тикмоқ ва тиззагача лаззатларга кўмилмоқдир. Ох, бунинг оқибати! Бурундан нечоғли қайноқ булоқлар отилади ҳали...

Сен осонлик, яъни енгиллик билан тугайдиган амални, кўнгилсиз ёхуд оғирлик билан яқунлангувчи амалдан фарқ қила бил.

Шарҳ

Моддий, яъни паҳса девордек бўртиб-туртиб тургувчи ҳодисаларга инонувчи зотларда ўзига хос таъб ва майл, завқу ҳавас бўлади. Уларнинг ҳаёти орзу-ҳавас, тақлид ва онгсизликка қурилади. Орзу-ҳавас-

нинг нималиги тушунарлидир. Аммо тақдир.. Сиз ўртаҳол ёхуд фақир одамга тақлид, ҳавас қилган одамни учратганмисиз? Ҳеч қаерда учратмайсиз. Одамлар, яъни, ҳақиқий иймонидан жудо бўлган зотлар, бутун борини иблисга пуллаган нокаслар ҳамма давру замонда жамиятни табақалаштирганлар. Бу — бой; бу — қашшоқ... Қашшоқ ҳам одам. Аммо, жамият уни одам деб санашни унутган. «Юл, е, тала!..» шиори энг силлик ва ораста безақлар билан тўсиб ташланганлар орасида тақлидий-хайвоний ҳаёт авжига минади.

Иблис бойлик, мол-матох, қасру равоқ, тўй-ҳашам шаклида намоён бўлади. Иблис шу йўл билан банданинг кифтига миниб олади. Банданинг оқни оққа, қорани қорага ажрата оладиган кўзларини йилтироқ, бадбўй мой қоплайди. Бу ирkit мой секин-аста унинг вужудига таралади. Ниҳоят «мойлашган бу жисм хайвонга айланади». У одам — банда — шахс сифатида ўлиmidан бурун ҳам моддий ва ҳам маънавий ўлимга гирифтор бўлади...

Юқоридаги байтлардаги «муяссар» ва «муъассар» сўзлари Куръони Каримнинг «Лайл» сурасидаги оятлардан иқтибос тарзида олинган. Инсон қисмати унинг фожеа ва саодати манзаралари ифода этилган бу раббоний башорат ва ҳидоят бундайдир: «Фасануяссируху лил Ёусро. Ва ма юғний Ёанху малуху иза тарадда. Инна Ёалайна лал худа. Ва инна лана лал ахирота вал увла. Фаанзартукум нарон талаззо. Ла яслаха иллал ашқо. Аллазий каззаба ва тавалла. Васаюжаннабуҳал атқо.

Аллазий юътий малаху ятазакка. Ва ма лиаҳадин Ёиндаху мин ниъматин тужза. Иллабтиғоа ваҳҳи Роббиҳил аъла. Валасавфа ярзо». (Маъноси: «Бас, Биз уни (дунё ва охиратда бахтсиз бўладиган) оғир йўлга «муяссар» қилурмиз! Ва у (дўзахда) ҳалок бўлган вақтида молу, дунёси унга фойда бермас! Шак-шубҳасиз, ҳидоят (яъни, инсонларни Тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз Бизнинг зимма-миздадир. Шак-шубҳасиз, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизникидир. Бас, (эй инсонлар), мен сизларни ловиллаб ёниб турган оловдан — дўзахдан огоҳлантирдим. Унга фақат (Ҳақни) ёлғон деган ва (иймон-этиқоддан) юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур! Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган тақводор зот у (дўзах)дан йироқ қилинур. У (тақводор зот) хузурида — зиммасида бирон кимсага қайтариладиган неъмат йўқдир. (Яъни, у бирон кимсанинг ўзига ўтказиб қўйган яхшилигини қайтариш учун хайр-саховат кўрсатмайди). У фақат энг олий зот бўлмиш Парвардигорининг юзини — ризолигини истаб (мол-давлатини сарф қилур). Ва яқинда (Парвардигори унга ато этадиган мукофот — жаннат неъматларидан) рози бўлур».

Мутаржим —
Асқар МАҲКАМ

Шорихлар —
Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ, Бадиъуззамон
Фурузонфар.

(Давоми бор).



«Қолғуси яхши ному иши...»



Савдо-кўргазмадан лавҳалар



Бу дунёда боқий нарса йўқ дейишади. Балки... Баъзан асрлар оша бизгача етиб келган, инсон ақл-заковати ила бунёд бўлган ноёб санъат асарлари, қадимий обидаларни ўйласам, фақат инсонгина бу ёруғ дунёда «меҳмон» деган тўхтамга келаман. Зеро, буюк шоир Саъдий Шерозий шундай деб ёзганлар:

*«Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши».*

Талантли, иқтидорли одамлар ўзларини ўраб турган муҳитни ўзгача қабул қиладилар. Илоҳий сезги бор иқтидор соҳибларида. Қалбида илоҳий сезги, нур бўлмаган одам ўзгалар дилини ёрита олмайди, ўзгача туйғуларга шакл, қиёфа беролмайди, рангларни сўзлата олмайди.

Ногирон болалар яратган кўргазмани кузатар эканман, илҳом самараси дейман. Ҳаёт уларни кўп ҳам эркалатмаган, аммо мўл туйғу ва чексиз тасаввур билан сийлаган. Рассом бўлиш учун катта юрак, сабртоқат керак. Лекин улар қалби тоза, озгина эътибордан кўнгиллари тоғдай кўтарилса, озгина дилхираликдан жажжи юраклари зада бўлади.

Ногирон болалар — бу, ўз моҳият-эътибори ва табиати жиҳатидан ғайритабиий иборадир. Ахир болалар доимо шодлик, беғубор шовқин-суронлар ва ўйин-кулгулар тимсолику! Айниқса шундай кезларда бу мур-

ғак жонларни ғам-қайғуларини ўзларининг меҳр-шафқат билан тўлиқ қалблари орқали чуқур ҳис этадиган олижаноб инсонлар топилса, олам гулистон!..

Ёшлар театри фойесида ўтказилган ижодкор ногирон болалар яратган ишлар кўргазмасида 80 дан зиёд тасвирий санъат асарлари ва 40 дан ортиқ ҳайкалтарошлик ишлари намойиш этилди. Кўргазма очилишида иштирок этган таниқли актриса Рихси Иброҳимова, сухандон Галина Мельникова ва кўплаб ҳомийларнинг таъкидлашича, болаларнинг барча асарлари олижаноблик, нафислик, қуёш нури каби ёрқинлик билан чулганган. Максим Ларионовнинг ранг-тасвир асарларида қизил ва сариқ ранглар устуворлик қилади. У яратган полотноларда кулгудан чарақлаб турган чехралар, гуллар, қушлар бисёр. Кичик мусаввир Мафтуна Раҳматова турли-туман жониворларни тасвирлашни хуш кўради. Унинг онасини айтишига қараганда, қизалоқ уйда ҳам ўзининг кўпдан-кўп вақтини севимли кучукчаси Келли билан ўтказади. Унинг кўргазмалар столида бутун бошли ҳайвонот боғи акс этган. Кичик ҳайкалтарош Бобур Турғунов ўз кўли билан лойдан ясаган ҳайкалчалар шунчалик табиийки, ҳатто уларнинг орасидаги юнглари жингалак мушукчани гўё силаб-сийпалаётганини ҳам сезмай

қоласиз. Жаҳонгир Ражабов яратган «Саҳро кемаси — туя» ўрқачлари ўртасига ўтириб олиб, узоқ йўлга отлангингиз келади.

Ёшлар театрининг фойесида ўтган асарлар намойишини савдо-кўргазма деб номланиши бежиз эмас эди. Ногирон болаларнинг кўплаб асарлари шу ернинг ўзидаёқ ҳомийлар, йирик корхоналар ва хусусий фирмалар вакиллари томонидан сотиб олинди. Масалан, акварелда чизилган бир неча расмлар, мойбўёқда ишланган картиналар, кичик ҳайкалчаларни «Сифат-Консалтинг» хусусий фирмаси, «Подъёмник» ҳиссасдорлик жамияти, «Компрессор» заводи ва бошқа ташкилотлар ходимлари харид қилдилар.

Ажойиб кўргазма, ёш ижодкорларнинг мазкур байрами (мен бу сўзни қониқиш ҳисси билан такрорлаётirman) ногирон болаларнинг «Санвикт» илмий-тадқиқот бадиий маркази, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «UVG' UNLIK» маркази, кўп сонли ҳомийларнинг фаол ҳамкорлигида ташкил этилди. Иштирокчилар ва байрам меҳмонларини чойга таклиф этишга «Ардус» кўшма корхонаси, «Зарафшон» масъулияти чекланган ташкилот ва «Нестле» компанияси ёрдамлашдилар.

М.ДАВЛАТОВА

«Умр қадрига етиб, аҳил яшанг»

Эркин бўлганлар каби
юртнинг ҳуридир шоир.

Дангаса, ялқовларни
танқид қилар аёвсиз,
Ўткир қалами билан инсон
зўридир шоир.

Тўра, мустақилликда ижодга
йўл очилди,
Тўсиқдан халос бўлган элнинг
биридир шоир.

Она юртим — Фузорим
Мустақилликда яшнаган
она юртим — Фузорим,
Ҳар кўрганда қувонаман,
қалбда қолмас ғуборим.

Хаёлимдан ҳеч кетмайди
ўйнаб ўсган далалар,
Дўстлар билан сўхбатлашиб
ёзилади хуморим.

Отам чорвадор бўлганда, кўй
боққанман бир маҳал,
Ниҳоятда завқли ўтди
ёшлик чоғим — баҳорим.
Жанг, меҳнатда зафар кучган
мардонавор элим бор,
Сени мақтасам баландроқ янграр
танбур, дуторим.

Ипак йўли сандан ўтган,
улуғ зотларни кўрдим,
Тарихинг бор олам жаҳон,
эй севимли гулзорим.

Жамолинга боқиб илҳом тошар
ўғлинг Тўрада,
Мустақилликда яшнаган
она юртим — Фузорим.

Ажабо

Хиди бири-бирига ўхшаш гул йўқ,
ажабо,
Севилмаган одам бор,
лекин пул йўқ, ажабо.

Инсон умрида кўплаб
машаққатга дуч келар,
Бир текис, силлиқ, хавфсиз,
равон йўл йўқ, ажабо.

Ҳар бир миллат тилида
бошқа сўзлар учрайди,
Дунёда биронта ҳам софроқ тил йўқ,
ажабо.

Фалокатли ҳодиса ҳар куни бордир,
Тўра,
Жиноятдан тамоман ҳоли эл йўқ,
ажабо.

Тўра ЖУМАН



Жангчи шоир Тўра Жуман серғайрат, донишманд шоирларимиздан. Отахон шоиримиз мустақил юрт истиқлолидан шодланиб, фарзандлар камолини кўзлаб, ор-номус, ватанпарварлик ва мардлик, одоб ҳақида шеърлар ёзади.

Биз ҳурматли шоиримизни муборак 75 ёшлари билан чин дилдан самимий қутлаймиз.

Хорманг, Тўра бува!

Шоир

Озод халқимиз тили,
қўзин нуридир шоир,
Ишонгани, таянчи,
юрак кўридир шоир.
Шеър, ғазали ўқилар,
қўшиқ қилиб куйланар,



Мазрифат кутубхона остонасида

Хар куни ишга келаётиб ва ишдан қайтаётиб, кўча ёқаларида сотиш учун ёйиб қўйилган ва ўз муштарийини кутаётган юзлаб, минглаб китобларга назарим тушади. Уларнинг муқовалари қалин, безаклари ниҳоятда чиройли. Китобларни кўрган кўз, ўқиган кўнгил кувнаши табиий. Мана шундай кейинги йилларда чоп этилган китоблар зиё масканлари бўлмиш кутубхоналарда ҳам бормикин, келажагимиз бўлмиш болажонларни қандай китоблар қизиқтираётган экан, китоб уларнинг доимий йўлдоши бўлиши лозим, китоб билим ва тарбиянинг асосларидан бири деган ўйлар билан пойтахтнинг «Болалар дунёси» расталари ортида жойлашган республика давлат Болалар кутубхонасига йўл оламан. Кутубхона директори Фотима Турсуновна Бухарова мени очиқ чехра, лабда табассум билан кутиб олади. Саволимни кутиб ҳам ўтирмасдан мени кутубхонада бажарилаётган ишлар билан таништириш мақсадида ўқув зали томон бошлайди ва йўл-йўлакай сўзлайди:

— Кутубхонамиз мактаб ёшигача бўлган болалар ҳамда 1-9-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари ушбу даргоҳ 1965 йилдан бошлаб республикамиз бўйича болаларга хизмат кўрсатадиган барча тизимдаги кутубхоналар учун илмий-услугиёт маркази ҳам ҳисобланади. Китоб захирамиз 257 минг нусхадан зиёд бўлиб, билимнинг

барча соҳалари бўйича болалар ёшини ҳисобга олувчи адабиётлардан иборат: илмий-оммабоп, бадиий, ноталар, граммластинкалар, диафильмлар, диапозитивлар, болалар педагогик даврий нашрлари, шунингдек, болалар ўқуви раҳбарлари учун илмий-методик ва библиографик нашрлар. Яқиндан бошлаб болалар ёзувчиларининг дастхатлари туширилган китобларни тўпламоқдамиз. Дастхатлар китобхоналарда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— *Фотима опа, кейинги йилларда кўпчилик ота-оналар фарзандларининг китоб ўқимаи қўйганидан шикоят қилишяпти. Сиз шу фикрга қўшиласизми? Кутубхонада бир йилда қанча китобхонага хизмат кўрсатилди?*

— Бу гапда маълум маънода ҳақиқат бор. Лекин фарзандларимизни китоб ўқишга турли йўллар билан қизиқтиришимиз керак. Бизнинг кутубхонамизда китобхоналаримиз дидига мос клублар ташкил қилинган. Масалан, зукколар, билимдон китобхоналар клуби, жонажон ўлка тарихи билимдонлари клуби каби. Клубларнинг иши микрорайонга хизмат кўрсатувчи кутубхоначилар ва ўқувчилар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Мазкур микрорайонда 5 та мактаб (64, 50, 17, 145, 18) ва 3 та болалар боғчаси (422, 426, 419) бор. Ҳар йили кутубхонамиз 12 мингдан зиёд китобхонага хизмат кўрсатади, 526 минг нусхадан зиёд китоб бериб олинади.

Ўқувчи-болалар билан ишлаётган мутахассислар оммавий ва индивидуал тарғиботнинг турли шакллари ҳамда усулларидан фойдаланмоқдалар: суҳбатлар, таҳлиллар, китоб-тасвир кўргазмалари, оғзаки журналлар, адабий ўйинлар, «Мўъжизалар майдони», «Лимпопо», «Брейн-ринг», ёзувчилар ва шоирлар билан учрашувлар, китобхоналар конференциялари, эрталиклар, кечалар. Кутубхонамиз ходимлари ўзларининг асосий эътиборларини ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, юксак ахлоқий руҳда тарбиялашга, меҳнат-севарлик, билимга интилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиш каби фазилатларни ардоқлашга қаратмоқдалар.

— *Кутубхона хазинаси қай тарзда бойитиб борилаяпти?*

— Кутубхона захирасини жамлаш бевосита молиялаштиришга боғлиқ бўлиб, обуна ва китоб жамлаш учун, очигини айтганда, жуда кам маблағ ажратилмоқда. Ҳозирги кунда нашриётлар томонидан мажбурий нусха берилиши тўхтатиб қўйилганлиги кутубхонанинг захирасини тўлиқ жамлашга имкон бермаяпти. Бу нарса китобхоналарга изчил ва сифатли хизмат кўрсатишга, ўзбек тилидаги адабиётларни инсталганча олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунга қарамай кутубхонамиз «Ёзувчи», «Маънавият» нашриётлари билан алоқа боғлаб, болаларбоп китобларни имкон қадар тўлиқроқ олишга келишиб олган. 2001 йилда 2 минг нусха китоб ҳамда кўплаб газета ва журналлар сотиб олиш режалаштирилган.

Биласизми, болалар энг дидли китобхондирлар. Уларни турли-туман бўлмағур нарсалар билан қаноатлантириб бўлмайди. Ҳозир назаримда болалар учун асарлар битаётган ёзувчилар ҳам камайиб кетгандай туюлади менга. Болаларда китобга ва кутубхонага меҳр уйғотиш бевосита оналарнинг вазифаси деб ўйлайман. Биз кутубхонамизда тез-тез китоб кўрик-кўргазмалари ташкил қиламиз, тақдимот маросимлари, ёзувчилар, санъаткорлар, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ўтказамиз. Оналар ҳам фарзандлари билан ёнма-ён ана шундай учрашувларда қатнашишса, фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишларида ўз ҳиссаларини қўшган бўлур эдилар.

— *Кўриб турганимиздек, режалар бисёр, муаммолар-чи? Шулар ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Албатта, иш бор жойда камчиликлар ҳам, муаммолар ҳам бўлади. Айтишимиз мумкинки, биринчи нав-

(Даво.ш.
Боши ўтган соҳ.сарға.)

ЖВЕСТА

Олтинчи бўлим

24

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз. У кичик норларни тансиҳат сақлайди.

У буюк норларни тансиҳат сақлайди. Дўстларни тансиҳат сақлайди. Гўдакларни тансиҳат сақлайди. Кузатгувчиларни жуда йироқ ва ...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон бағишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни бахтиёр айлайди ва оромгоҳ манзиллар бахшида қилади.

25

Покиза Зардушт Ийрон Вийждаги эзгу Доитё дарёси соҳилида Дравоспани сутга ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз амал, завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаб, ўтинади:

26

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй ҳаммадан қудратли!

Менга шундай комёблик бағишлагилки, эзгу ва улугвор Хутусо³² дин билан андиша қилсин; дин билан сўйласин; дин билан амал қилсин; менинг маздапарастлик динимга қайишсин ва менинг анжуманим овозасини оламга ёйсин.

27

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У покиза Зардуштнинг Ийрон Вийждаги Доитё дарёси соҳилидаги ўтинчини қабул қилди.

Мазда бунёд этган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили; мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи хотам...»

Еттинчи бўлим

28

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани олқишлаймиз.

У кичик норларни омон асрайди.

У буюк норларни омон асрайди.

Дўст-ёрларни омон асрайди.

Гўдакларни омон асрайди.

Дидбонларни жуда узоқ ва...

У эгарланган тулпорлар, пурхуруш чархли жиҳозланган гардуна (арава) соҳибидир.

Қудрат ва ҳиммати чексиз Дравоспа дармон бағишлагувчидир ва ашаванларга мадад қўлини чўзади, уларни толели айлайди ва оромгоҳ манзиллар бахшида қилади.

29

Қудратли Кий Гуштаси Доитё дарёси соҳилида юзта от, мингта сигир, ўн мингта қўй ва завр ниёз келтириб, ўтинди:

30

— Эй, Дравоспа! Эй, олийжаноб! Эй, ҳаммадан қудратли!

Менга шундай қудрат бахш айлагилки, Вийспа Сурвуаштийнинг³³ ўғли Ашта Авравант³⁴ ўзи ҳам бурро, қуроли ҳам бурро, азим гарданли, етти юзта туя соҳиби билан Зайнёвара Хуйзоҳанинг³⁵ орқа томонида жанг қилай ва голиб бўлай.

Менга шундай комёблик бахш айлагилки, гуноҳқор Аржасп Хаюн³⁶ билан жанг қилай ва уни мағлуб этай.

Менга шундай қудрат бергилки, девпараст Даршаника³⁷ билан жанг қилай ва нусрат қозонай...

31

Менга шундай куч бағишлагилки,

динсиз Тасрёвантни³⁸ чекинтирай; девпараст Спийинжа Урушкани³⁹ нобуд қилай; Хумой⁴⁰ ва Варийзакани⁴¹ хаюнлар сарзаминидан юртига қайтарайин ва хаюнлар сарзамининг кулини кўкларга совурай: элликлар, юзлар, минглар; минглар, ўн минглар; ўн минглар, юз минглар.

32

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаванпаноҳ Дравоспа завр ва қурбонлик ниёз қилгувчиларнинг хоҳишини адо айлайди.

У қудратли Кий Гуштаспнинг Доитё дарёси соҳилидаги ўтинчини қабул қилди.

Мазда бунёд айлаган қудратли ашаван Дравоспани фарру фуруғи учун намоз ва баланд овоз ҳамда завр билан олқишлаймиз.

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспани сут билан ийланган ҳавм, барсам, ақл тили, мансаралар; эзгу андиша, сўз, амал; завр ва ҳаққоний нутқ билан олқишлаймиз.

«Йинғи хотам...»

33

«Яса аху вайрю...»

Мазда яратган қудратли ашаван Дравоспага саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»

Суруш қасидаси

(Суруш яшт ҳодухт)^{42,43,44}

Ёвкур тан-мансара, метин уруш афзори соҳиби, ашаван Сурушга хушнудлик.

Биринчи бўлим

1

Оламларни юксалтиргувчи ашаван, қудратли ва бахтиёр Ашаҳ — Ҳақиқат ради порсо Сурушни олқишлаймиз.

— Эй, Зардушт!

Эзгу алқов жаҳонда энг олий ишдир...

2

Будир дурванд эр ва аёлни турли амаллардан асрагувчи амал.

Будир кўзлар, қулоқлар, қўллар, тизлар, оғиз, дурванд мард ва аёлни банд қилгувчи ва нобудликка тортгувчи. Эзгу алқов ва ибодат ҳеч кимни алдамайди ва озор бермайди.

Олқиш жасур паҳлавонлар каби заррадириким, дуружни ҳаммадан кўра яхшироқ бад амалдан манъ этади...

3

Ашаван Сурушдирки, дарвишларни ҳаммадан кўра яхшироқ ўз панонида сақлайди.

Бахтиёр Сурушдирки, дуружни ҳаммадан кўра яхшироқ яксон айлайди.

Алқов ва ибодатни энг кўп зикр қилган ашаван мард фирўзроқ ва саодатмандроқдир.

Мансара дуружнинг пинҳон девларини ҳаммадан кўра хўброқ ҳайдаб солади...

«Ахуна Варях...» энг олий каломдир. Тўғри сўз охиратда энг саодатли сўздир.

Маздапарастлар дини — Зардушт қонуни — барча яхшиликлар ичида Ашаҳ — Ҳақиқатнажод ва сенга муносиброқдир.

4

— Эй, Зардушт!

Мард ё аёл буюк бир дарё қошида, ё оғир бир қийинчиликда, ё ойюқи тийра тунда, ё шиддатли дарё кечувида, ё йиллар чалкашган ерда, ё мард ашаванлар анжуманида, ё девпараст дурвандлар ўртасида нозил қилинган ушбу сўзни бир ашаван андишаси, бир ашаван сўзи, ашаван амалидек андиша қилса, сўзласа ва амал қилса...

5

... Ёхуд ҳакамлар ҳакамлигидан даҳшат ва кўрқувга тушса, ё ҳар нечук ҳолатда шу йўлни тутса, дурванд назари бу кундуз ва бу кеч қидирса-да уни тополмайди; сурув ва йилқиларни горат қилгувчи қароқчилар ҳеч қачон унга заҳмат етказолмайди.

6

— Эй, Зардушт!

Нозил қилинган ушбу сўзни қароқчига йўликқанинг чоғ ёхуд ўғрилар ва девлар гуруҳи яқинлашган пайт баланд овозда зикр қил!

Шунда қора ниятли девпараст дурвандлар, жоду қилмоқчи бўлган

жодугарлар ва париёна ишлар билан машғул парилар кўрқувдан чекинадилар.

Девлар бош олиб ортга қочадилар ва пинҳон бўладилар, девпарастлар, саркаш ва нотавонларнинг оғзи боғланади.

7

Йилқи теграсида юрган кўриқчи ит каби биз ҳам ашаван фирўзманд, порсо Суруш атрофида айланамиз.

Шунингдек, биз пок ва фирўзманд Сурушни эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал билан олқишлаймиз.

8

Ашаван Сурушни фарру фурўғи учун, қудрат ва фирўзи учун, илоҳлар шаънига алқовлар адо этмаги учун намоз, баланд овоз ва завр билан шарафлаймиз.

Эзгу ва улугвор Аша, фирўзманд Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирўзманд Су-

руш бизларга имдод илкени узатса.

9

Ашаван Сурушни шарафлаймиз. Ашаванликда бошловчи ва ҳаммадан аёло буюк рад Ахура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий кўшиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз: неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъзозлаймиз.

«Йинғи хотам...»


Иккинчи бўлим

10

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван, Ашаҳ — Ҳақиқат ради, порсо ва қудрат соҳиби Сурушни олқишлаймиз.

У каяза гуноҳига ботган эрга шикаст беради.

У кайизий гуноҳига ботган хотинга шикаст беради.



У тирикликни тубанлаштирувчи
гоятда қудратли дуруж девини мағ-
луб этади.

У жаҳон аҳли беҳрузлигининг дид-
бони ва кўриқчисидир.

11

У ҳаргиз ухламайди ва ҳушёрлик
билан Мазда оламини кўриқлайди.

У ҳаргиз ухламайди ва сергаклик
билан Мазда оламини кўриқлайди.

У кӯёш боtgанидан сўнг, асту-
манд оламини бошдан-оёқ жанговар
қуроли билан кўриқлайди.

12

У икки мийну — Сипандмийну ва
Ангармийну — яратилганидан буён
ухлаган эмас ва Ашаҳ — Ҳақиқат
оламини асраб келмоқда.

У туну кун мазандарий девлар би-
лан курашади.

13

У девлар даҳшатидан кўркмайди
ва чекинмайди.

Барча девлар ундан даҳшатга
тушадилар ва кўрқувдан зулматга
чекинадилар.

Ашаван Сурушни фарру фурўғи
учун, қудрат ва фирўзи учун,
илоҳлар шаънига алқовлар адо
этмаги учун намоз, баланд овоз ва
завр билан олқишлаймиз.

Эзгу ва улуғвор Аша, фирўзманд
Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирўзманд Су-
руш бизга имдод илкени узатса.

Ашаван Сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳамма-
дан аъло буюк рад Ахура Маздани
олқишлаймиз.

Барча зардуштий кўшиқлар, барча
ардоқли эзгу аъмолларни олқиш-
лаймиз; неки ардоқлидир ва неки
ардоқлангусидир — барини эъзоз-
лаймиз.

«Йингҳи хотам...»

Учинчи бўлим

14

«Яса аху вайрю...»

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван,
Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва
порсо Сурушни олқишлаймиз.

У дурванд ва энг олийжаноб
ашаван ўртасидаги тинчлик
паймонининг кўриқчисидир.

Ер юзининг етти иқлимида Амшо-
сипандлар унинг ҳузурига нузул қил-
дилар.

У дин ўргатувчидир ва ашаван
Ахура Мазданинг ўзи унга дин
таълимини берди.

Ашаван Сурушни фарру фурўғи
учун, қудрат ва фирўзи учун, илоҳ-
лар шаънига алқовлар адо этмаги

учун намоз, баланд овоз ва завр би-
лан шарафлаймиз.

Эзгу ва улуғвор Аша, фирўзманд
Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирўзманд Су-
руш бизларга имдод илкени узатса.

Ашаван Сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликда бошловчи ва ҳамма-
дан аъло, буюк рад Ахура Маздани
олқишлаймиз.

Барча зардуштий кўшиқлар, барча
ардоқли эзгу аъмолларни олқиш-
лаймиз; неки ардоқлидир ва неки
ардоқлангусидир — барини эъзоз-
лаймиз.

«Йингҳи хотам...»

Тўртинчи бўлим

15

«Яса аху вайрю...»

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван,
Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва
порсо Сурушни олқишлаймиз.

Ашаван Ахура Мазда қонхўр девга
шикаст бермаги учун уни бунёд ай-
лади.

Уруш ва хусуматга барҳам бергув-
чи тинчлик аҳдини кўриқлагувчини
олқишлаймиз.

16

Ашаван Суруш ёронларини; энг
ростгўй Рашнинг ёронларини; кенг
яйловли Мехр ёронларини; эзгу
маздапарастлик дини ёрларини; жа-
ҳонпарвар ва оламларга кенглик ва
яхшилик истовчи Арштод ёронлари-
ни; эзгу Аша ёронларини; эзгу Чис-
тий ва олийжаноб Чиста ёрон-
ларини...

17

...барча илоҳлар ёронларини; ман-
сара ёрларини; девларга муқобил
зотлар ёрларини; азалий равиш ёр-
ларини; Амшосипандлар ёронлари-
ни; биз — ашаван эл Сушёнглари
ёрларини; Ашаҳ — Ҳақиқат хилқати-
нинг жамийки ёронларини....

Ашаван Сурушни фарру фурўғи
учун, қудрат ва фирўзи учун, илоҳ-
лар шаънига алқовлар адо этмаги
учун намоз, баланд овоз ва завр
билан шарафлаймиз.

Эзгу ва улуғвор Аша, фирўзманд
Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирўзманд Су-
руш бизларга имдод илкени узатса.

Бешинчи бўлим

18

«Яса аху вайрю...»

Жаҳонни юксалтиргувчи ашаван,
Ашаҳ — Ҳақиқат ради, қудратли ва
порсо Сурушни олқишлаймиз; у ав-
вал-охир, ўрта ва ибтидода илк ол-
қишловчи; у аввал-охир, ўрта ва

ибтидода илк қурбонлик келтир-
гувчи.

19

Кўркмас тан-мансара, қудратли
пахлавон, жанговар билаклар соҳиби
ашаван Сурушнинг фирўзликларини
олқишлаймиз. У девларга қирон кел-
тиради.

Фирўзманд ва кучли билак,
яхшиликлар яратувчи ашаван Су-
руш ва илоҳ Арштийни олқишлай-
миз.

20

Суруш паноҳида ва асровида бўл-
ган барча хонадонларни шараф-
лаймиз.

Ашаван Сурушни эҳтиром этган,
эзгу андиша, эзгу калом ва эзгу
амалда собитқадам эрни хуш қабул
айлаган хонумонни олқишлаймиз.

Ашаван Суруш жисмини олқиш-
лаймиз.

Энг ростгўй Рашн жисмини ол-
қишлаймиз.

Кенг яйловлар соҳиби Мехр жис-
мини олқишлаймиз.

Ашаван Бод жисмини олқишлай-
миз.

Эзгу маздапарастлик дини жисми-
ни олқишлаймиз.

Оламларни юксалтиргувчи, суд-
манд ва жаҳонпарвар Арштодни ол-
қишлаймиз.

Эзгу Аша жисмини олқишлаймиз.

Эзгу Чистий жисмини олқишлай-
миз.

Энг яхши Чиста жисмини олқиш-
лаймиз.

21

Барча илоҳлар вужудини олқиш-
лаймиз.

Мансара вужудини олқишлаймиз.

Девларга қарши қонунни олқиш-
лаймиз.

Азалий равиш вужудини олқиш-
лаймиз.

Амшосипандлар вужудини олқиш-
лаймиз.

Биз — мард ашаванлар Сушёнгла-
рини олқишлаймиз.

Бошдан-оёқ ашаван хилқатини
олқишлаймиз.

Ашаван Сурушни фарру фурўғи
учун, қудрат ва фирўзи учун, илоҳ-
лар шаънига алқовлар адо этмаги
учун намоз, баланд овоз ва завр би-
лан шарафлаймиз.

22

Эзгу ва улуғвор Аша, фирўзманд
Нарюсангни олқишлаймиз.

Шоядки, порсо ва фирўзманд Су-
руш бизларга имдод илкени узатса.

Ашаван Сурушни шарафлаймиз.

Ашаванликка бошловчи ва ҳаммадан аъло буюк рад Ахура Маздани олқишлаймиз.

Барча зардуштий кўшиқлар, барча ардоқли эзгу аъмолларни олқишлаймиз: неки ардоқлидир ва неки ардоқлангусидир — барини эъзозлаймиз.

«Йингҳи ҳотам...»

23

«Яса аху вайрю...»

Жасур тан-мансара, ахуравий қаттиқ уруш аслаҳаси соҳиби ашаван Сурушга саломлар йўллаймиз.

«Ашим вуҳув...»

«Аҳмойи раишча...»

Изоҳлар:

32. Хутусо — «Авесто»да — «Хутусо». Навзар хонадонидан. Паҳлавийда — «Хутус». Гуштаспнинг замондоши. «Шоҳнома»да бу ҳақда деярли ҳеч қандай маълумот йўқ.

Аммо паҳлавий манбаларда Гуштасп тилидан ўқиймиз: «Хутас менга сингил ва хотиндир. Ундан ўғил, қиз бўлиб уч фарзанд дунёга келди...»

33. Вийспа Сурвуаштий — Гаршасп рақибларидан бири Ашта Авравантнинг отаси («Гивш яшт» 30-банд).

34. Ашта Авравант — Гуштаспнинг ашаддий рақиби. Сўзнинг маъноси — «учқур саккиз от эгаси». Бу шахс эҳтимол маздапарастлик динининг душмани, девлар ҳомийси ёхуд девпараст бўлса? Унинг ҳақида «Гивш (Дравоспа) яшт»да ўқиймиз: «Ўзи ҳам бурро, қуроли ҳам бурро, азим гарданли, етти юзта туя соҳиби...» (30-банд).

35. Зайнёвара Хуйзоҳа — қандайдир манзилнинг номи. Бу ерда Гуштасп ўз рақибларини мағлуб этади.


36. Аржасп Хаюон — «Авесто»да — «Арижат Аспа». Маъноси — «қиммат от эгаси». Девпараст шоҳ бўлиб, Хаюон (Хаюон) қабиласидан. Зардушт ва унинг дини ҳомийларининг душмани. Унинг Гуштасп кўшинлари билан муҳорабалари бир қатор паҳлавий манбаларда, шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида батафсил баён қилинган.

Аржасп Гуштаспнинг ўғли Асфандиёр томонидан ўлдирилади.

37. Даршиника — хиёнаткорона, номардларча ҳамла қилгувчи киши. Гуштасп муҳолифларидан бўлган девпараст.

38. Тасрёвант — маъноси — «қора ниятли». Гуштасп муҳолифларидан бири бўлиб, сифати «дуж дин» (динсиз). Оқибат Гуштасп томонидан ўлдирилади.

39. Спийинжа Урушка — Гуштасп



муҳолифларидан бўлган девпараст. Паҳлавийда — «Спийнажруш».

40. Хумой — «Авесто»да — «Хумё», «Хумоё», «Хумоя». Паҳлавийда — «Хумон». Маъноси — «хумоюн, кутлуғ, бахтли». Гуштаспнинг икки қизидан бири. Эрон ва Турон ҳирбларига туронликлар томонидан асирга олинади. Асфандиёр сингиллари Хумой ва Вариёзакани асирликдан озод қилади. («Шоҳнома»да Вариёзака — Беҳофарид)

41. Вариёзака — Гуштаспнинг қизи. У сингилси Хумой билан Турон сипоҳларига асир тушади. Асфандиёр уларни тутқунликдан озод қилади.

42. Суруш яшт ҳодухт — «Авесто»нинг йигирма бир яштининг ўн биринчиси. Яшт 5 бўлим, 23 банддан иборат.

43. Ҳодухт — ҳодухт наск — кўҳна

«Авесто»нинг йўқолиб кетган йигирманчи наски (китоби). «Суруш яшт ҳодухт» ушбу наскдан бир парча дейишади.

44. Яшт — «Авесто»да — «яштий». Ясна билан маънодош бўлиб, «мақтов», «қутлов», «алқов», «эъзоз» каби маъноларни англатади. Ибодат қилгувчи, алқовчи ёхуд олқишловчи маъноларини англатувчи «яштлар» сўзининг ўзаги ҳам яштдир. Форсий тилидаги «жашн» (байрам, анжуман) сўзининг бунёди ҳам яшт.

Ясна ва яшт ўртасидаги тафовут шундаки, ясналарда алқов ва ибодатлар ом, яъни умумий бўлиб, яштлардаги олқишлар хос, яъни ҳар бир ҳодиса алоҳида-алоҳида бағишловлардан иборатдир. Чунончи, йигирма бир яшт алоҳида Амшосипандлар ва илоҳларга бағишланган.

«О, Аёл севгиси, Аёл севгиси...»

(Ажиниёз шеъриятига бир назар)

Қорақалпоқ ва ўзбек халқларининг тарихий биродарлиги чуқур илдизларга эга. Икки қардош халқ ўртасида абадий кўприк вазифасини ўтаган бетакрор сўз усталари бу йўлда жон чекиб меҳнат қилдилар. Ана шундай улуғлардан бири машҳур қорақалпоқ шоири Ажиниёздир.

Келинг, шу ўринда мумтоз шоирнинг таржимаи ҳолига бир назар ташлайлик. Шоир 1824 йили ҳозирги Мўйноқ туманининг Қамиш бўғат овулида балиқчи оиласида дунёга келди. Ажиниёз ботирлар наслдан эди. Унинг отаси Кўсибой, бобокалонлари Болтабек ва Оқжигитлар ўз замонасида эл-юрт орасида ботир деб ном қозонганлар. Шоирнинг онаси Назира ая эса сўзга чечан, дилкаш, кўпгина халқ дostonларини ёд билган, хушовоз, элда машҳур аёллардан бўлган.

Турмуш қийинчиликларини елкага олган шоир илм эгаллаш учун Хивадаги Шерғоziхон мадрасасида таълим кўрди. Шарқнинг етук алломалари етишиб чиққан бу даргоҳда таҳсил олган йиллар шоир ҳаёти ҳамда ижодий фаолиятининг сайқал топишида муҳим босқич саналади.

Ажиниёз шеърияти энг аввало тоза лиризм, донишмандлик ва инсонпарварлик гоиси билан сугорилган. Унинг қайси мавзудаги шеърларига назар ташламайлик, унда чуқур лиризм билан сугорилган фалсафий қарашларга дуч келасиз.

Юз минг жилва билан келар
 гўзаллар,
Минг туман ноз билан боқар
 гўзаллар,
Сузиб қалам қошин қоқар гўзаллар,
Айтдим суйганимдан бунни гўзаллар.

Шоирнинг ранг-баранг ижодидан ёр гўзаллиги васф этилган мисраларни истаганча келтириш мумкин:

Ўтириш — туриш, юриш ғоздур,
Бошдан оёқ тамом аъзоси ноздур,
Хуш сурат, хуш одат, бир олғир
 боздур,
Мисоли боқиши лочин кабидур.

сингари ташбеҳлар тизими фақат Ажиниёз ижодигагина хосдир. Аёл гўзаллигини чуқур ҳис этиш, уни тан

олиш, унга сажда қилиш шоир учун қанчалик мураккаб мавзу бўлса, пок инсоний муҳаббатни улуглаш ҳам унинг учун ор-номус ва виждон кабидир.

Ажиниёз шеъриятида аёл гўзаллигига эҳтиром, ундан лаззатланиш етакчи го.

У аёлга муносабатда «одам фаришта эмас»лигини, аммо инсоний ишқни вужудига сингдирган тириклик яратувчи аёлни фаришадан ҳам ортиқ улуглайди, уни севигиша, хурматда бўлишига, ундан фақат завқ олиш эмас, балки илҳом манбаи, маънавий ва ақлий қобилиятни асровчи қудрат излашга қақиради. «Бўзатовлик гўзалим» шеърида:

Бўзатовлик гул бинафша гўзалим,
Асалинг арини болидан бездирар,
Мижгонларинг сузиб боққан
 назаринг
Юлдузни лол қилиб тундан
 бездирар, — дейди.

Ажиниёз ҳар сафар жонон нигоҳига, унинг жодусига илоҳийлик бағишлайди ва бу жоду назаридан юлдузлар лол қолиб қоронғу тунни ёғду сочган каби ифода этади. Мустабид тузум даврида «Мен севаман сени, сен севасанми» қабилотидаги чекланган гаплардан нарига ўтишнинг имкони йўқ эди. Мустақиллик туфайли Ажиниёз шеъриятидаги аёлни эркалатиш, ҳавас уйғотиш, унинг ажойиб фазилатлари акс этган шеърларини таҳлил этишга кенг йўл очилди.

Аёл гўзаллиги бир дарахт, унинг бутқолари муҳаббатдан, одоб-икромдан, рашқдан, шодликдан далолат беради. Муҳаббат — одам умрини ҳаракатга солувчи куч. Ажиниёзнинг улуглиги ҳам мана шунда, унинг поэзияси шу муҳаббат асосида яратилган ва унинг ҳар бир сатри муҳаббат руҳи билан сугорилган:

Яҳши хотун эрур Худо неъмاتي,
Суйсанг, кучсанг азиз жоннинг
роҳати.
Яҳши ёрни беклар билсанг сўҳбати
Фонийда жаннат билан тенг бўлур.

Жуманазар БОЗОРБОЕВ,
фалсафа фанлар доктори,
профессор

У Й

Ҳажвия

Жамшид ҳовли сотиб олди-ю, қулоғи тинчиди. Хотинининг ҳам жағи тиниб, қўли-қўлига тегмай қолди. Кечагина қайнонасининг қайнашига тикка сайраётган Олимаси шуми? Бунинг мулозаматларини-чи энди. Ҳеч кўз очирмасдику!

— Вой-й, дадажониси, кечга нима овқат қилайлик? Фақат оғзингизга ёққанени айтинг.

— Қулинг ўргилсин ош қила қолинг. Аммо, лекин холангиз ўргатган тошкентча аччиқ-чучукдан ҳам бўлсин, хўпми? Ўтган сафаргиси оғзимда эриб кетгандай бўлувди.

Жамшид ҳовлининг жуда қулай шароитидан кўнгли кенг кетди. Ҳатто шундай жаннатмисол масканни умри битгандаям ташлаб кетишга кўзи қиймай қолди. Аксинча шу гўшада дунёга устун бўлишнинг қаловини излашнинг пайига тушди. Бунинг сира иложи йўқлигини билиб ўқиниб ҳам қўйди.

Ҳовли зўр жойда, оёқ томонидаги девор орти кенг сайхонлик. Маҳалла болаларини шу ер тиндиради. Чапён чавра деворнинг орқаси эса илонизи бўлиб ёйилиб оқадиган каттагина сой. Жоннинг роҳатида ўзиям. Ҳовлининг ичидан ҳам тўлиқиб ариқ ўтган. Фақат ўнг тарафидаги девор-дармиён қўшниси, бемаза валдираб, унсиз қилқиллаб қуладиган Собит совуқнинг ҳовлиси билан маҳаллага туташиб кетган.

Шундай ҳовлини сотиб кетган собиқ уй эгасиям тоза пандавақи экан. Қандоқ кўзи қийди экан-а!..

Эр-хотиннинг нияти бир ёқадан бош чиқариб, ҳордик қуни сахар паллада бозорга тушишди. Юк машинасига бир талай ғозу ўрдақларни босиб, оғзилари ёйилганча уйга қайтишди. Худди бозорнинг тенг ярмини кўчириб келишгандек бўлди-ёв. Паррандалар ҳам чакана эмас экан. Оёқлари бўшалиб худди ўз тасарруфларини бўлишиб олмоқчидек чопиша бориб, ўзларини ариққа отишди. Уларнинг патир-путир, «Ғайқ-ғуйт»идан ариқ-

СОБИЛАДИ

даги сув ҳам чўчиб кетига оққандек бўлди.

— Анавинисини кўрдингизми, дадажониси, ўмбалоқ ошяптими, вой, мен ўлай! Тирранчалариям бало экан, а?

— Унисини кўйинг, онажониси, шўнғишини кўринг. Балиқ ҳам думини қайириб қочади-ёв буларни кўргач.

— Ие, дада, қаранг, ҳаммаси дадасидан кўрқаркан. Қаранг, ас-салом қилишяпти нукул.

Шу пайт кўшни томондан йўтал товуши келгандек бўлди. Бехос ўша тарафга қарашди. Паст девордан хунуқина илжайиб мўралаган Собит совуққа кўзлари тушиб бир дунё шодликларини бўлишмоқчи бўлишди.

— Собит ака, ўтинг бу ёққа. Бир томоша қилинг буларни.

Собит совуқнинг кўк кўзлари бирдан маъносиз йилтираб кетди. Аммо бемаза ишшайишини сўндирмади. Юзига ўргимчак тўри илашдимми, асабий ишқалаган бўлди.

— Бу нима шовқин-сурон десам, «Ғақ-Ғуқ», «Ғағу-Ға»ларнинг бозорини кўтариб келибсизлар-да, Жамшидвой.

— Ҳа, энди ишқибозлик ака. Бир ёғи гўшт, тухум ўзимиздан чиқиб қоларкан, ўйлаб кўрсам. Яхши бўлди-да, лекин.

— Яхшиликка яхшику-я, лекин кеннойингизни давлениси бор-да! Кўтаролмайди бунақанги шовқинни. Тавба, шу балчиқ титадиган ҳароми нарсага кунларинг қолдимми? Эр-хотин бир-бирига анграйишди. Қизик, ҳамиятига тегадиган қаттиқ гап эшитса ловуллаб сарайдиган Олима ҳам тек қолди.

— Ҳа, энди бир боқайлик дедик-да, ака. Тайёр сув. Барибир бекордан-бекор оқиб ётибди.

— Аввалги кўшни зормандаям мол боқиб ҳаммаёқни гўнг исига чайиб ташлаганди. Зўрға қутулудик занғардан. Аммо кўшни, хотиннинг дардини эслатиб қўйдим-да, ҳар тугул. У ёғини ўзингиз би-

ласиз...

Собит совуқнинг қорасига кўшилиб, унияям ўчди. Эр хотинига, хотин эрига мўлтираб қолишди.

— Вой, ўлмасам, энди нима қиламиз, дадажониси. Оғзимиз ошга етганда лаллайиб қолаверамизми? Нима, у бизга хўжайинми ё...

— Э, гапираверади-да!

Олима бир нимани истиҳола қилдимми, ўсмоқчилади:

— Хотинининг давлениси бўлса, майли, муросаи мадора. Бир ёғи кўздек кўшни бўлсак, ҳали янги бўлсак. Кечагина келиб бугун арининг инини титкилаб турмайлик.

Иккови бир тўхтамага келиб, кун ора бўлсаям бирин-кетин сўйиб, еб туришни кўзлашди. Аммо ҳаром нарсанинг гўштини... Қандай бўларкин? Унгача анави хотиннинг давлениси ўрлаб, бир бало кўписа юз юлишиб юришмасин тагин. Шу томонидан чўчишиб паррандаларни то тутиб олишгунча обдон ҳолдан тойишди. Паррандалар норози бўлиб шовқин кўтаришди. Кечки бозорнинг чўғи чайқаб сотарлар фойдасига ҳал бўлди. Эр-хотин кепак чангини чўнтакка пуфлаб, мунгайиб уйга қайтишди.

Ҳамма бало Собит совуқнинг арзандасидан чиқмаганда олам гулистон эди-я! Аммо бу олазарак ҳаммаёқни вайрон қилди. Тирранчалигидан шунчалик бало, ҳали катта бўлса қандай бўларкин шу кепатада кетса?

Хуллас, Собит совуқнинг ўғли шигиллаб пишган ёнғоққа ўғирликка тушди. Бир амаллаб тирмашиб чиқиб олди-ю, кўйни тўлар-тўлмас пастга шўнғиди. Оёғи тийганиб кетмаганида ўтдек нафсига биратўла нарвониям тиқиб тушармиди? Қилғиликни у қилди-ю, балосига Жамшидлар йўлиқди. Собит совуқнинг юзи хунук кўкариб, ҳаллослаганча пайдо бўлди.

— Вой-дод! Уйим куйди, ҳалойик, уйгинам куйди! ... Ёмон кўшнидан дод!

У кела солиб Жамшидга ёпишди. Шалоқ оғзи бир томонга тортганча

тупук сачратди.

— Ит эмган кўппак. Ҳозир кесасан дардисар ёнғоғингни.

— Тухмат қилманг. Ўғри ўғлингизга буям оз, ўзидан кўрсин. Нима, дўхтирга жўнатиб ёмон бўлдикми? Ундан кейин бу ҳовлини сотиб олганимдаям бу ёнғоқ бор эди. Бир қарич бўлсаки мен экан бўлсам.

— Мен билмайман, бил-май-ман, тамом-вассалом. Аммо хотинининг давлениси ошиб кетса, энанг тугул ўзингнияам Учқўргондан излаттириб қўяман. Ўшанда кўраман, сен итваччани вингиллашингни.

Бирпаснинг ичида кўни-кўшнилари ҳовлини тўлдиришди. Ажаб, улардан бирортасиям юрак ютиб, Собит совуққа гиринг дейишолмасди. Лекин ичларидан атиги биттагина мағрурроғи топилиб қолди. Уям бўлса саксонни саранжомлаган, букчайганроқ кампиршо экан. У таррак оёқларини зўрға босиб олдинга интилди-да, бошини чайқаб, Собит совуққа бобиллаб берди.

— Юраккинанг тор бўлмай ўлсин сени. Отангнинг отини талашасанми кўздек кўшнинг минан. Шу минан билмайман неча кўшнини чўкилаб, урра қочирдинг экан. Энангнияам оғзи халта, ақли калта эди. Ўшанга тортдинг, аммо...

— Ҳа-а! — Гапни чўрт кесди Собит совуқ кўк кўзлари ўтдек ёнганча.

— Хотиним анави уйда ўлолмай ётибди. Аммо, лекин унга бир бало бўлса, қари бўлсангиз ҳам қараб ўтирмайман.

Кампирнинг дув этиб ранги ўчди. Вой, ўлмасам, деди-ю, чаққонгина уриниб одамлар тўдасига ўзини аранг уриб қолди.

Эртасига азондаёқ дарвоза кўрагига кўпчиликка таниш бўлиб кетган эълон ўз жойини эгаллади. Аммо, бу гал эълонга озгина кўшимча қилинди:

«Уй сотилади. Сабаби: бу ерда ёмон кўшни — Собит совуқ яшайди».

Эълонни ўқиб, бутун маҳалла аҳли хохолаб кула бошлади. Уч кундан сўнг Собит совуқ секин кўчага чиқиб, эълон ёзилган ...тахтачани ўғирлади ва ёқиб юборди...

Тоҳиржон Йўлдошев,

Фарғона вилояти,

Кўзи ожизлар махсус кутубхонаси услубчиси

Мусича

Ёнма-ёнмиз азал-азалдан,
Биргамиз то қиёмат қадар.
Ўйлантирар бироқ гўллингинг,
Осон овлар мушук ҳар сафар.

Орамизда тафовут катта,
Сен парранда, мен қутлуғ башар.
Ўшашлик ҳам бор-ку, албатта —
Қонимизда юввошлик яшар.

Лоқайдлик

Дунёдаги барча ёвузлик ва
ваҳшийликнинг боши
лоқайдликдадир

Адолатнинг кўзи боғланса,
Юрт йигитин бўзи боғланса,
Шоирларнинг сўзи боғланса,
Лоқайдликнинг оқибатидир.

Орзуларинг нураб йиқилса,
Ҳақ сўзига томоқ тиқилса,
Лаб очолмай юрак сиқилса,
Лоқайдликнинг оқибатидир.

Фармон берса ўғри тўғрига,
Бўйинсунса тўғри ўғрига,
Қаллоб чиқса уйнинг тўрига,
Лоқайдликнинг оқибатидир.

Мудом бошдан кулфат чиқмаса,
Рухингдан ҳеч гафлат чиқмаса,
Сирлашгудек улфат чиқмаса,
Лоқайдликнинг оқибатидир.

Лоқайдликни кўрқоқлик билинг,
Лоқайдликни тарқоқлик билинг,
Лоқайдликни ботқоқлик билинг,
Бало боши лоқайдлик, билинг.

Шайтоннинг кори

Бир куни шайтондан сўрабди одам:
— Нега сен макр ила бизларга ҳар
дам,
Орамизга фитна-нифоқ соласан,
Жанжаллардан нечук баҳра оласан?
— Инсонлар бирлашиб саришта
юрди,
Адолат уйини мустаҳкам курди.
Башар ақлин йиғиб олган заҳоти,
Жаҳонда қурийдди шайтоннинг зоти.
Ўзаро ёвлашиб юрганда инсон
Менга қилолмайди ҳеч қачон исён.
Шеърнинг мазмунидан бохабар
киши
Шайтонни танимоқ бугуннинг иши.

Акрам СУЛТОН,
Андижон тиббиёт институти

Ямин ҚУРБОН Ҳалол пул

Бек ота пайғамбар ёшига етди,
Хаёлан Маккани зиёрат этди.
Зиёрат ҳаваси ўт олди охир,
Қор этди бу ўтга на дўл, на ёмғир.
Пайқашиб бу ҳолни ўғлонлари, денг,
Ҳамият этгали шимардилар енг.
Бормагу келмакнинг харжидир катта.
Ўғлонлар отани тутдилар кафтда;
Униси бир даста пул тутса жўшиб,
Буниси узатди ўн қарра қўшиб.
Ҳар ишда тадбир бор, тадбир бор,

Нон создир соз этиб қорилса хамир.
Бек ота жилмайди нос отиб андак.
Сўнг деди қилиб, денг,

калласин сарак:
«Ташаккур, меҳрингиз бор экан, балли!
Меҳрингиз борлигин будир амали.
Лекин қай йўл билан топилгандир бу?
Буниси қоронгу, менга қоронгу.
Шунинг-чун олмагум, йўқ-йўқ, асло!
Олмакни имоним кўрмагай раво.
Бу пулда бўлса гар қилчалик ҳаром,
Имоним мени, во, қилмасми бадном!!
Кўрқаман, зероки,

кўрқмагим шартдир;
Гуноҳдан кўрққанлар тантидир,
марддир.

Энди, химм, айтсам мен гапнинг
қисқасин,
Синмасин гапимдан кўнглингиз тагин.
Зиёрат сафарин этадирман ҳал,
Қачон ўз топганим жамлаган маҳал».

Ҳаққа билан Қалдирғоч

Ҳаққа Қалдирғочга ташлади луқма:
«Одамлар уйига қурсанг-да уя,
Нечук фик этмаслар, гаваго этмаслар;
Сири не, во, ҳатто парво этмаслар?!
Мени-чи, қорамни кўрсалар, тамом,
Қуварлар ўргандек арпаларин хом;
Отарлар гоҳ кесак, гоҳида таёқ.
Бўлур, эҳ, бу ҳолдан тоқатларим
тоқ!!» —
«Қуварлар сени, ҳа, нолишинг тўғри.
Қуварлар ким бўлса сенингдек ўғри».

Тузатиш

Журналимизнинг шу йилги 1-со-
нида санъатшунослик фанлари док-
тори Т.Ғофурбековнинг «Полимоно-
дия — ўзбек бастакорлиги махсули»
мақоласида биринчи устундаги «ған-
ний» сўзи «мулаҳҳин» деб ўқилсин.
Таҳририят муаллиф ва муштарийлар-
дан узр сўрайди.

Guliston

2
2001

Учредитель:
Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир:
Сирожиддин АҲМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент — ГСН,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-08-57
Маскул котиб — 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
22.03.2001 йил.

Қоғоз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.

Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 1565.
2334 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарҳда.

*Таҳририятга келган қўлёзмалар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга қайтарилмайди.
Таҳририят фикри муаллифлар
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.*

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонаси.
700029, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© “ГУЛИСТОН” 2/2001.



Мирпўлат ака уй-музейи экспонатларидан



Guliston

Индекс: якка обуначилар учун — 820
ташкilotлар учун — 806

Баҳоси: чакана савдода келишилган нарҳда.

